

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ  
МУЗЕЙИ

Азиз ҚАЮМОВ

АКАДЕМИК ҒАФУР ҒУЛОМ

(хотиралар)

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти

ТОШКЕНТ - 2002



Масъул муҳаррир:

Саидбек ҲАСАНОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор



Таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Азизхон Қаюмовнинг мазкур рисоласи ўзбек халқининг улуғ шоири ва алломаси Ғафур Ғулом (1903–1966) ҳақидадир. Унда улкан адиб ва олимнинг илмий ва ижодий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинган. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг Ўзбекистон Фанлар Академиясидаги илмий ва амалий фаолияти ёритилган. Унинг мероси авлодлар учун ибрат мактаби бўлиб, китобча ҳам хотиралар тарзида баён қилинганки, муаллиф авлодлар хотирасида Ғафур Ғулом сиймосини бор бўй баста билан намоён этишга ҳаракат қилган.

4702620204 – 407

Қ ————— гриф – 2002

М 361 (04) – 2002

ISBN 5-86484-051-3.

© Ўз Р ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи, 2002.

© Абдулла Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриёти, 2002.

## ТАНИШУВ

Халқлар тарихида шундай зотлар борки, уларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, мероси бу халқлар учун тоабод муқаддас бўлиб қолади. Чунки бундай олий жаноб кишилар бутун умрини элу юрт учун бағишлаб яшаганлар. Шу туфайли, халқ юрагидан жой олганлар. Уларнинг нузли хотираси ибрат тимсоли бўлиб ҳамиша барҳаётдир.

Устоз Ғафур Ғулумни мен ана шундай улуғ зотлардан бири деб биламан.

Бу киши билан мен илк бор болалик йилларида Қўқон шаҳарида учрашганман. XX асрнинг 30—40 йиллари Қўқон Ўзбекистоннинг кичик шаҳарларидан бири бўлган. 1939 йилги рўйхатга кўра бу шаҳарда 40.000 атрофида аҳоли яшаган. Шаҳар икки бўлақдан иборат эди. Эски шаҳар, янги шаҳар (город). Қўқоннинг янги шаҳар қисми хоризм томонидан эгаллангандан кейин қурилган. У ерда банклар, завод эгаларининг ҳашаматли уйлари, тош терилган кўчалар, пишиқ гишт ётқизилган йўлчалар, тўрт қатор экилган дарахтлар, скверлар бўлган. Эски шаҳар эса оддий кесак деворли уйлар, қишда лой, ёзда чанг кўчалар билан тўла. Улар ерасида собиқ мадрасаларнинг бузилабошлаган улуғвор иморатлари қад кўтарган, аммо улар шунчалар нурайбошлаган эдиларки, тезда харобаларга айланиб кейин эса кўплари йўқ бўлиб кетди. Эски шаҳардаги янги иморатлар бизнинг мактабимиз, поликлиника, тикувчилик фабрикаси (семун иморат) ва театр эди.

Эски билан янги шаҳарни Қўқонсой ажратиб туради. Тоғлардан тушиб келадиган бу сой тез оқади, шаҳардан чиққач далаларни суғорувчи ариқларга бўлиниб кетади.

Мен ўқиган 3—мактаб ўша фурсатда Қўқоннинг эски қисми марказида жойлашган эди. Мактабимизнинг шундай ёнгинасида Ҳамза номли мусиқали драма театри бор. Театр биносига кираберишда эса болалар кутубхонаси ишлайди. Кўпгина бошқа ўқувчилар қатори мен ҳам бу кутубхонанинг фаол китобхонларидан бири бўлганман.

Баҳор пайти. Мактабда катта танаффус вақтида мен одатдагидек кўлимдаги китобни топширмоқчи бўлиб кутубхонага келмоқда эдим. Яқинда Ғафур Ғулумнинг “Эгалари эгаллаганда” деган достонини олиб ўқиб чиққандим. Шунини топшириб бирор бошқа китобни олмақчиман.

Кутубхона биносига яқинлашганимда қаршимда келаётган икки кишига дуч келдим. Уларга яқинлашгач, уларнинг ўтиб кетишларини кутиб тўхтадим ва салом бердим. Улар саломимга

алик қайтаришди ва тўхташди. Улардан бири баланд бўйли, очик чехрали, кўз ойнак таққани мендан сўради:

— Қўлингдаги қандай китоб, қани кўрсатчи?

Мен у кишига китобни узатдим.

— Эҳе, менинг китобларимдан экан, ўқигани олдингми.

Мен китобни ўқиб бўлганимни ва кутубхонага қайтариб топшириш учун кетаётганимни айтдим.

— Менинг китобларимдан экан, — деди, у киши яна ва мендан сўради:

— Китоб санга ёқдим.

— Ёқди. — деб, жавоб бердим. У киши мамнун бўлиб китобни менга қайтардилар ва хайрлашдилар. Сўнг ҳамроҳи билан аста—секин йўлда давом этдилар. Уларнинг йўли бизнинг мактаб сари борар эди.

Мен болалик тасавури билан бу кишининг уйидаги шахсий кутубхонасида ҳам мана шу китоб бор экан, деб ўйлаган эдим.

Мен китобни қайтариб олганимдан кейин унинг муқовасига қарадим. Унда ҳозиргина мен билан суҳбатлашган кўз ойнакли кишининг ҳудди ўзига ўхшаш суврат бор эди. Суврат устига китоб муаллифининг номи Фафур Фулом деб ёзиб қўйилган. Шунда "Менинг китобларимдан экан" деган гапнинг маъносини пайқадим. Мен Фафур Фуломни кўрган ва у билан суҳбатлашган эканман. "Кўкан батрак" достонини эл оғзига тушиб кетган бошқа асарларни яратган машҳур шоир билан учрашган эдим.

Ҳаяжондан титраб кетдим. Кутубхонага кириш ҳам ҳаёлдан чиқиб кетди. Мен кўчанинг бошқа тарафига ўтиб ёриллаганча мактабга қараб чопдим. Мактаб эшигига етгач, ундан ўтиб тўғри синфимизга кириб бордим. Нафасим тиқилганича синфдаги болаларга:

— Мен Фафур Фуломни кўрдим. У киши бизнинг мактабимизга келаётгидилар, — дедим.

Болалар дув этиб қўзғалдилар. Бир пасда бу гап мактабга ёйилди. Ўқувчилар мактаб эшиги олдидаги майдонча ва зиналарни тўлдирдилар. Бу хабар ўқитувчиларга қам маълум бўлди шекилли, тил ва адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзахон Аббосов мактаб биносидан чиқиб келдилар. У киши зиналарда гул бўлиб турган ўқувчилар орасидан ўтиб йўлкада секин келишаётган меҳмонлар истиқболига чиқдилар. Улар қизгин саломлашишди. Сўнг уччалалари бир оз гаплашиб турдилар. Биз майдончада туриб шундай одамларнинг бир—бирлари билан қандай ҳурмат билан кўришганларини кузатар, ўқитувчимиздан гурур ҳисси билан тўлиб тошган эдик.

Менинг Гафур Фулом билан учрашувим биринчи бор ана шундай бўлган, Ушанда мен Қўқондаги 3-мактабнинг 6-синфида ўқир эдим. Бу воқеа 1938 йили содир бўлган.

## ИККИНЧИ УЧРАШУВ

1939 йили улуф ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг (1441—1501) туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан Навоий юбилейини ўтқазиб тўғрисида ҳукумат қарори эълон қилинди. Газета ва журналларда, радиода (у вақтларда ҳали телевидение йўқ эди) Навоий ҳаёти ва ижодини ташвиқ этувчи маълумотлар кўп — кўп кўринабошлади.

Мактаб программасига Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат асарлари киритилган бўлиб ўқувчилар уларнинг асарлари билан ҳам таништириб борилади. Яна шу фурсатда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг туғилганига 50 йил тўлиши ҳам кенг нишонланди. Унинг асарлари саҳналаштирилади, Ҳамза Ҳакимзоданинг шеърлари ва пьесалари нашр қилинди.

Шундай қилиб ўзбек мумтоз адабиёт намояндalarининг ижодий меросига қизиқиш ва ўрганиш олдинги қаторга ўтабошлади.

Навоий асарларини мактабда ўқиш ва ўқитиш ишлари авваллари анча қийинчилик билан борди. Шеър матнлари оғир, уларда тушунарли бўлмаган сўзлар кўп. Шеърлар учун тузилган луғат ўзбек адабиёти Хрестоматияси китоби саҳифаларининг деярли ярмини эгаллар эди. Ўқувчилар қаттиқ ва чидамли меҳнат натижасида Навоий шеърларининг маъзини чақар эдилар. Ҳатто баъзан луғатдаги сўзлар ва уларнинг маъносини ёдлаб олмоққа ҳам тўғри келар эди. Ана шундай тиришқоқлик оқибатида Навоий шеърларининг маъносини тушуниб оладиган бўлгач, улардаги мазмуннинг бойлиги, туйғулар кучи, мисралар тузулишидаги мукамаллик ақлни ҳайратга солар, кўнгилларни мафтун этар эди.

*Хиштини масжид бузибон келтириб  
Тошини эл марқадин етқуриб.*

*Пардалари риштаси эл жонидин  
Лаълию шингарфи улус қонидин.*

*Зулминг эрур кундузу фисқинг кеча  
Зулм ила фисқинг неча бўлғай кеча...*

Золим подшоҳларга қарата айтилган Навоийнинг бу кескин нидолари ўша вақтлардан бери ёдда қолган.

1940 йили Собир Абдулла ва Уйғун нашрга тайёрлаган Навоийнинг шеърлар тўплами "Чордевон" номи билан нашр этилди. Менинг авлодим Навоий лирикаси билан шу китоб орқали таниша бошлаган. Ундаги кўп гўзал мисралар ўша йиллардан бери хотирада мустаҳкам ўрнашган.

*Ашрақат мин акси шамсил қаъс анвор ул ҳидо  
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо...*

*Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз  
Банди бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз...*

*Хуреки, менинг жонима офат етилибдур  
Тубий киби қад бирла қиёмат етилибдур...*

*Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим санга  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санга...*

Шуларга ўхшаш қалб торларини ларзага келтирувчи дилбар мисраларни қайта-қайта ўқиб, Навоий шеъриятига муҳаббатимиз кундан кунга ошар эди.

Ўша йиллари яна Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", "Муҳокамат ул лугатайн" асарлари, Ҳондамирнинг Навоий ҳаёти ва ижодига оид "Мақорим ул-ахлоқ" асарининг форсий тилдан ўзбек тилига қилинган таржимаси алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди. Навоий "Ҳамса"сининг Садриддин Айний томонидан тайёрланган қисқартирилган нусхаси босилиб чиқди. Матбуотда Ойбек, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Юнус Латиф, Сотти Ҳусайн, Ҳамид Олимжон, Тўхтасин Жалолов каби билимдон мутахассисларнинг Навоийга оид мақолалари тез-тез босилиб турар эди.

Шу катта тўлқин таъсирида бизнинг ёш фикримизни Навоий ижоди, унинг жозибаси, жонбахш таъсири қамраб олган эди.

Ўша йиллар, ёш болалик пайтларимдан адабиётта меҳрим тушганлигидан, унча-мунча шеърлар ёзиб машқ қилар эдим. Улар мактаб деворий газетаси "Ёш кадр"да ёзилиб ҳам турарди. Тил ва адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзахон Аббосовнинг тавсиялари билан ҳатта иккита шеърим Қўқон шаҳар газетаси "Янги Фарғона"да ҳам босилиб чиққан.

1941 йил Эрта ёз пайти. Мен 3—мактабнинг 9—синф толиби эдим. Шунда Фафур Фулом билан иккинчи марта учрашганман.

Бир кун адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзаҳон Аббосов домудла шоир Фафур Фуломнинг Қўқонда эканлигини, бутун бизнинг мактабга келишини айтдилар.

Баҳорнинг латиф кунлари. Мактабда ўқиш йилининг охириги кунлари ўз тартибда давом этади. Аммо ёзги таътилниги яқинлашаётгани ҳам сезилади. Қуёш ҳавони яхши иссита бошлаган, иссиқ кийимлар аллақачон ёзлик енгил кийимлар билан алмашинган. Одамлар очиқ ҳавода яйраб ҳордиқ чиқарадилар.

Катта танаффус чоғи. Мен синфда ўлтирган эдим, бир ўқувчи кириб мени ўқитувчилар хонасига чақиринишаётганини айтди. Мен дарҳол ўрнимдан туриб синф эшиги сари юрдим. Синфдан катта йўлакка чиққач, шундайгина чап томондаги биринчи эшикка етиб келдим. Уни сал ҳайиқиш билан тақиллатиб, сўнг аста очганча хонага кирдим. Бу ўқитувчилар хонаси бўлиб, уч киши ўлтирган эди.

Мен хонага кирган заҳотим уларга салом бердим. Улар алик қайтардилар. Улардан бири тил ва адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзаҳон Аббосов меҳмонларга мени танитдилар. Меҳмонлардан бири машҳур ёзувчи — Фафур Фулом. Мен у кишини дарров танидим.

Шундан сўнг Фафур Фулом менга бирор янги шеъримни ўқиб бермоқни таклиф қилдилар. Мен Аббосов домудланнинг ёнларида курсида ўлтириб эдим. Курсида ўлтирган ҳолда Алишер Навоийга бағишлаб ёзган бир машқ шеъримни ўқий бошладим. Фафур Фулом мени ўқишдан тўхтатдилар ва дедилар:

— Шеърнинг хурмати учун уни тик туриб ўқиш керак.

Мен сал хижолат билан ўрнимдан турдим.

Фафур Фулом шеърни диққат билан тингладилар. Шеър ўқилиб бўлгач у киши мени алқаб бир икки сўз дедилар, сўнгра бир танбеҳ ҳам қилдилар.

— Сен “ҳаргиз” деб ўқидинг. “Ҳаргиз” дегани “ҳеч қачон” деган маънони билдиради. Бу ерда эса “ҳар доим”, “ҳар қачон” деган маъно англашилмоғи керак. Шунинг учун бу жойдаги “ҳаргиз” сўзини бошқа сўз билан алмаштиргин.

Шеърда мен “ҳар кез” деб ёзган эдим. Аммо ўқишда “ҳаргиз” эшитилган. Мен аниқ талаффуз қилмаганман. Бир кўнглим шундай изоҳ бермоқчи бўлдим, аммо улуғ шоирга гап қайтарганга ўхшаб қолмасин, деб андиша қилдим ва индамадим.



Устозга раҳмат айтиб бу танбеҳни қабул қилдим. Фафур Фулом шундан сўнг менга қофия сўзларни кўп ўрганмоқ, излаб топиб ҳатто ёдлаб олмоқ зарурлигини таъкидладилар. Сўнг дедилар:

– Сенга бир вазифа бор. Шуни бажармоққа уриниб кўргин.

– Хўб бўлади.

– “Сув” сўзига қофиядош сўзларни йиғиб чиққин.

Менинг фикримга “Хув”, “қув” каби сўзларидан бошқа қофиядош сўзлар келмади.

Фафур Фулом топшириқни тушунтира бошладилар.

– Агар сўз “у” товуши билан тугалланса ҳам “сув”га қофиядош бўлади: “уйқу, кулгу, туйғу...” ва ғ.ғ.

Шундан кейин Фафур Фулом бизнинг тил ва адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзаҳон Аббосовга қараб бир оз тантанали оҳангда дедилар:

– Кеча шу ерда бир шеър ёзганман. Ҳозир сизларга шуни ўқиб бераман. Бугун “Янги Фарғона” газетасига топширдим. Эҳтимол эртага газетада кўрарсизлар.

Ўқитувчимиз шеърни мамнуният билан тинглаяжагимизни айтдилар.

Фафур Фулом ўринларидан туриб хонанинг ўртасига ўтдилар ва сал ҳаяжонли ва улуғвор жаранг билан ўша шеърни ўқийбошладилар.

## БИЛИБ ҚҲЙКИ, СЕНИ ДУНЁ КУТАДИ.<sup>1</sup>

Сен бу кун синфда шод юрак билан  
Синов навбатини кутиб турасан.  
Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди  
Билиб қўйки сени дунё кутади.

Глобусда бўлган ҳар кичик нуқта  
Миллионлаб қондошга ватан албатта.

<sup>1</sup> “Оташнафас шоир” тўпламида (–Т.: Фан, 1994) менинг “Устоз Фафур Фулом хотираси” мақоламда (155–бет.) бу шеърни хато равишда “Қўқон пионерларига” шеъри билан алмаштирилган. Бу алмаштириш мен билан келишиммаган ҳолда амалга оширилган ва бу хатога менинг ҳеч даҳлим йўқ. Мен “Зўр қарвон йўлида” сарлавҳали мақоламда (Шарқ юлдузи. 1993. 5–6–сон, 151–бет) бу шеър “Билиб қўйки, сени ватан кутади” сарлавҳали эканини ёзган эдим. Ҳозир эса бу шеърга оид бошқа тафсилот ҳам келтириб ўтмоқчиман. Ушбу шеър тўплам ва ўқув китобларида “Билиб қўйки, сени ватан кутади” деб машҳур бўлган. Янги ёзилган вақтида бизга “Билиб қўйки, сени дунё кутади” деб ўқиганлари эсимда.

Бахтиёр халқимиз яшар абадий  
Билиб қўйки, сени дунё кутади.

Жабрда масалан қуш муаммодир  
Худди шунда бир қурилиш жодир<sup>2</sup>  
Сен катта инженер эртами индин  
Билиб қўйки, сени дунё кутади.

Шеърлар лирика, балки оддий тил  
Халқларнинг тиллари бир хил эмас, бил.  
Дипломат бўларсан, шу букун энди  
Билиб қўйки, сени дунё кутади.

Фанлар кўп, фанлар бор ўрганишга куч:  
Ерда юр, сувда сўз, осмон узра уч  
Ҳаммасида аъло, барчадан олдин  
Билиб қўйки сени дунё кутади.

Бир – икки кун ўтгач, бу шеър Қўқон шаҳридаги "Янги Фарғона" газетасида босилиб чиқди.

Шундай қилиб, Фафур Гуломнинг бу машҳур шеъри 1941 йил баҳорида Қўқон шаҳрида ёзилганлигига биз гувоҳ бўлдик. Муҳтарам тил ва адабиёт ўқитувчим Ҳамзахон Аббосов ва у кишининг ёнида мен бу шеърни ҳаммадан олдин шоирнинг ўз ижросида биринчи бор тинглаган кишилар доирасига мансуб бўлганмиз.

## МУҚИМИЙ ҲУЖРА МУЗЕЙИ

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Қўқон адабий муҳитида шоир Муқимий ижоди алоҳида ўрин тутади. Унинг шеърлари халқ томонидан ҳамон севиб ўқилади, ашула қилиб айтиб келинади.

Муҳаммад Аминхожа Муқимий (1850–1903) Қўқондаги Соҳибзода ҳазрат мадрасасидаги бир кичик ҳужрада истиқомат қилган. Унинг оромгоҳи эса ҳозир Қўқон шаҳрининг марказидаги Шайхон қабристонидадир. Ҳозир бу жой обод ҳолда асралади, элу юртнинг зиёратгоҳига айланиб кетган.

<sup>2</sup> Бизга ўқилган нусхада бу икки мисра қуйидагича эди:

Масалан жабрда қуш муаммодир  
Унинг ҳар цифрада минг ҳикмат жодир.

1938—39 йиллари Қўқонда Муқимийнинг вафотига 35 йил тўлиши кенг нишонланди. Бу ишларга ўша вақтлари Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг бошлиғи ва Марказий партия идорасининг раҳбар ходимларидан бири бўлиш Сотти Ҳусайн бош қош бўдилар. Шаҳар газетасида Муқимий тўғрисида мақолалар босилди, Муқимий шеърлари chop этилди. Ҳамза Ҳакимзода номли Қўқон мусиқали драма театри биносида Муқимийга бағишланган тантанали адабий кеча бўлиб ўтди. Шайхон Қабристонидagi Муқимий оромгоҳи таъмир этилди.

Муқимийнинг "Саёхатнома" шеърисидаги қуйидаги тўртлик ўшанда анча шухрат топган эди:

*Белни Муқимий боғладим  
Шуңдоқ юришни чоғладим.  
Дунёни таҳқиқ айладим  
Дунё қурилган дор экан.*

Чоризмнинг мустамлакаси бўлиш Туркистон халқининг аҳволи, мамлакатда ижтимоий шароитни баҳолаб шоир бу дунёнинг кишилар учди қурилган дор эканини ёзган эди.

Шоирнинг лирик шеърлари ҳам эл орасида кенг ёйилган. Унинг жозибали, ўтли мисралари халқ қалбида чуқур жой олган.

*Меҳринг ўти ногоҳ тушиб жонларга  
Парвойим йўқ зарра хону монларга  
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга  
Ўзим ҳар жойдаман кўнглим сандадир*

Халқнинг ўз шоирига муҳаббати чексиз эди. Шуни назарда тутиб Ўзбекистон ҳукумати Қўқон шаҳрида Муқимий ҳужра музейини тузмоқ тўғрисида қарор чиқарди. Қўқондаги Соҳибзода ҳазрат мадрасасининг бир бўлагига Муқимий яшаган ҳужра ва унинг ёнларидаги ҳужраларда шу музейни яратмоққа ҳозирлик бошланди. У вақтларда ҳужра—музейни тузиш шаҳар маориф бўлимига юклатилган бўлиб, унга маориф бўлимининг мудираси Усмонова деган рус аёли бошчи бўлди. (Бу аёлнинг эри ўзбек бўлгани учун фамилияси ўзбекча экан). Ҳужра музей дирекцияси тузилди. Унга мудир этиб Толибжонов, мудир ўринбосари шоир Жавдат Абдулла, илмий ходим шоир Чархий (Асқарали Ҳамраалиев) тайинландилар. Яна бухгалтерия ва хўжалик бўлими ҳам тузилган эди. Муқимийнинг дўсти Обидча аълам ҳам шу музейга хизматчи қилиб ишга олинган эдилар.

1940—41 йилларда Хужра музейни яратиш бўйича анча ишлар амалга оширилди. Муқимий яшаган хужра асл ҳолига келтирилиб тикланди. Айрим экспонатлар, китоблар йиғилди, илмий экспедициялар уюштирилди. Улар Муқимийга оид кўп маълумотларни топишга хизмат қилдилар. Шоир Чархийнинг араб хатида каллиграфик усулда ёзган қитъалари, шеърлари Музей экспозициясининг қимматли намуналари бўлди.

Шаҳарнинг таниқли шоирлари Чархий, Жавдат, Фироқий, Шокирий, Нурий, Даврий ва бошқалар, шу жумладан ёш шеърят ҳаваскорлари музей атрофига уюшдилар. Гарчи расмий равишда очилмаган бўлсада аста—секин яратилаётган Муқимий хужра музейи Қўқоннинг амалдаги адабий даргоҳига айланиб бормоқда эди. Тошкентдан ёки бошқа шаҳарлардан келувчи адабиётчилар ҳам бу ерда албатта бўлар, адабий суҳбатларда қатнашар эдилар. Хусусан Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Чустий каби машҳур шоирлар хужра музейни зиёрат қилмай кетмас эдилар.

Ғафур Ғулом ўз ижодий ва илмий фаолиятида Муқимий ижодий меросини ўрганиш ва уни оммалаштиришда катта ўрин берган ижодкорлардан биридир. Ҳозирги замон ўқувчисига Муқимийнинг биринчи шеърлар тўпламини тақдим этган олим Ғафур Ғуломдир. У 1938 йили Муқимийнинг жорий ёзувдаги биринчи шеърлар тўпламини нашрга тайёрлади ва чоп этди. Бу тўплам "Муқимий баёзи" деб аталади. Шундан сўнг Ғафур Ғулом Муқимийнинг нисбатан тўлароқ тўпламини нашрга тайёрлаб ҳалққа тақдим этди.

Ғафур Ғуломнинг Муқимий ижодини ўрганиш ва омага етказишдаги хизматларига юқори баҳо бериб профессор Ғулом Каримов бундай деб ёзган эди: "Шуни қайд этмоқ керакки, Муқимий меросини йиғиш ва нашр этишга оид ишларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Ғафур Ғулом катта хизмат қилган. Муқимий "Танланган асарлари"дан тўрт нашрнинг учтаси Ғафур Ғулом томонидан тайёрланган" (1938, 1942, 1953 йиллардаги нашрлар)<sup>3</sup>.

Шу билан бирга Ғафур Ғулом билан ёнма—ён туриб муқимийшуносликни яратиш ва ривожлантиришга салмоқли хисса қўшган Сотти Хусайн, Уйғун, Ҳомил Ёқубов, Абдулла Олимжон, Ҳоди Зариф, Ғулом Каримов, Воҳид Зоҳидов каби марҳум адабиётшунос олимларни ҳам ҳурмат билан ёдлаб ўтмоқ зарур.

<sup>3</sup> Каримов Г.К. Узбекский поэт—демократ. Муқими и литература его времени. Автореферат докт. диссертации. — Ташкент 1962. стр.15.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон адабий муҳиtida алоҳида ўрин тутган икки шоир Муқимий ва Муҳйи муносабатларига ҳам Фафур Фулом бир мақола бағишлаган.

1953 йили Ўзбекистон жамоатчилиги атоқли шоир Муқимийнинг вафотига 50 йил тўлишини нишонлади. Шу муносабат билан Тошкентда 1953 йилда Муқимийнинг "Танланган асарлар" и ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Ҳар иккала тўплам ҳам Фафур Фуломнинг кириш мақоласи билан очилади. Бу мақолаларда Муқимийнинг ҳаёт йўли ва ижоди тўғрисида умумий маълумот бериб ўтилган.

Муҳаммад Аминхожа Муқимий 1850 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. Отаси нонвойлик қилар эди. У аввал Қўқон, сўнгра Бухоро мадрасаларида таҳсил қилди. Тошкентда ҳам бўлган. Ўз даврининг илғор фикрли зиёлилари билан яхши алоқалар ўрнатган. Муқимий ажойиб сўз устаси эди. У воқеъликни ҳаққоний ва аниқ акс этдирди. Муқимий 1903 йил 25 майда Қўқонда вафот этди.

Муқимий умр бўйи ўз ижоди билан халқ хизматида бўлди. У ҳаётининг охиригача "Гар қилич ҳам келса бошимга дегайман ростин" деган сўзига содиқ бўлиб қолди.

Фафур Фулом томонидан тузилган Муқимий шеърлар тўплами (1953 й.) ҳажвий асарлар билан бошланган. Улар орасида "Танобчилар", "Заводчи бой таърифида", "Тўй", "Вексель" ва бошқа шеърлар бор. Шундан сўнг "Саёҳатнома"лар, шеъррий мактублар келади. Тўпламнинг иккинчи бўлаги шоирнинг лирик шеърларидан ташкил топган. Тўплам изоҳ ва лугат билан таъминланган.

## ТОҒА – ЖИЯН ЁЗИШМАЛАРИ

Фафур Фулом Муқимийнинг таржимаи ҳам ва шеърин мактубларига оид бир илмий маълумотни ҳали даставвал илмий истифодага киритганлар.

Шоир Муқимийнинг жияни (шоирнинг сингласи Меҳринисонинг ўғли) Рўзи Муҳаммадни отаси Дўстмуҳаммад мешкоп ўзи билан ҳаж сафарига олиб кетган. Ушанда Рўзи Муҳаммад 10 ёшларида бўлган. Тақдир тақозоси билан Дўст Муҳаммад мешкоп Маккада вафот этади. Ёш Рўзи Муҳаммад узоқ ўлкада, мусофирликда якка ялғиз қолди. Шунда Россия давлатининг Арабистондаги дипломатия хизматида бўлган Левицкийлар oilаси бу етим болани ўз тарбиясига олган. Шу oilага қарашли аёл Зинаида Алексеевна ёш Рўзи Муҳаммадни ўз фарзанди сингари тарбиялайди. Левицкий кейинчалик

Арабистондан Петроградга қайтгач, Рўзи Муҳаммад бу оила билан Маккадан Петроградга келади. Бу ерда болага Зинаида Алексеевнанинг онаси Мария Васильевна қарайди. Рўзи Муҳаммад бу ерда ўқийди. Сўнгра улар Москвага келадилар. Бу ерда Зинаида Алексеевнанинг синглиси Мария Алексеевна Рўзи Муҳаммаднинг тарбияси билан машғул бўлади.

Орадан 8—9 йил ўтди. Ёши улғайган ўспирин Рўзи Муҳаммад 1898 йили Москвадан Қўқонга келади. Тоғаси шоир Муқимий унинг ўғли Акбархожа билан танишиб уларнинг меҳмони бўлди. Бир қанча вақт Қўқонда яшагандан сўнг яна Москвага қайтади.

Шундан сўнг тоға—жиянлар ўртасида ёзишмалар бошланади. Бу мактублар, улар билан боғлиқ Муқимийнинг ўз жияни Рўзи Муҳаммадга ёзиб юборган қатор шеърлари Муқимий ижодида алоҳида ўрин тутади.

*Оҳ вақтеким, не хуш лайлу наҳорим бор эди  
Меҳрибон сендек есам ғам, ғамгусорим бор эди.  
Мақдамингла бошда тожи ифтихорим бор эди  
Кўзларимда нуру белларда мадорим бор эди  
Қайда сенсиз бир нафас эмди қарорим бор эди.*

*Чекмиш эрди даҳрда ҳар қанча камлик хотирам  
Нотавон кўнглим, ниҳоятда ситамлик хотирим  
Келишингдан бўлубон хуррам аламлик хотирим  
Сўхбатингда шод бўлмиши бу ғамлик хотирим  
Дилда васлингга фуруғи навбаҳорим бор эди...*

Ушбу Муқимийнинг жияни Рўзи Муҳаммадга Москвага йўллаган мухаммасидан парчалардир.

1941 йили Муқимий ҳаёти ва ижодига Муқимий ҳаёти ва ижодига оид муҳим ҳужжатлар—хатлар ва шеърларни Қўқондаги Муқимий хужра музейнинг илмий ходими шоир Чархий қўлга киритган. Рўзи Муҳаммад Дўстмуҳаммедовнинг қўлидаги бу ҳужжатлар ўша йили бу кишининг розилиги билан Қўқон ўлкани ўрганиш музейига ўтказилган<sup>4</sup>.

Ўша кунлари Фафур Фулом Қўқонга келган эдилар. У ўз дўстлари Чархий ва Жавдат Абдуллалар билан учрашди. Улар Фафур Фуломни бу топилмалар билан таништиришди. Фафур Фулом бу пайтда Муқимийнинг ижодий мероси билан жиддий

<sup>4</sup> Рўзи Муҳаммад Дўстмуҳаммедовнинг ҳаёти кейинчалик Қўқонда ўтди. У киши Қўқонда 1956 йилда дунёдан ўтдилар

шугулланаётган эди. Қўқондан Тошкентга қайтгач Фафур Фулом "Қизил Ўзбекистон" газетасида Муқимий таржимаи ҳоли ва ижодига оид бу янги материаллар тўғрисида бир мақола эълон қилди. (Қизил Ўзбекистон. 1941, №107).

Шу билан Рўзи Муҳаммад Дўстмуҳаммедов ва унинг тоғаси шоир Муқимий ўртасидаги ёзишмалар адабий жамоатчиликка эълон қилинди. Шоир Чархий ва шоир Фафур Фуломлар бошлаб берган бу янги йўналиш Муқимий ижодининг янги қирраларини илм-фан учун намоён этди. Кейинчалик бу соҳани муҳтарам адабиётшунослар Ҳоди Зариф ва Фулом Каримов муваффақият билан давом этдирдилар.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Фафур Фулом ўзбек халқининг севикли шоири Муқимий ижодини ўрганиш, таҳлил этиш ва оммага етказиш бўйича илк бор иш бошлаган ва самарали натижаларга эришган олимдир.

## "ФАРҲОД ВА ШИРИН"НИНГ НАСРИЙ БАЁНИ

1939—41 йиллари буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг (1441—1501) туғилганига 500 йиллик юбилейини ўтказишга тайёргарлик авж олиб кетди. Мўлжалга кўра юбилей тадбирлари 1941 йилда ўтқазилмоғи керак эди. Навоий асарларини кенг оммага етказиш учун Навоий "Хамса"сига кирган дostonларнинг насрий баёнини ҳозирги ўзбек тилида тузмоқ зарурияти туғилди. Бундай мураккаб ишни амалга оширишда билимдан ва талантли ижрочилар лозим эди. Фафур Фулом ана шундай шоир ва олим бўлганидан бу иш ижросига жалб этилди. Фафур Фулом Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" дostonини эски ўзбек тили (туркий)дан ҳозирги ўзбек тилига ўтириб чиқди. Бу насрий баён Навоий яратган дostonнинг асл нусхаси матни билан биргаликда бир муқова остида нашр этилди. Бу иш 1940 йили лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида амалга оширилди.

Ушбу насрий баён кенг ўқувчилар оммаси томонидан қизгин кутиб олинди. У ҳамон "Фарҳод ва Ширин" дostonи мухлисларининг севикли китоби бўлиб қолган. Бу насрий баён қайта—қайта (кирилл алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида) нашр қилинган.

1975 йилда Тошкентда Фафур Фулом номли Давлат адабиёт ва санъат нашриёти "Фарҳод ва Ширин"нинг насрий баёнини қайтадан нашр этди. 75.000 нусхада босилган бу китоб тез фурсатда китобхонлар томонидан сотиб олиниб тугади.

Уша вақтда Олий мактабда фалсафадан дарс берувчи бир ўқитувчи менга деган эдики, насрий баёнини ўқигандан

кейингина "Фарҳод ва Ширин"ни яхшироқ тушуна бошлаган. Кенг ўқувчилар оммаси насрий баёнлар асосида Навоийни ўзлари учун кашф этгани ҳеч кимга сир эмас.

Ғафур Ғулом "Фарҳод ва Ширин"нинг насрий баёнини таёрлар экан, у дostonнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари устида кўп ишлади, уларни қиёслаб ўрганиб чиқди, ноаниқ жойларини аниқлади.

Насрий баён тайёр бўлгач, уни Навоий юбилей комитети қошидаги махсус комиссия кўриб чиқди. Бу комиссия таркибида шоирлар Бокий, Чархий, Анисий, Улфатлар бор эди. Яна пешқадам манбаъшунос олимлар Солиҳ Муталлибов, Ибодулло Одиллов, Порсо Шамсиев, Ҳоди Зарифлар бу комиссия аъзолари эдилар. Бу шоирлар ва олимларнинг ҳар бири Навоий ижоди, умуман шарқ мумтоз адабиётининг моҳир билимдонларидирлар. Шулар маъқуллагандан кейин насрий баён китоб ҳолида нашр этилган. Қуйида биз Ғофур Ғулом тайёрлаган "Фарҳод ва Ширин" дostonининг насрий баёнидан айрим намуналар келтирамиз. Хисрав ва Фарҳоднинг сўзлашуви:

- |        |                                      |   |
|--------|--------------------------------------|---|
| Хисрав | — Деди, қайдин сен эй мажнуни гумроҳ | — Эй йўлдан адашган телба қаердан келдинг?                                |
| Фарҳод | — Деди, Мажнун ватандан қайда огоҳ.  | — Телба қаердан келганини қандай қилиб билсин.                            |
| Хисрав | — Деди, недур сенга оламда пеша?     | — Оламда сенинг ҳунаринг нима?  |
| Фарҳод | — Деди, ишқ ичра мажнунлик ҳамиша.   | — Ҳунарим доимо ишқ йўлида телбалик.                                      |
| Хисрав | — Деди, бу ишдан ўлмас касби рўзий   | — Бу иш билан ахир тирикчилик ўтмайдику?.                                 |
| Фарҳод | — Деди ишқ ўлса басдур касб сўзи     | — Ишқнинг куйдириши менга насиб бўлса шу кифоя                            |
| Хисрав | — Дедиким, ишқ ўтидин де фасона      | — Қани бўлмаса, ўтли ишқ афсонларидан сўзлаб берчи                        |
| Фарҳод | — Деди, куймай киши топмас нишона    | — Киши ўзи бу ўтда куймаган бўлса, унга бу хил афсоналар таъсир қилмайди. |
| Хисрав | — Дедиким, куймагингни айла маълум   | — Бизга айтчи, сен ўзинг бу ўтда қандай куйяпсан?                         |
| Фарҳод | — Деди, андин эрур жоҳ аҳли маҳрум   | — Тож эгалари бундай куйишдан бебаҳрадилар.                               |
| Хисров | — Деди, қай чоғдин ўл                | — Ишқ соҳасида сен қачон  |



динг ишқ аро маст

дан бошлаб маст бўлабош  
ладинг?

Фарҳод — Деда, руҳ эрмас эрди — Ҳали жоним таним била  
танга пайваст... бирлашмасдан туриб...

Бу айтишув шу йўсинда давом этади.

Кўриниб турибдики, Фафур Фулом матн маъносини бош ўринга қўяди: унинг ўқувчига етиб боришини таъминламоқ мақсадида қалам юргизади. Насрий баён шакал жиҳатидан латиф, мазмун жиҳатидан аниқ чиққан.

Агар "Ишқ ўлса басдур касб сўзи"ни сўзма — сўз ағдарганда эҳтимол унинг маъноси тушинарли бўлмас эди. ("Ишқ бўлса касб сўзини бас қилмоқ керак"). Шунинг учун Фафур Фулом бу жумладаги асл маънони бош ўринга ўтказган. Унда ошиқ учун ишқнинг кўйдириши асосий нарса экани, ошиққа бошқа нарсаларнинг ҳеч керак эмаслиги айтилади.

Насрий баёнда Фафур Фулом гўзал Ширин сувратини навоиёна бўёқларда чизган. Унда Шириннинг беқиёс гўзаллиги, Навоийнинг ўта моҳирона тасвири ўзининг ажойиб илгикосини топган. Қўйида шундан айрим парчалар келтирамиз.

*"Гўзал Шириннинг ҳар ёққа занжирдай тўзғиган соч ўримлари гўё тош қозувчиларни илантиришга каманд эди. Жингалак, қора мушқдай хушбўй сочларининг устидан юзига парда тортилган бўлиб, гўё қора шамни ой чекилдириб келаётгандай эди...*

*Оҳ, бу икки анбар бўйли сочлару жон бағишлолчи икки гунча лаблар. Бу лаблар шакар каби бўлиб, бироқ тузи кам эмас, бир туз эмас олам — олам қандлар уларда яширинган...*

*Ёноғининг гулзориди ранг билан хушбўйлик тўлиб ётибди. Бу гулзор унинг лабидаги тириклик булоғидан сув ичиб парвариш топган эдилар.*

*Насрий гулидай хушбўй вужуди кумуш рангида бўлуб худди кумушдан ясалган гунчага ўхшарди.*

*Ҳар киириги қаламининг учидай ўткир... Унинг қадаи қомати жаннат савсанидай озода, юзи гул, бироқ юз гулнинг хирмони каби эди" (Фарҳод ва Ширин. — Т., 1975. 116 — 117 — бетлар.)*

Энди "Фарҳод ва Ширин" достонининг энг гўзал лавҳалари — Шириннинг Фарҳодга ва Фарҳоднинг Ширинга ёзган мактубларидан айрим парчалар билан танишайлик.

Шириннинг Фарҳодга ёзган мактубидан бир бўлаги Фафур Фулом насрий баёнида бундай жаранглайди:

Эй кута — кута ғариб бўлганим  
 Менга етишмак давлатидан бенасиб  
     бўлган шўрлигим, аҳволинг қандай?  
 Ғам тоғини кўтара — кўтара не ҳолаарга  
     тушдинг?  
 Бундай юк туфайли нозик танинг нима  
     аҳволга келди?  
 Бу хил қаттиқ ғурбатда ҳолинг нима  
     кечяпти?  
 Аччиқ фирқатда қандай аҳволдасан?  
 Фироқ ичра тану жисминг нечук?  
 Жисминг ўтга тушган илдай тўлғана ётгани  
     йўқми?  
 Сочимни ўйлаб кечалар тўлғанар экансан,  
 Жаҳон кўзингга тун каби қорайиб кетмаяптими?

Ширин ўз мактубида Фурҳодга садоқати, меҳрибонлиги, унга нисбатан ўз фидокорлигини билдириб ёзади:

Юрар вақтингда йўлдошинг бўлсам  
 Дам олган чоғларингда қўлингдан ушлаб  
     юрсам.  
 Кундузлари сента қуёшдек суҳбатдош  
     бўлиб  
 Кечалари соя янглиғ бирга ўлтирсам  
 Дунёнинг ўчақишидан кафтинга тикан  
     кирадиган бўлса  
 Мен кифригимни игна қилиб уни олиб  
     ташласам  
 Қайгулардан озор чекиб бетоб бўлган  
     вақтларингда  
 Доим бошинг қўйнимда бўлса,  
 Агар ётадиган ўрнингда чўп — ҳашак кўрсам  
 Қани энди сочим билан уни ҳеч кимга  
     билдирмай супуриб ташласам...

Шириннинг бу юрак сўзларига Фарҳоднинг берган жавоблари ҳам ўзининг самимияти, ҳаяжонли туғёнлари билан дилларга ларза солади.

Эй гўзалим, маҳвашим, иффатини сақлаган  
 Жаҳон маҳвашларига подшоҳ бўлган севгилим!

деб Фарҳод ўз Ширинига мурожаат қилар экан, ўзининг унга бўлган муҳаббати туфайли бошига не—не балолар тушганини айтади. Мажозий ишқнинг қўшини Фарҳодни толон—торож этди, ўз мулку диёридан бегона оворага айлантирди... жисмини тупроқ билан тенг қилди...

Ғафур Ғулом Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони устида иш олиб борар экан, унинг вазифаси ушбу дostonнинг матнини кенг ўқувчилар оммасига етказмоқ бўлган.<sup>5</sup> Шунинг учун у даставвал “Фарҳод ва Ширин”нинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини бир—бирига қиёслаб солиштириб чиққани юқорида айтиб ўтилади:

Бу манбаълар қуйидагилардир: Хоразмнинг Тошқалъа шаҳарида 1252 ҳ. (м.1836) Саид Маҳмуд Турди ўғли кўчирган нусха; Қўқонда 1282 ҳ. (м.1865) йилда Муҳаммад Аминхожа Саид Қаландар кўчирган нусха; Бухорода 1191 ҳ. (м.1777) Ҳожи Аҳрор ўғли томонидан кўчирилган нусха.

Бу уч қўлёзмадан ташқари икки тошбосма нусха ҳам бўлган. Улар Шоҳмурод котиб кўчирган 1901 йили Тошкентда босилган; яна 1902 йилги тошбосма нусхадан иборат.

“Фарҳод ва Ширин”нинг насрий баёнини қандай тузганлиги тўғрисида Ғафур Ғулом бундай деб ёзади: “Дostonнинг тили кенг ўқувчилар оммасига яхши англашилари бўлсин учун уни бу кунги адабий тилда наср билан ҳам ёзиб чиқдим. Ҳар бир байтнинг тўғрисида унинг ҳозирги адабий тилдаги ифодаси ҳам берилди. 1940 йил”<sup>6</sup>.

Ғафур Ғулом Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонини кенг китобхонлар оммасига етказишдек шарафли вазифани муваффақият билан бажарди.

## УРУШ ЙИЛЛАРИ

1941 йил 22 июнь якшанба куни. Фашист Германиясининг тиш—тирноғигача қуролланган 170 дивизияси Болтиқ денгиздан тортиб Қора денгизгача бўлган масофада собиқ Иттифоқ ерларига бостириб кирди. Шу билан XX асрнинг энг мудҳиш ва энг қонли уруши бошланиб кетди.

Ўзбекистон гарчи фронтдан узоқ бўлсада, урушнинг барча ваҳшатларини бошдан кечирди. Ўзбек ўғлонлари мардонавор

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Насрий баён муаллифи: Ғафур Ғулом — Т. 1975. 116-117—бетлар.

<sup>6</sup> Ғ.Ғулом. Адабий—танқидий мақолалар — Т.: Фан, 1973 44—бет.

жанг қилдилар; улар фашизмни ер билан яксон қилиб ташлашга ўз улушларини қўшдилар. Тўрт даҳшатли йил давомида Ўзбекистон халқи бир соат ҳам ғалабага ишончини йўқотмаган, бу ғалабани таъминламоқ учун жону жаҳди билан меҳнат қилган.

Ўзбек адабиёти арбоблари билан бир қаторда шоир Фафур Фулом кишиларимизни ватанпарварликка, ғалабага ишончини мустаҳкамлашга ундавчи ўлмас асарлар яратди.

Фашист босқинчиларга қарши урушга отланган мард ўзбек йигитларига қарата Фафур Фулом ёзган эди:

*Мардлик майдонида бел синаш учун  
Жасур ўзбек халқининг ўғли отланди.  
Кўп йиллар тинчгина турган қиличнинг  
Татиғини душман тотажақ эди...*

*Ҳой йигит,  
Ҳой йигит унитма кимнинг ўғлисан  
Бу кескин курашга сени ким йўллар  
Шонли ўзбек халқининг азиз фарзанди  
Олдинда шаддатли интиқом йўллар.*

Шоир жангга отланган ўзбек йигитига ўз арзини, қақирғини билдирар экан, унинг Ватан ҳимоячиси эканини алоҳида таъкидлайди. Бу ватан мўйсафид ота, оқ сут берган она, ялғиз қолган етимлар, севишган ёрнинг кўзи тимсолида гадаланади. Шуларга ўлим элтувчи фашизмнинг мудҳиш бошини бу жангчи йигит абадий кўмиб ташласин!

*Чолларнинг оқарган сочу сақоли  
Онанинг оқ сути, етимлар ёши,  
Севишган ёрингнинг кўзи хурмати  
Кўмилсин абадий фашизм боши.*

Фашист босқинчиларга қарши курашга отланган лашкар – лашкар йигитлар орасида шоирнинг ўғли Жўрахон ҳам бор эди. Фафур Фуломнинг “Кузатиш” шеърида ўғлини фашизмга қарши курашга йўллаётган мард, чидам – сабри тоғдай отанинг ўғлини ғалаба, зафарга чорловчи сўзлари эшитилади. Шоир ўғлига “Боболар удумин тутиб назарда. Курашда толеънинг бўлур сенга ёр” деб умид билдиради; Йигитнинг мард ботир бўлиб, дўстларга жўр бўлмоғига ишонади. Ватан ва халқ ҳурматини жойига қўйиб голиб бўл, зўр бўл деб дуо қилади, ота.

Бу ўзбек халқининг ўз фарзандларига зафар тилаги эди. Бу халқимизнинг ғалабага ишончининг шоирона ифодаси эди.

Ғафур Ғулوم ижодида публицистик шеърятнинг авжи 1941 – 1945 уруш йилларига тўғри келди. Халқлар бошига тушган кулфат, машаққатларни шоир қалби ўн ҳисса, юз ҳисса ортақроқ дард билан қабул қилар; уруш ваҳшатлари, фашизмнинг қонхўрлиги, жирканч жиноятларини шиддатли ғазаб билан қоралар, рад қилар, лаънатлар, бу жиноятлар бежазо қолмаслигига тўла ишонч билдирар эди.

*Инсон ирқиданман  
Инсон миллати,  
Менда йўқ афъюннинг пинакларидан  
Яралган динларнинг  
Зарра иллати.  
Шу тупроқ заминдир  
Менинг ватаним,  
Туғилиш, яшайиш  
Меҳнат ва насл,  
Муҳаббат ва ғазаб инсонда не ҳислат  
Бор бўлса мавжуд  
Барига қобил  
Барчасига боп  
Шу тупроқ, заминда  
Қолажак таним.*

Фашистларнинг ирқий назариясини кескин ва узил – кесил рад қилувчи, бутун бошли халқларни қириб йўқ қилиб ташлашга қаратилган одамхўрлик сиёсатининг пуч, бемаъни, манфур қотилона сиёсат эканини ғазаб билан очиб ташлаган шоирнинг жасуруна овози бутун дунё бўйлаб таралди.

Бу ўзбек халқининг чин инсонпарварлик, адолатпарварлик билан тўла янгроқ нидоси эди. Бу фашизмга халқимизнинг чиқарган ўлим ҳукми эди. Тарих бу ҳукмни ижро этди. Фашист босқинчилар ер билан яксон қилинди, улар бўйнига лаънат тамғаси босилган ҳолда ҳалокат чоҳига йиқилди.

Аммо адолат ва ҳаққониятнинг бу таътанаси осонликча қўлга кирган эмас.

Бу йиллари Ўзбекистонга, уруш бораётган ерлардан териб олинган жажжи гўдаклар, етим болалар вагон – вагон лиқ тўла келтирила бошланди. Уларнинг ота – оналари фашист босқинчилар томонидан ўлдирилган эдилар. Юз минглаб рус,

украин, белорус, яхудий... болачалар, йўрғақдаги бегуноҳ ва маъсум чақалоқлар зор нигоҳ билан нажот ва ҳаёт кутар эдилар. Шунда ўзбек халқи бу етимларни бағрига босди, ўз оилаларига олиб ўз фарзандлари қаторига қўшди. Шундоқ ҳам оилага етишмаётган бир парча нонини шу маъсумлар билан баҳам кўрди. Халқ қалбининг олий жаноблиги, покиза тийнатлиги, одамохун, меҳрибон ва шафқатли инсоннинг улуғлиги шоир Фафур Фуломнинг ўша гўдакларга қарата айтган юрак сўзларида ўз аксини топган.

*Сен етим эмассан  
Тинчлан жигарим,  
Қуёшдай меҳрибон  
Ватанинг онанг  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ,  
Истаган нарсангни тайёрлагучи  
Халқ бор. Отанг бор.  
Чўчима жигарим,  
Ўз уйингдасен.  
Бу ерда*

*на ғурбат,*

*на офат,*

*на ғам*

*Бунда бор ҳарорат,*

*муҳаббат,*

*шафқат*

*Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.*

*Сен етим эмассан*

*Ухла жигарим...*

Фафур Фуломнинг уруш йиллари ёзган шеърлари XX аср ўзбек шеърятининг жавоҳири. Уларнинг ҳар бир мисраси чуқур мазмун, дара, куйиниш билан тўла. XXI аср авлоди бу шеърларни синчиклаб ўрганса, ёдласа; шоир овозига жўр бўлиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик байроғини баланд кўтарса деб умид қиламиз.

1943 йили ноябрь ойида Ўзбекистон Фанлар Академияси тузилади ва илк президенти академик Тошмуҳаммад Ниёзович Қори – Ниёзий эди.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари

таъйинландилар. Адабиёт, адабиётшунослик бўйича қуйидаги адиблар ва олимлар академиклар қаторидан ўрин олдилар: Садриддин Айний (фахрий аъзо), Ойбек, Ғафур Ғулум (ҳақиқий аъзо), Ҳамид Олимжон, Олим Шарафуддинов, Абдуллажон Насриддинов (Бокий), Александр Константинович Боровков, Константин Кузьмич Юдахин (мухбир аъзолар). Бу санаб ўтилган зотларнинг ҳар бири бир дунё. Улар XX асрдаги Ўзбекистон филологиясининг пешқадам етакчилари ва жонқуяр заҳматкашлари эдилар. Ўзбекистоннинг бу энг обрули олим мутахассислари асосан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорлик қилар эдилар. Шулар қатори академик Ғафур Ғулум ҳам 1943 йилдан бошлаб то ҳаётининг охиригача (1966 йил) Тил ва адабиёт институти билан боғлиқ бўлди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг таркибидаги Тил ва адабиёт институти 1934 йилда, яъни Ўз ФА ташкил этилишдан 9 йил бурун тузилган. 1943 йили Ўз ФА ташкил топгач, бу институт Фанлар Академияси таркибида иш туташ бошлади. Бу орада ушбу илмий марказда Отажон Ҳошим, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Воҳид Зоҳидов, Ойбек, Ҳоди Зариф, Олим Шарафиддинов, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов... ва бошқа кўп заршунос ва зукко адабиётшунос ва тилшунос олимлар хизмат қилганлар.

Узоқ йиллик самарали меҳнатлари билан ушбу даргоҳ олимлари ўзбек тили, адабиётшунослигининг энг муҳим, долзарб ва истиқболли йўналишларини вужудга келтирдилар, ўзбек фани ривожига салмоқли улуш бўлган илмий асарлар яратдилар. бу шарафли иш ҳамон муаффақият билан давом этмоқда.

## "ЎРТА ОСИЁНИНГ ШАРҚ ФАКУЛЬТЕТИ"

1944 йили Тошкентда Ўрта Осиё Давлат Университети таркибида Шарқшунослик факультети очилди. Мен шу йили Тошкентга келиб, ушбу факультетнинг биринчи курсига ўқишга кирдим.

Ҳали уруш тугаган эмас. Аммо ғалаба кунлари яқинлашмоқда эди. Фашист қўшинлари бирин-кетин мағлубиятга учрамоқда, бутун дунёдаги тараққийпарвар кучлар бу мудҳиш балонинг йўқ қилинишини кутмоқдалар. Аммо ҳали халқнинг бошида қанча мусибатли кунлар бор.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу пайтда ёзувчи — академик Ғафур Ғулумнинг шухрат ва эътибори авжида. Ҳар бир хонадонда Ғафур Ғулумнинг шеърлари ўқилар, ҳар бир китобхоннинг қўлида унинг шеър тўпламлари бор. Фронтдаги

жангчилар ҳам, фронт ортидаги меҳнат аҳли ҳам Ғафур Ғулом шеърларида ўз юрагидаги дард ва изтироблар, орзиқиб кутаётган умидлар, ғалабага ишонч, мамлакатнинг уруш машаққатларини бартараф қилажагини ўқир, ҳис қилар эди.

Эсимда, 1944 йили мен янги Тошкентга келган пайтларим. Дўрмонда бир жамоа ичида ёш композитор Холхўжа Тўхтасинов билан биринчи бор учрашган эдим. У энди мусиқа соҳасига кириб келаётган, лекин дастлабки асарлари муваффақиятли чиққан ижодкор эди. Хусусан бу кишининг "Офтобхон" мусиқали драмасига ёзган мусиқаси элга манзур бўлган.

Навоийнинг "Айлагач" радиофи ғазалига ёзган ашула мусиқийси радиода кун аро Саодатхон Қобулова ижросида берилар ва санъат мухлислари қалбини мафтун этар эди.

Холхўжа Тўхтасинов баланд бўйли, оқ юзли, тиниқ чехраси янги қизараётган анор сингари тоза, жўшқин қалб эгаси, эҳтирос ва ғайратга бой йигит эди. Уша суҳбатда Холхўжа Тўхтасинов шоир Ғафур Ғуломнинг янги ёзган бир шеъри тўғрисида тўлқинланиб гапирди, сўнг шу шеърнинг бош мисраларини ёддан ўқий бошлади:

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек  
Интизор кўзларда халқа — халқа ёш.  
Энг кичик заррадан Юпитергача  
Ўзинг мураббийсен, хабар бер қуёш.  
Узилган бир киприк абад йўқолмас  
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид  
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас  
Ҳозир қонда кезар эртаги умид...*

Шеър парчасини ўқир экан, ёш ижодкор мисралар мазмунини таҳлил этаборар эди. Улардаги чуқур маъно, гўзаллик, бевоситалик бу таҳлилда ўз ўрнини топар, ҳар бир сўз, мисра қалб тепишига ҳамоҳанг экани шундоқ сезилиб турар эди.

Ушанда Холхўжа Тўхтасиновнинг жўшқинлик билан шоир маҳоратига биддирган таҳсинлари орқали мен Ғафур Ғуломнинг ўша вақтда эндигина ёзилган бу шеърдан огоҳ бўлганман. Шунинг учун ҳалигача бу ўлмас мисраларни ўқиганимда ўша ёш санъаткорнинг беғубор чехраси ва шеърдан топган илҳомли тугёни хотирамда тикланади.

Мен 1-курсдалигимда гуруҳимизда Ҳусанхон Юнусов деган бир йигит ҳам ўқир эди. Ҳусанхон асли қўқонлик. Уни



Ғафур Ғулом домулла Тошкентга келтириб, ўз ҳовлисида тарбиялаб, ўстирганлар.

Бир куни мен Муқимий театрига спектакль кўрмоққа бордим. Тошкентнинг марказларидан бири бўлиш Бешёғоч майдони ёнидаги бу театр биноси эндигина қуриб битказилган. Театрда Ҳусанхонни кўриб қолдим. Икки ўртоқ саломлашгач, залга кириб олдинги қаторлардан бирида ёнма-ён ўлтирдик. Ғафур Ғулом домулла ҳам шу ерда эканлар, келиб қолдилар. Биз дарҳол ўрнимиздан туриб салом бердик. Домулла алик қайтариб биз билан бирга ўлтирдилар.

— Қалай шарқ факультетида ўқиш яхши кетяптими? — деб сўрадилар.

— Ҳа яхши боряпти — дедик биз.

— Қайси тиларни ўрганмоқдасизлар?

— Форс тили, араб тили, инглиз тили, рус тили.

Кейинги курсларда яна бошқа тиллар ҳам бўлар, дейишмоқда.

Ғафур Ғулом домулла бизга яна савол бердилар:

— Аҳволи шумо чи тураст? (форс тилида)

— Хўбаст (яхши. Форс тилида) — биз дарров жавоб бердик.

— Кайфа ҳолука? (Аҳволинг қандай? араб тилида)

— ...

Иккала курсдош жавоб тополмай жимиб қолдик.

Домулла кулдилар.

— Буни ҳам ўрганиб олинглар!

Албатта араб тили ўқитувчимиз буни ўргатган эдилар. Аммо биз унутган эдик. Бу синовдаги ноқулай аҳволдан шундай хижолат чекканманки, шуни эсласам ҳамон зил кетаман.

Ўрта Осиё Давлат Университетининг Шарқ факультети Тошкентнинг қоқ марказидаги (ҳозирги Амир Темур) хиёбонидаги катта гиштин иморатнинг энг четида эди (ҳозирда Тошкент Юридик институти жойлашган).

Кунардан бир куни Шарқ факультетида шоир-академик Ғафур Ғулом билан факультет студентлари ва ўқитувчиларининг ижодий учрашуви бўлди. Унда меҳмон Ғафур Ғулом ўз шеърларидан ўқидилар, ёшларга оталарча меҳрибонлик билан муносабатда бўлдилар, яхши панд-ўғитлар қилдилар. Бу учрашув барча қатнашчилар хотирасида ёрқин из қолдирган.

Уша учрашувда талаба Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг бир шеърини ўқиди. У "Келажак, мен жавоб кутаман, сендан" деб аталар эди. Унда уруш оғирликлари, урушдан кейинги мураккаб йилларни бошидан кечирган ёш авлоднинг вакили келажак тўғрисида, уни умид ва хавотирлик билан кутаётганини қаламга

олганди. Шеър маъносона руҳда битилган, зеро ёш шоирнинг узи ҳам хомуш ва ўйчан бир йигит эди.

Устоз Фафур Гулом келажак қаршисида паришон хотир ҳолда турган ёш йигитга дедилар:

— Келажакни сен қурасан. Демак сен келажакдан жавоб кутмагин. Келажак сендан жавоб кутмоқда. Илм меҳнат, талант билан ўзинг кутган гўзал келажакни дадил яратабор.

Улуғ мураббийнинг бу сўзлари қутлуғ башорат эди. Чунки у қатъият ва жасорат билан келажакни қурмоққа чорловчи чақириқ, оқилона ўғит бўлиб янгради. Ҳақиқатан ҳам орадан чорак аср ўтгач, ўша ёш одам ўзбек адабиётшунослигининг улкан арбоби бўлиб етишди, шу фаннинг келажagini қурган олимлар қаторида муносиб ўрин олди.

Фафур Гуломнинг Шарқ факультетига муҳаббатли муносабати унинг шеърларида ҳам ўз аксини топган. 1947 йилда ёзилган бир шеърда шоир бундай деб ёзган.

*Музыка бешиги, Штраус ватани  
Оҳанглар бозори қадам Венада  
Динора янградди ўзбек юрагин.  
Рубобий ҳиссини пианинада...*

Ўша йили Венада катта бир халқаро музыка байрами ўтказилган. Шу байрамда Ўзбекистонли музикачи сифатида ўзбек қизи Динора иштирок этган ва бир неча куйларни муваффақият билан ижро этган.

Динора Қориниёзова (Қори Ниёзийнинг қизи) ўша йиллари Шарқ факультети талабаси эди. У яна Тошкент давлат консерваториясида ҳам таълим олар эди.

Диноранинг консерваториядаги ўқиши ва музикавий чиқишлари тўғрисида ўша пайтларда Ўзбеккинохроника студияси кичик бир киносюжет ҳам яратган. Уша шеърда Фафур Гулом яна ёзган:

*Ўрта Осиёнинг Шарқ факультети  
Лисонлар, забонлар, тилларла обод;  
Матлуба арабча бир шеър ўқиб  
Кеча ҳаммамизни қилаолди шод.*

Шарқ факультетининг биринчи қабулида (1944) биринчи курсга ўқишга кирган Матлуба Обидова ўшанда учинчи курсда ўқир эди. Аълочи студентка энг юқори стипендия билан тақдирланган. Фафур Гулом билан факультетда бўлган учрашувда

Матлуба Обидова араб тилида бир шеър ўқиган. Шундан шоир гаъсирланган экан. Ана шу таассурот юқоридаги гўзал мисраларнинг яратилишига сабаб бўлган.

## ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ХАЗИНАСИДА

1949 йил. Ўрта Осиё Давлат Университетининг Шарқ факультетини биринчи бор 40 студент битириб чиқди. Шулар ичида мен ҳам борман. Факультетни битирган ёшлардан бир қисми Тошкентдаги Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтига ишга ва аспирантурага ўқишга кирдилар. Шулар ичида икки киши Қувомиддин Муниров ва мен шу институтда кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлаганмиз. Бу институтга ўша вақтда машҳур файласуф олим Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидов директор эдилар.

Бу институтда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг қўлёзмалар фонди мавжуд бўлгани туфайли Қўлёзма китоблар бўйича мутахассис олимлар институт билан ҳамкорлик қилар эдилар. Булар орасида академиклар Т.Н.Қори Ниёзий, Я.Ф.Фулумов, С.У.Умаров, яна тарихшунос Р.Н.Набиев каби олимлар бор эди. Академик-ёзувчи Гафур Фулом бу институтнинг дўсти, фаол ҳамкори бўлиб аспирантлардан айримларига раҳбар эдилар. Академик М.Т.Ойбек эса ЎзФА Президиумининг аъзоси ва Гуманитар Фанлар Бўлимининг бошлиғи сифатида институтга тез-тез келиб турар, унинг илмий фаолиятини ташкил этиш ва йўналтиришда бошчилик қилар эдилар.

1950 йилдан бошлаб бу институт Шарқшунослик институти деб аталди. Ўша йили В.Й.Зоҳидовнинг ўрнига Шарқшунослик институти директори этиб ёш олима Сабоҳат Азимжонова таъинланди.

1951–1952 йиллари Ўзбекистон зиёлилари бошига кўп кулфатлар тушди. Кўп ёзувчилар, олимлар сохта айблар билан айбланиб турли жазоларга мубтало бўлдилар. Шарқшунослик институтининг ёш директори ва унинг илмий котиби – камина ҳам шу йилларда кўп ташвиш ва изтиробларга дуч келганмиз. Бу тўғрида муфассал ёзилса гап чўзилади.

*Кимса чун ўтганга етмас ҳолни тут мутганам  
Умрни ўткарма ўтган ҳайф ила қайғусида.*

(Навоий)

Лекин ўшандай оғир пайтда академик Ғафур Ғуломдек улуғ бир арбобнинг ҳимоясида омон қолганимизни айтиб ўтмоғим зарур.

Ўша алғов — далғов йилларда Ойбек домулла оғир нотобликка учраб хизмати лавозимини тарк этдилар. ЎзФА Гуманитар Бўлимига раҳбарлик қилиш академик Ғафур Ғуломга юклатилди. Ўзбекистоннинг гуманитар фанлари соҳасига эса турли — туман ифвогарлар, пасткашлар ҳужумни авжига чиқармоқда эдилар.

Собиқ Иттифоқ компартия Марказий Комитетининг органи "Правда" газетасида (Москва) Шмаков деган кимсанинг "Институт, оторванный от жизни" ("Ҳаётдан узилиб қолган институт") деган мақоласи босилиб чиқди. Унда Ўз ФА Шарқшунослик Институтида қадимий қўлёзмаларни тадқиқ этувчи мутахассисларнинг қилаётган иши фойдасиз, ҳатто зарарли иш сифатида кўрсатилган эди. Шундан сўнг бу мақола Ўзбекистон марказий газеталарида ҳам босилди. Шарқшунослик институтини унинг ишини текширувчи комиссиялар босиб кетди. Институт ичидаги бир неча галамислар ҳам яйраб ўз чиркин фаолиятини жонлантириб юбордилар.

Шундай шароитда институт коллективини тинчитиш, кадрларни сақлаб қолиш, илмий фаолиятни ривожлантириш зарур эди. Ана шу вазифа Ўз ФА Гуманитар Бўлимининг янги бошлиғи академик Ғафур Ғулом зиммасига тушди.

Ғафур Ғулом биринчи навбатда билимдон мутахассисларни Ўз ФА системасида сақлаб қолиш, уларнинг илмий фаолиятини давом этдиришлариغا лозим шароит яратишни бош вазифа деб билдилар.

Узоқ йиллар, машҳур қомус "Девону луғатит турк" ("Турк сўзлари девони" X—XI асрда яратилган) туркий халқларнинг тарихи, адабиёти, этнографияси, тилига оид нодир ва қимматли асарни араб тилидан ўзбек тилига таржима ва таҳлил қилаётган олим Солиҳ Муталибов эдилар. Ҳужумкорлар бу ишни Шарқшунослик институтининг илмий йўналишига тўғри келмайди деб бу олимни ишдан бўшатмоқ ниятида эдилар. Ғафур Ғулом Солиҳ Муталибовни Шарқшунослик институтидан Тил ва адабиёт институтига ўтқазилмоғига эришдилар. Бу ерда "Девону луғатит турк"нинг таржимаси ва илмий таҳлили, унинг учун керакли илмий изоҳлар билан таъминлаб нашрга тайёрлов иши учун қулай шароит туғдирилади. Иш ўз давомини топди. 1950 йиллар охирига келиб С.Муталибов "Девону луғатит турк"ни тўла тайёрлаб тугалладилар. Бу асар "ФАН" нашриёти томонидан

нашр этилди. Тўрт жылдан иборат бу капитал илмий нашр ўзбек филологиясининг XX аср иккинчи ярмидаги энг кўзга кўринган илмий натижаларидан бири бўлиб қолди.

Ўша ивбогарликдан иборат мақола сабабли ЎзФА Президиуми Шарқшунослик институтидаги айрим мутахассисларни ишдан бўшатмоққа мажбур бўлган эди. Шунга қарамай машҳур каллиграф олим Абдуқодир Муродов ўз ўрнида сақланди. (Бўшатиш тўғрисидаги қарор бажарилмади). Ишдан бўшатиш билан икки олим эса (Содиқ Мирзаев, Абдуфаттоҳ Расулов) кўп ўтмай яна Шарқшунослик институтига ишга тикландилар.

Ўша "Правда"даги мақолада институт илмий котиби А.Қаюмовнинг Қўқонлик шоира Нодира (хоннинг рафиқаси) ижодини ўрганиш бўйича қилаётган иши қораланган эди. Академик Ғ.Ғуломнинг қувватлаши асосида мен Шарқшунослик институтида ишда сақланиб қолдим. Нодира девони қўлёзмасини нашрга тайёрловни охирига етказдим. Бу китобча кейинчалик нашр этилди.

Нодира ижодий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш ва оммалаштириш ишини муҳтарам олим Маҳбубахон Шамсиевна Қодирова давом этдирдилар. Олима Нодиранинг янги қўлёзма девонини топиб уни илмий истифодага киритдилар; Макнун тахаллуси билан ёзилган форсий тилдаги девонини тадқиқ этдилар. Нодиранинг кўп шеърлар тўламагарини қайта — қайта нашр этдилар.

Демак академик Ғафур Ғулом ўшанда туҳматчиларнинг хуружга учраган кишиларнигина эмас, балки халқимизнинг улуг ижодкорлари Маҳмуд Кошғарий ("Девону лугатит турк"нинг муаллифи), Ҳофиз Таниш Бухорий ("Абдуллонома" китобини яратган олим, уни С.Мирзаев таржима қилган эдилар), Форобийни (Унинг идеал шаҳар тўғрисидаги рисоласини А.Расулов таржима қилган эдилар), Моҳлар оғим Нодираларнинг илмий ва адабий меросини чаласавод жоҳиллар хужумидан сақлаб қолдилар. Шу билан бу шарафли ишларнинг истиқболи ҳам очилган эди.

1951 — 1952 йиллар жуда оғир воқеаларга тўла бўлган. Бир гуруҳ қора юраклар ўзбек эпоси "Алпомиш"га қарши кураш бошладилар. Бу туркий халқларнинг муқаддас ёдгорлиги "Дада Корқут" эпосига қарши қаратилган хуружнинг Ўзбекистондаги давоми эди. "Алпомиш"ни қоралаш уч кун Ёзувчилар Союзи биносида ўтди (Тошкент, 1 май кўчаси, 20 — уй). Ниҳоят яқунловчи йиғилиш Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мажлислар зали (Тошкент, Абдулла Тўқай кўчаси, 1 — уй)да ўтди.

Зал одамга тўлган. "Алпомиш"ни савалаган жангарилар энди "Алпомиш" эпосини таққиқлаш, уни тадқиқ этишни тўхтатиш тўғрисидаги ҳукми кутмоқдалар.

Яқунлавчи нутқ учун сўз ЎзФА Гуманитар Фанлар Бўлимининг бошлиғи академик Гафур Фуломга берилади.

Гафур Фулом улусифатлик билан минбарга кўтарилдилар. Қўлларида — бир—икки варақ қоғоз тайёрланиб келганлари сезилиб турибди. У киши узоқ сўзламадилар. Лекин кескин ва қатъий фикр билдирдилар. Гафур Фуломнинг айтган гаплари бундай мазмунда эди:

"Алпомиш" эпоси тўғрисидаги матбуотда ва уч кун давом этган йиғинда анча танқидий фикрлар айтилди. Бу танқидга асос бўлган ҳоллар, дарҳақиқат, асарда учрайди. Аммо бундай кўринишлар дostonнинг ушбу нусхасидагина бор. "Алпомиш"нинг нусхалари эса анча. Улар ҳали ўрганилган эмас. "Алпомиш" эпосига оид ёзувлар ҳалигача тўла тадқиқ этилмаган. Бор мавжуд нусхалар қиёсий ўрганиб чиқилмаган. Бошқа нусхаларда бундай танқидга учрайдиган жойлари бўлмаслиги мумкин. Хулоса шуки, "Алпомиш" эпосининг барча вариантларини йиғишни кучайтирмоқ лозим. Унинг турли нусхаларини чуқурроқ тадқиқ этиш зарур. "Алпомиш" эпосини ўрганиш уни тадқиқ этиш ишлари кўламини кенгайтириш керак бўлади.

Бундай илмий жиҳатдан асосли, мантиқли хулосага қарши чиқувчилар бўлмади. Академик Гафур Фулом ўшандай оғир ва мураккаб шароитда ўзбек халқининг муқаддас маънавий бойлиги "Алпомиш"ни сақлаб қолди.

Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон Фанлар Академиясида "Алпомиш" эпосига бағишланган катта илмий йиғин ўтқазилди. Унинг материаллари алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

Йиғинда "Алпомиш" шаънига айтилган барча туҳмат гаплар қош этилди. Халқ даҳосининг бу муҳим ёдгорлиги ўз муборак ўрнини қайта эгаллади.

## МАХМУР ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ ТОПИЛИШИ

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Махмурнинг битта шеъри "Ҳалпалак" адабиёт аҳлига маълум эди холос. На шоирнинг ўзи ким экани, отаси ким бўлгани, на бирорта бошқа шеърини ҳеч ким билмас эди. 1951 йили. Қўқон шаҳрида шоир Махмурнинг қўлёзма шеърлар тўплами топилди. Уни менинг устозим шоир Чархий ва отам ўқитувчи Пўлатжон

домулла Қайюмовлар топишди. Улар бу тўғрида менга хабар қилишди. Мен Қўқонга бориб бу қўлёзмани Тошкентга олиб келдим. Ўз ФА Шарқшунослик институтининг илмий кенгашида бу қўлёзма китоб тўғрисида доклад қилдим. Шундан сўнг ушбу қўлёзма бўйича илмий иш ёзмоққа киришдим. Махмурнинг қўлёзма шеърлар тўплами тўғрисида ёзган мақолаларим Тошкентдаги "Қизил Ўзбекистон" газетасида, "Шарқ Юлдузи" ва "Звезда востока" журналларида босилиб чиқди.

Мазкур тўпламнинг топилгани тўғрисида кўпчиликка маълум бўлди. Бир куни Шарқшунослик институтининг директори Сабоҳат Азимжоновна менга дедиларки, Фафур Фулом домулла ўша қўлёзма билан танишмоқчи бўлибдилар. Бу қўлёзма яккаю ягона бўлиб, менинг қўлимда эди. (Ҳозир ҳам бу қўлёзма менинг шахсий кутубхонамда сақланмоқда.) Уни бошқа бировга кўрсатиш — кўрсатмаслик ҳам менинг ихтиёримдадир. Бизни сал ўйлантириб қўйган нарса шу эдики, Фафур Фуломдек улур бир зот сўраганларидан сўнг қўлёзмани албатта у кишига етказмоқ шарт. Аммо мабодо қўлёзма у кишида бир мунча вақт ушланиб қолгудай бўлса, қайтариб бермоқни сўраш бизга ноқулай бўлади. Лекин барибир қўлёзмани Фафур Фулом домуллага дарҳол етказмоқ керак, деб бир қарорга келдик.

Мен Тил ва адабиёт институтига келиб Фафур Фулом домуллани топиб, Махмурнинг қўлёзма шеърлар тўпламини у кишининг қўлларига топширдим. Орадан икки—уч кун ўтди. Сабоҳат Азимжоновна менга хабар қилдиларки, Фафур Фулом домулла мени чақирмоқда эканлар. Мен Тил ва адабиёт институтига йўл олдим. У вақтда бизнинг — Шарқшунослик институтимиз ҳозирги "Мустақиллик" метро бекатининг ёнида. Тил ва адабиёт институти эса ҳозирги Навоий номи Давлат кутубхонасининг ёнидаги икки қаватли иморатда жойлашган эди. (Бу иморатлар 1966 йилги зилзиладан сўнг бузилиб кетган). Мен катта майдонни кесиб ўтиб ўша иморатга яқинлашдим. Шундай ўша бино яқинидаги чойхонанинг ёнида Фафур Фулом домулланинг кўча бошида турганларани кўрдим. Яқин бориб салом бердим. Фафур Фулом домулла мен билан сал беилтифот саломлашдилару дарҳол портфелларини очиб, Махмурнинг қўлёзма девонини олиб менга узатдилар.

— Мана сенинг китобинг. Ол буни.

Мен китобни у кишининг қўлларидан олиб портфелимга солиб қўйдим. Сўнг Фафур Фулом домулла менга бир оз ранжигиннамо дедилар:

— Ҳар қандай шоирни ҳам махтайбериш керак эмас.

Қўлёздаги шеърлар шоир Фафур Гуломга ёқмагани (ҳаммаси эмасдир, албатта) сезилиб турар эди. Мен шундай бўлишини билар эдим. Чунки унда ҳажвиёт кўп бўлиб, ўша вақтда одат бўлгани учун бундай шеърларда ғайри адабий, ҳатто ғайри ахлоқий жумлалар ҳам қўлланилган.

Сал туриб Фафур Гулом домулла яна менга дедилар:

— Бу ишни қўй. Мен сенга ўзим яхши мавзуълар топиб бераман. Ўшалар бўйича ишлайсан.

Ҳатто бир икки мавзуъларни ўша заҳоти айтдилар ҳам. Мен индамадим. Фақат у кишининг сўзларини тинглар эдим. Шундан сўнг домулла билан хайрлашиб қайтдим.

Сабоҳат Азимжановага Фафур Гулом билан бўлган гапни айтганимда у киши ҳайрон бўлиб қолдилар. Агарда академик Фафур Гуломдек одам бир оғиз бу диссертация мавзуи ярамайди десалар бундай диссертация икки дунёда ҳам ўтмас эди. Менинг илмий раҳбарим фалсафа фанлари доктори, профессор. ЎзФА муҳбир аъзоси В.Зоҳидов у вақтда "Сиёсий ва мафкуравий ҳатолари" учун ишдан олинган, партиядан ўчирилган, оғир таназулга учраган эдилар. У кишининг ишга аралашуви масалани янада чалкаштиради. Бунинг устига кўп ўтмай 1952 йилда "Звезда востока" журнали менинг Махмур тўғрисида ёзган мақоламни нашр этганини ўзининг хатоси деб билди ва ёзувчилар Союзда журнал муҳаррири бунинг учун узр сўраб менинг мақоламни қоралаб гапирди. Қарангки, Махмур ҳақида янгилик бўлган бир қўлёзмани топиб илмий истифодага киритмоқ, ўзбек адабиётининг оқ саҳифаларини тўлдирмоқ "хато" эмиш. Шундай замонлари кўрганмиз.

Мен барибир Махмур тўғрисидаги номзодлик диссертацияси устидаги ишни давом этдирдим. 1953 йили уни ёзиб тугалладим. 1954 йили эса Тил ва адабиёт институтида бу ишни филология фанлари кандидати илмий унвони учун диссертация сифатида ёқладим.

Ёқлов асносида бўлиб ўтган бир фикр алмашинувни ҳам айтиб ўтай.

Менинг ишим бўйича биричи расмий оппонент сифатида тарих фанлари доктори, академик Яҳё Гуломович Гуломов чиққанлар. Бу киши диссертацияга умумий ижобий баҳо бериб диссертациядаги асосий тезис бўйича эътироз билдирдилар. Ёқлов асносида биринчи оппонент билан менинг ўртамда бир оз тортишув бўлиб ўтди. Чунки масала тадқиқотнинг асосий хулосаларига оид эди.



Илмий кенгаш раисининг академик Яҳё Фуломовдан "сизга диссертант берган жавоб қониқтирдими?" деган саволига у киши бундай жавоб қилдилар:

— Мен диссертацияни ижобий баҳолаганман. Баҳс мавзуъи эса филология эмас, тарихга оид. Шунинг учун мен диссертация тўғрисидаги ижобий фикримни яна бир бор тасдиқлайман.

Буларни ҳикоя қилишимдан мақсад ҳар иккала устоз — академик Фафур Фулом ва академик Яҳё Фуломовларнинг янги ёш илмий авлодни шакллантириш ва ўстиришда кўрсатган ғамхўрликларини намоён этмоқдир. Улардан бири гарчи мавзуъни маъқулламаган, уни бошқа мавзуъ билан алмаштирувни мақбул кўрган бўлсада, ишнинг давом ва якун топишига заррача тўсқинлик қилмади, аксинча бунга йўл қўйиб берди.

Иккинчиси эса бир ёш илмий ҳодимнинг жиддий масала бўйича у билан баҳс этмоғига имкон берди. Гарчи диссертантнинг хулосасига қўшилмаган бўлсада, диссертациянинг ўз соҳасида янгилик эканини таъкидлаб, унинг ижобий ҳал қилинишига кўмаклашди.

Фафур Фулом ва Яҳё Фуломов ана шундай олимлар, арбоблар, устозлардан эдилар.

Мен академик Ойбек ва академик Воҳид Йўлдошевич Зоҳидовларни ҳам шу сафда деб биламан. (Улар тўғрисида алоҳида ёзганларим бор. Қизиққан китобхонлар кўриб ўқишар деб умид билдираман.)

Академик Фафур Фулом, Шарқигунослик Институтининг айрим аспирантларига илмий раҳбарлик қилар эдилар. Улар филология факультетини битирган билимли, қобилиятли ёшлардан. улардан бири ўз аспирантлик муҳлати тугаб бораётгани туфайли илмий раҳбар ҳузурига келган. Саломлашгач, у деган экан:

— Домулла, аспирантлик муддатим тугамоқда. Ишни ёзиб улгурмайдиганга ўхшайман. Бир тавсиянома ёзиб берсангиз, аспирантлик муҳлатини яна бир йилга чўзиб берсалар.

— Диссертация учун керакли материалларни йиғиб бўлган эдингку.

— Ҳа, йиғиб бўлганман. Энди ўлтириб ишни ёзмоқ лозим.

— Аспирантлик вақтинг қанча қолган.

— Уч ой.

— Уч ой дегани тўқсон кун бўлади. Ҳар куни уч саҳифадан ёзсанг, икки юз етмиш саҳифа ёзасан. Вақтни бекор ўтказмай, бор, ўлтириб ишлагин.

Уша аспирант кула — кула бизга шу сўхбатни айтиб берди.

Эҳтимол, бу гап ўша йигитнинг эсидан ҳам чиқиб кетгандир. Лекин Фафур Фулом домулланинг шогирдига айтган бу гапларидан мен ўзимга сабақ қилганман. Ҳар куни беш саҳифа ёзмоққа қарор қилганман. Гоҳ ўшанча, гоҳ кўпроқ, гоҳ озроқ. Лекин ҳар куни ишламоққа ва маълум миқдорда ёзмоққа одатланганман.

## "КИТОБЙИРТАР" ВОҚЕАСИ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Тошкентнинг марказидаги хом гиштдан қурилган иморатда 1943 йилдан то 1955 йилгача ишлаган. Дунёга донги кетган Қўлёзмалар фонди ҳам шу ерда жойлашган.

Қўлёзмалар хазинабони машҳур манбаъшунос олим, қўлёзма ва тошбосма китобларнинг моҳир билимдони (ҳозир тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими) Қувомиддин Муниров эди.

Китоблар сақланадиган залнинг эшиги қабулхонага очилди. Мен — Шарқшунослик институтининг илмий котиби ва секретарь ана шу қабулхонада ўлтириб ишлаймиз. Қ.Муниров биз ўлтирган хонадан ўтиб фондга киради. Унинг иш жойи фонднинг ичида.

Бир куни қабулхонада бир ҳамсўхбат пайдо бўлди. Бу киши ташқаридан келган китобхонлардан бири. У қўлёзма китоблардан анчасини фонддан оладию ўқув залида кун бўйи уларни ўқиб ўлтиради. Гоҳо ўқув залидан чиқиб бизнинг хонага киради. Бу ерда бизга гап сотиб ўлтирадида, шу билан дам олади, шекилли, сўнг яна ўқув залига кириб кетади. Ҳозир ҳам у бизнинг ҳузуримизга кириб келди, хўб сайради, сўнг толиқдимми, ё бизни ишдан қолдираётганини сездимми, ҳар ҳолда гапини тугатиб чиқиб кетди.

Шунда Қувомиддин Муниров фонд эшигини очиб у ердан чиқдида, бизнинг ёнимизга келди. Унинг ранги бўзарган, газаби қайнаб тургани сезиларди. У ўзини аранг босиб, ўзи билан юрмоққа имлади. Унга эргашдик. У тўғри ўқув залига кирди. Танаффус вақти. Залда одам оз. Қ.Муниров бир стол ёнига келди, стол устидаги ёпинғични кўтарди. Ёпинғич остида бир неча қўлёзма китоблардан кесиб олинган варақлар...

Ҳалиги одам ҳар куни қўлёзма китоблардан ўзига керакли варақларни кесиб олиб яширинча олиб кетар экан.

Бир неча асрлар бурун кўчириб ёзилган, баъзилари яккаю ягона бўлган қўлёзма китобларни бундай: хароб қилмоққа қандай қилиб боради кишининг қўли.

Қувомиддин ўша "Китобхон"нинг бундай нолойиқ ишини сезиб қолган. Ўғрини қўлга туширмоқ учун пайт бўлган. Биз ҳам бу ўғрилиққа гувоҳ бўлдик.

Қ.Муниров ёпингични ўз жойига ташлади. Ҳаммамиз ташқарига чиқдик.

Кўп ўтмай кутубхонага ўша киши кириб келди. Танаффуслар вақтида яхшигина қорнини тўйгазган бўлса керак, кайфияти чоғ эди. Тагин тиржайиб бизга нималарнидир ўқидиргандай бўлди.

Шу вақт фонд эшиги очилиб Қувомиддин Муниров чиқиб келди. Қўлида бир неча қўлёзма китоблар. У жиддий равишда ҳалиги кишининг ёнига келди. У кўча элиги томонини тўсганича туриб ўша кишига деди:

— Сиз бугун мана бу қўлёзмаларни олган эдингиз. Мана сиз қўл қўйган журнал.

У журнални кўрсатди. Унда қўлёзмаларнинг рақамлари ёзилган ва бу одамнинг имзолари бор эди. Сўнг Қувомиддин ҳар бир қўлёзмани бирма бир кўрсатиб сўради:

— Буларнинг мана бу саҳифалари қани?

— Мен билмасам — деди у киши — қўлёзмаларни топширганман.

Бир кичик ҳажмдаги оз варақли қўлёзма умуман йўқ эди. Унинг фақат муқоваси қолган. Ичидаги варақлар эса ҳаммаси йиртиб олинган.

— Бўпти юринг бўлмаса.

Қувомиддин Муниров унинг билмадан тутиб, ўзи билан залга бошлади. Биз ҳам улар кетидан залга кирдик.

Қ.Муниров ўша киши ўлтирадиган стол ёнига келди.

— Шу ер сизнинг ўрнингизми?

— Меники.

Қувомиддин Муниров стол устидаги ёпингични кўтарди. Стол устида йиртиб олинган қўлёзма китоб варақлари ётарди.

Қурқувдан ранги оқариб кетган китоб ўғриси дарҳол айбини бўйнига олиб деди:

— Кечиринглар, мен хато қилдим. Энди ҳеч қачон бундай ишни қиламайман.

— Бошқа китоблардан йиртиб олинган варақлар қаерда?

— Уйда, уларни келтириб бераман.

Шундан сўнг у шарманда бўлганича залдан чиқиб кетди.

Бу воқеа ҳаммамизда оғир таассурат қолдирди. Ахир бу одам қўлэзма китобларнинг қадрини, қийматини биладиган одамку. Қандай қилиб бу ишга қўли борди?

Шу воқеадан кўп ўтмай институтга академик Фафур Фулом кириб келдилар.

Бўлган воқеани у кишига айтиб берган эдик, домумла қаттиқ ҳаяжонга тушдилар. Фафур Фулом кўрсатган ҳушёрлиги учун Мунировга раҳмат айтдилар. Мен бу ҳақда бир фельетон ёзаман, токим ҳеч ким ҳеч қачон бундай номаъқулчиликни такрорламасин, дедилар.

Орадан кўп ўтмай республика газетасида Фафур Фуломнинг "Китобйиртар" сарлавҳали фельетони босилиб чиқди. Унда кескин ифодалар орқали қимматли қўлэзма китобларга ўғрининг ўқталган пичоғи институт ходимлари томонидан ушлангани ва қўлэзмаларнинг ҳаёти асраб қолингани баён қилинар эди.

Ўша хунук воқеа юз берган куни эртасига кундузи қабулхонада телефон жиринглади. Кимдир Қувомиддинни сўрар эди. Чақириб келинган Муниров гўшакни олди. У хўб-хўб дедию гўшакни жойига қўйиб, бизга индамай кўчага чиқиб кетди. Сал туриб у қайтиб келди. Халтасини очиб ундан йиртиб олинган қўлэзма варақларни олди.

— Бошқа китоблардан йиртиб олган варақларни қайтариб келтирибди, китобйиртар — деди у.

— Ўзи олиб кирса бўлмас эканми? — деб сўрадик.

— Институтга кирмоққа юзим йўқ деяпти — деб жавоб берди Қувомиддин Муниров.

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ АРХИВИ

Элигинчи йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи Тошкентнинг Ияқилоб хиёбони яқинидаги Куйбышев номли кўчадаги 1-иморатда жойлашган эди. Ҳозир бу ер Охунбобоев кўчаси ва Амир Темур хиёбони деб аталади. Иморатда эса кўрғазмалар дирекцияси ишлайди.

Музей ҳам Шарқшунослик институти ҳам Фанлар Академияси системасида бўлганидан ҳар иккала муассаса ўртасида илмий ҳамкорлик мавжуд бўлган.

Бир куни Шарқшунослик институтида хизмат юмушлари билан машғул пайтимиз. Тарих музейидан нохуш хабар келди. Музейнинг кўзга кўринган илмий ходимларидан бири Турди Мирғиёсов дунёдан ўтибди. Бу одам жуда камтарин, камсуқум, доим ўзини бир четда олиб юрадиган киши эди. Унинг ўша вақтда оила, бола-чақаси, уй жойи йўқ. У Тарих музейининг

ҳовлисидаги бир кичик хужрада яшар эди. Турди ака Тарих музейи фондини бошқарар, бу фонддаги ҳар бир материалнинг қадрини яхши билар, авайлаб асрар, улардан тўғри истифода этмоққа кўмаклашар эди. Турди Мирғиёсовни олим, тарихшунос сифатида кўпчилик жуда ҳурматлар эди.

Ўзбекистон ФА Президиуми акадмик Фафур Фулом бошчилигида марҳум Турди Мирғиёсовга қарашли, унинг қўлида сақланаётган илмий материалларни кўриб чиқмоқ ва сақламоқ чораларини кўриш бўйича махсус комиссия тузди. Унинг таркибига Я.Фуломов ва Шарқшунослик институтидан Рустам Комилов ҳам киритилди. Ўша кунидек Ф.Фулом Шарқшунослик институтига келдилар. У киши институт директори С.Азимжонова билан учрашиб бир оз гаплашдилар. Сўнгра Р.Комиловни ўзлари билан олиб кетдилар.

Орадан уч — тўрт кун ўтди. Бу кунлари биз Р.Комиловни кўрмадик. Комиссия ишини тутатгач Рустам бизга комиссия иши тўғрисида гапириб берди.

Марҳум Турди аканинг уйида ҳеч қандай бисот, молу мулк, ашқал — дашқал бўлмаган. Фақат катта бир рўмолда жуда кўп эски — туски ёзувларга тўла қоғозлар, бир неча тошбосма кичик китобчалар, ҳар хил парча — нуриш varaқларга ёзилган хатлар ва шеърӣй парчалар, айрим хужжатлар авайлаб сақлаб келинар экан. Бу рўмол маҳкам тугилган. Турди ака ундаги нарсаларни ҳеч кимга ишонмай ўз уйида асраган. Комиссия бу катта рўмол тугундаги қоғозларни бирма — бир кўриб чиққан. Бундай майда ва чигал иш анча кун давом этган. Ф.Фулом бошчилигида Я.Фуломов ва Р.Комиловлар бу материалларни бирма — бир кўздан кечириб чиққанлар. Маълум бўладики, бу тугундаги ҳамма нарса машҳур ўзбек шоири, драматурги, жамоат арбоби марҳум Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг (1889 — 1929) шахсий архиви экан. Турди Мирғиёсов ўзбек халқи ва адабиёти учун бебаҳо бўлган бу илмий хазинани ўз қўлларида эҳтиёт қилиб тутганлар. Турди Мирғиёсовнинг бу улут хизмати академик Фафур Фулом бошчилигидаги комиссия томонидан аниқланди. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг архиви Ўз ФА Адабиёт Музейига ўтказилди. Кейинчалик XX асрнинг 80 нчи йилларида Ўз ФА Қўлёзмалар институти олимлари бу архивдаги материалларни илмий тавсифини ёзиб чиқдилар. Улар уч томдан иборат этиб нашр қилинди. Натижада Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ижодий меросини ўрганиш бўйича янги илмий уфқлар очилди.

Ана шундай муҳим илмий фаолиятга асос бўлган ижодий муҳитнинг юзага келмоғига академик Фафур Фулом бошчилик Комиссиянинг самарали иши туфайли асос солинган эди.

## АНДИЖОНДА БОБУР БАЙРАМИ

1958 йилнинг баҳорида Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг туғилганига 475 тўлгани кенг нишонланди. Бу катта адабий байрамда академиклар Тошмуҳаммад Ниёзович Қори Ниёзий, Фафур Фулом, Воҳид Йўлдошев, Зоҳидов, Муҳаммадjon Йўлдошев, Ҳадича Сулаймонова, Яҳё Фуломов, тарихшунос олимлардан Рашид Набиев, Наталья Борисовна Байкова; Шарқшунослик, Тил ва адабиёт, тарих институтлардан бир қанча ёш олим ва олималар қатнашганлар. Тошкентдан Андижонга келган бу илмий гуруҳга Ўз ФА вице президенти Иброҳим Мўминович Мўминов ва С.Азимжонова бошчилик қилганлар.

Эрта баҳор. Ҳар ённи қоплаган кўмкўк майсалар, янги барг чиқараётган дов — дарахтлар кўнглини яйратади. Қир, адирлар лола қизғалдоғлар билан тўла.

Тошкент поезди Андижонга эрталаб барвақт етиб келди. Андижон шаҳар ва вилоят бошлиқлари, жамоатчилик вакиллари меҳмонларни қизгин кутиб олдилар. Келган меҳмонлар жойлашиб, нонушта қилгач, илмий йиғин ўтқазиладиган иморатга етиб келдилар. Бу ерда жамоат жам. Йиғин бошланиши оддидан дув — дув тўпланган халқ меҳмонлар билан суҳбатлашадилар. Айниқса Фафур Фулом қаерда бўсалар, ғуж — ғуж одам уни ўраб олади. Кишилар улуғ ва севикли шоирдан бирор сўз эшитмоққа, қўл бериб сўрашмоққа, ҳеч бўлмаса бир нафас унинг ёнида бўлмоққа интиладилар.

Эсимда, бир киши Фафур Фуломдан Бобурнинг бир рубойидаги мисранинг маъносини тушунтириб бермоқни сўради. Бу мисра қуйидагича эди:

*Бобурий хатти эмасдур, хатти Сигноқийдурур.*

Шунда Фафур Фулом у кишига Бобурнинг араб ёзувини ислоҳ этиб "Хатти Бобурий" деб атаган ёзув яратганини айтдилар. Бу ерда Бобур ўша хат тўғрисида ёзмоқда. Яна бу ёзувни Хати Бобурий ёки хати Сигноқий деб атайдилар. Шундан сўнг Сигноқийнинг Туркистон жанубидаги шаҳар эканини; яна хат — чегара, жой маъносини ҳам англатишини тушунтирдилар. Демак ўша Бобурий хати Сигноққача етиб борган, гарчи Сигноқ Бобур ихтиёридаги жойлар жумласидан бўлмасада, Сигноқий чегарасигача бу хат маълумдир. У вақтларда Бобур яратган

ёзув — хати Бобурий тўғрисидаги тушунча жуда оз эди. Бу хатнинг намунаси ҳали топилмаган эди. Шунинг учун Фафур Фуломнинг бу изоҳлари купчилик учун жуда қизиқарли бўлган.

Илмий — йиғин режасидаги докладлар тутагач, залдан Президиумга бир неча хатлар тушди. Уларда шоир Фафур Фулом Бобурнинг шеърларидан ўқиб берсалар, деган илтимослар ҳам бор эди. Шунда Фафур Фулом домулла менга бир — иккита Бобур шеърларини танлаб бермоқни топширдилар. Мен Бобур девонининг профессор А.Самойлович 1917 йили Петроградда нашр этган нусхасидан бир — икки ғазални танлаб домуллага кўрсатдим.

Фафур Фулом китобни олиб минбарга чиқдилар. Залда ўлтирганлар шоирни қарсақлар билан кутдилар. Фафур Фулом ўзига хос юксак кўтаринки руҳда ғазални ўқий бошладилар:

*Нахуш бўлмайки, бир кун*

*уйқилик бахтимни уйғотсам...*

Залдагилар ҳар бир байтта гоҳо гов — гув, гоҳо қарсақлар билан ўз муносабатини билдирар эдилар. Шоир эса ўқишда давом этар, артистларга ўхшаб залнинг реакциясига боғланиб қолмас эди.

Фафур Фуломнинг тингловчиларни қўлга олабилмоқ, уларни ўз ихтиёрида тутмоқ, аудиторияни маъсун этиш маҳорати жуда ўзгача эди. Буни махсус ўрганса, ундан ибрат олса арзигулик.

Бобурнинг таваллуди танганалари Андижондан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига кўчди. Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида меҳмонларни Ўш вилояти бошлиқлари ва кўп сонли бошқа мезбонлар кутиб олдилар. Сўнг ҳамма Ўшга қараб йўл олди. Етиб келгач, бир оз дам олгандан сўнг биринчи тадбир Сулаймон тоғидаги Бобур қурган ҳужрага чиқмоқ бўлди.

Сулаймон тоғи гарчи Ўш шаҳрига жуда яқин бўлсада, ясси кўринсада унинг айланма сўқмоқ йўлларида бурала — бурала юқорига кўтарилмоқ осон эмас.

Бу йўлда Қ.Муниров ва мен ҳаминша Фафур Фуломнинг ёнларида борганмиз. Чарчаб — ҳориб тоққа кўтарилар эканмиз, Ғ.Фуломнинг ҳазил — хузил гаплари кайфни чоғ қилар, чарчоқни кетказар эди. У киши кулгили воқеаларни ҳикоя қилмоқча уста, уни қадрига етиб тингловчиларни ёқдирар эдилар. Шундай қилиб кулиша — кулиша тоғ устига чиқдик ва ҳужра ёнига етиб келдик. Тоғ устидаги бу кичик ҳужра ёш Бобур бино қилган биринчи иншоот бўлганидан унинг тўғрисида Бобур ўз "Бобурнома"сида қувонч билан ёзган.

Биз ҳужра қаршисида турибмиз. Пастда секин—аста юқорига кўтарилаётганлар қатори кўринади. Икки—уч киши шундоққина бизнинг оёғимиз даражасидаги йўлкада чарчаб тўхташган. Улар орасида Ғ.Ғуломнинг эски дўсти Абдуллажон Жувонмардиев ҳам бор. Уларни кўргач, Ғафур ака Жувонмардиевдан ҳазил билан сўрайдилар.

— Ҳа шу ерга келганда тўхтаб қолдингизларми?

Ҳамма кулади. Жувонмардиев ҳам кулиб туриб дейди:

— Сал нафасни ростлаб олайлик, сўнг бир ҳамла билан сизларгача етиб оламиз.

Шунақа ҳазил—кулги, чарчоқ ва ҳордиқ билан Сулаймон тоғни забт қилганмиз.

Ғафур Ғулом билан бирга бўлган одам ҳеч қачон зерикмас эди. У кишидан қайнаб чиқадиган мароқли ҳикоялар, ибратли хулосалар, шўх гап—сўзлардан нашъа қилиб кайфичоғлиқ билан вақти хуш ўтади.

Уш шаҳри улкан ва гўзал Атрофи тоғлар. Улар орасида Сулаймон тоғ алоҳида сувратта эга. Узоқдан қаралса бу тоғ чўзилиб ётиб дам олаётган кишини эслатади. Унинг боши, юз кўринишлари, кўкраги, қомаги аниқ кўзга ташланиб туради. Тоғ тепасидаги Бобур ҳужраси оддийгина, ортиқча безакларга эга эмас. Унинг асосий фазилати Сулаймон тоғнинг чўққисида эканлиги ва Бобурга қарашлилигидадир.

Ушнинг ёни—вериди сўлим боғлар, серсув ариқлар кўп. Ҳавоси тоза. Уларда кўп истироҳатгоҳлар бор. Ўзбекистонли меҳмонлар Ушда бўлганида шаҳарда бирор расмий тадбир бўлгани йўқ. Тоғдаги Бобур ҳужрасининг зиёратидан сўнг Уш шаҳари ва вилояти раҳбарияти меҳмонлар учун дастурхон ёзиб кутдилар. Бу зиёфат шаҳар ёнидаги Дам олиш уйларидадан бирида боғ бағрида уюштирилган эди. Бу ерда қирғиз дўстларимиз самимий меҳмоннавозлик кўрсатдилар. Дўстлигимиз, буродарлигимиз тўғрисида кўп яхши гаплар айтилди, қадаҳлар кўтарилиди.

*Ёз фасли, ёр васли дўстларнинг суҳбати,*

*Шеър баҳси, ишқ даря, боданинг кайфияти.*

*Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър*

*То билинғай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.*

(Бобур)



## ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Ғафур Ғулом ҳар қандай шароитда, ҳар қандай мавзӯидаги суҳбатда ажойиб ҳозиржавоб эдилар.

Ўша Андижондаги Бобур 475 йиллигига бағишланган илмий йиғинда мен "Бобур лирикасининг асосий хусусиятлари" мавзӯида доклад билан чиққан эдим. Шу аснода Бобурнинг ғазал ва тўртликларидан қатор гўзал намуналар ўқишга ҳам тўғри келган.

Залда турли-туман тингловчилар тўпланган. Улар орасида адабиёт ўқитувчилари, ёзувчилар, илмий ходимлар, студентлар билан бирга хунар-техника ўқув кўртларининг ўқувчилари, мактаб болалари ҳам бор. Хуллас лиқ тўла залда турли-туман савиядаги кишилар. Менинг докладим охиrhoқда бўлди. Тингловчилар ҳам сал толиққанлар.

Докладда Бобур лирик қаҳрамонининг чуқур қалб туйғуларини баён этувчи оҳанграбо мисраларини ўқишга тўғри келди:

*Хазон яироғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим  
Кўриб раҳм айлагил эй, лоларух, бу чеҳраи зардим.  
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлиғингни сарвдек ҳаргиз  
Оёгингга тушиб барги хазондек мунча ялбардим.*

Мен бу нафосат ва фасоҳат тўла мисраларни докладларни тинглаб озми-кўпми чарчай бошлаганларга эмас, балки жон-қулоғи билан тинглаб қадрига етган кишига ўқигим келди. Минбарнинг шундай ёнгинасида узун президиум столининг бошида академик Ғафур Ғулом ўлтирибдилар. Мен минбардан у киши томон ўтирилиб Бобурнинг бу гўзал мисраларини шоирга ўқиб бергандай бўлдим.

Йиғин тугаб танаффус эълон қилинди. Мен бошқалар билан бирга вестибюлга чиққананда ҳамма одам бир-бири билан жонли суҳбатлашиб турганларини кўрдим. Албатта бошқа мавзӯлар қатори тингланган докладлар тўғрисида ҳам кишилар фикр алмашинмоқдалар. Шунда бир йиғит келиб мен билан саломлашди ва деди:

— Ғафур Ғулом домулла сизнинг қилган ишингизни ажойиб шарҳ этдилар.

— Мен нима қилган эканман? Домулла нима дедилар?

Сўнг у йиғит менга бўлган гапни айтиб берди. Танаффус вақтида Ғафур Ғулом вестибюлга чиққанларида одатдагидек у кишини одамлар гир ўраб олганлар, суҳбат қизигандан қизиган. Шунда бир киши Ғафур Ғуломдан сўрабди.

— Неча, охирги докладчи Бобурнинг шеърларини сизга қараб ўқиди?

— Бунинг сабаби шундаки, — дебдилар Фафур Гулом — асл шеър мана бундай бўлади. Агар шоир бўлсанг ана шундай шеър ёзгин, дегани бўлади.

## ДИРЕКТОРЛИК МАШМАШАСИ

Мен 1949 йили Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети) Шарқ факультетини битиргач, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошладим. (Ҳозир бу институт Шарқшунослик институти деб аталади.) 1951 йилдан бошлаб эса шу институтда илмий котиб вазифасини бажара бошлаганман. Мен илмий фаолиятни ҳамisha ижтимоий фаолият билан барабар олиб борар эдим. Ўз ФА ёшлар ташкилотига бошчи бўлдим, институтда ижтимоий ташкилотларга раҳбарлик қилдим. 1954 йили филология фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқладим. Уша йилдан бошлаб Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзи Республика комитетига раис этиб сайландим. Касаба союзлар ажралиб чиққач, Олий мактаб ва илмий муассасалар касаба союзининг Республика Советига раислик қилдим. 1957—1958 йилларда эса Ўзбекистон Министрлар Советида Олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар бўйича катта референт бўлиб ишладим. Бу вазифага мени Ўз ФА президенти Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев тавсия қилган эдилар. "Шу қозонда бир қайнаб чиқишинг керак. Кейин ўзим чақириб оламан" деганлар. Министрлар Совети аппаратида бир йил ишладим. Роса бир йил ўтгач, Ҳ.М.Абдуллаев Министрлар Совети раҳбариятидан мени сўраб чақириб олдилар ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтига директор қилиб тайинладилар. У вақтларда бу лавозим номенклатурага қарашли бўлиб, унга таъйинланадиган одам Марказий Комитет бюросида тасдиқланмоғи лозим эди. Мен 32 ёшда, фан номзоди эдим. Кўп одам мени танимас, баъзи таниганлар эса назар—писанд қилмас, ёки хавфсирар эдими, билмайман, ҳар ҳолда кўп қаршиликларга дуч келганман. Шунинг учун Ҳабиб Муҳаммедович ўз фармойишларида мени "Тил ва адабиёт институти директорлиги вазифасини вақтинча ижро этувчи" қилиб таъйинлаган эдилар. Мен бу вазифани уч йил давомида "вақтинча" бажарганман. Юқорида санаб ўтилган хизматларда ишлаб озми—кўпми тажриба орттирган эдим.

Шунинг учун Тил ва адабиёт институтида астойдил ишга тушиб кетдим.

Орадан бир мунча вақт ўтди. Мен ҳам институтдаги ходимлар ҳам бир – биримизга кўникиб хатта кўламдаги режалар тузиб унинг ижросига киришиб кетдик. Мен бу институтда иш бошлаганимда катта авлод вакиллари Воҳид Зоҳидов (бўлим мудир, менинг илмий раҳбарим), Ҳоди Зариф (машхур фольклоршунос, директор ўринбосари), Зокир Маъруфов (тилшунос, бўлим мудир), Порсо Шамсиев каби олимларнинг ёрдамига суянар эдим. Фафур Фулом институтда катта илмий ходим бўлиб ишлар, Ойбек эса ўзлари асос солган “Ўзбек тили ва адабиёти” журнаliga муҳаррирлик қилар эдилар (ижтимоий асосларда).

Фафур Фулом домудла институтга тез – тез келиб турар, ишлардан огоҳ бўлар, гоҳо менга бошқариш бўйича маслаҳатлар берар эдилар. У киши ҳазилни севар, ўзини жуда оддий тутар эди, аммо улурсифатлик бу одамнинг табиатида бор. Шунинг учун Фафур Фулом билан ҳар бир учрашув, унинг суҳбатига эришув биз учун катта қувонч бағишлар, қувват берар ва ибрат бўлар эди.

Бир куни менинг дўстларимдан бири ҳузуримга келди. У сал хавотирлик ва саросимида эди. Иккимиз институт директорининг кабинетига суҳбатлашмоқдамиз.

– Азизхон, – деди суҳбатдошим – бутун Ўз ФА Президиумида бир маслаҳат бўлди. Унда мен ҳам бор эдим. Сизни Тил ва адабиёт институти директори лавозимидан озод қилиб, директор ўринбосарлигига туширишмоқчи. Директорликка эса ёши катта, иш тажрибаси ортиқроқ одам таъйинланадиган бўлди. Шундан кейин суҳбатдошим ўша кишининг ким эканлигини ҳам айтди.

Албатта бу гап менга ёқиб тушмади. Чунки институт фаолияти йўлларини кўпчилик билан бирга аниқлаган ва унинг ижросига киришган эдик. Дастлабки натижалар ҳам кўрина бошлаган эди.

Ундан ташқари мен бу лавозимни талашиб – тортишиб олмаганман. Мен учун кутилмаган ҳолда бу вазифа менга юкланди. Энди ишга киришганда бу масаланинг кўтарилиши мен учун кутилмаган ҳол бўлди. Яна ёшлик гурури ва иззат-нафсимга ҳам тегадиган гап эди бу.

Ўша киши хайрлашиб кетгандан сунг мен Фафур Фулом домудланинг уйларига телефон қоқдим. Уйда эканлар. Саломлашдик, сунг мен у кишининг институтга бир

келишларини сўрадим. Ярим соат ўтар—ўтмас Фафур Фулом институтга етиб келдилар. Мен домуллага эшитган гапларимни айтиб бердим.

— Агар шундай бўладиган экан, бошида айтмоқ керак эди. Нега энди бир оз вақт ўтгач бундай қарорга келишган. Менинг бу ўринга ҳеч қандай даъвом йўқ эди. Ҳозир қанча режаларни мўлжаллаб қўйилган, ишга киришиб кетилган. Шундай пайтда бу гапнинг чиқиши адолатданми.

Фафур Фулом домулла мени диққат билан тингладилар. Сўнгра дедилар:

— Бўпти. Қани бир суриштириб кўрайчи. Нима гап экан.

Сўнг у киши мен билан хайрлашиб чиқиб кетдилар. Мен иш билан овуниб кетдим. Аммо кўнглим гаш. Соат 16—17 лар бўлди. Иш куни тугалланмоқда. Шу пайтда Фафур Фулом домулла кабинетимга кириб келдилар. Дарҳол туриб саломлашдим. Домулла алик қайтариб сўнг

— Ултир. Бафурража гаплашиб олайлик — дедилар. Ултирдик. Фафур. Фулом кун бўйи мендан эшитган гап бўйича шуғулланганликларини айтиб бердилар.

Фафур Фулом домулла мен билан гаплашгач, институтдан чиқиб тўғри Фанлар Академиясининг Президиумига борганлар. У ерда бошлиқлар билан учрашиб уларга Тил ва адабиёт институтига раҳбар таъйинлаш масаласида биз билан маслаҳат қиласизларми, ёки бизни четлаб ўтиб ўзларингизча иш тутаберасизларми, деб масала қўйганлар. Улар "сизнинг маслаҳат ва фикрингиз қандай?" деб сўрашган. Менинг фикрим шуки, ҳозир ишлаб турган ёш директор ўзи ишлаб тураберсин, унга тегиш керак эмас, деб жавоб берганлар Фафур Фулом. У ҳали ёш, иш тажрибаси оз, ҳозирча бир тажрибали бошлиқ тайинлансаю, у ёш одам директор ўринбосари бўлса, тажриба ортдирса, сунгра яна кўрармиз, деган жавоб бўлган. Фафур Фулом бу фикрга қўшилмаган. Хуллас, ҳар икки томон ўз фикрида қолишган.

Шундан сўнг Ф.Фулом Министрлар Советига бориб ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари ҳузурига кирганлар. У кишига бўлган гапларни айтиб Тил ва адабиёт институтида ҳозир директор бўлиб ишлаётган бир ёш одамни ўз лавозимида сақлаб қолиш учун ёрдам кўрсатишни сўраганлар. Мен Министрлар Советининг аппаратида ишлаган пайтда шу кишининг раҳбарлиги остида ишлаган эдим. У киши мени иш бўйича билар эдилар. Шу бошлиқнинг розилиги билан мени Фанлар Академиясига қайтарилган эди.

Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Гафур Фулом домулланинг таклифларини қувватлаган ва ўша заҳоти Фанлар Академиясининг Президиумига телефон қилиб деганлар:

— Тил ва адабиёт институтининг директори Қаюмовга тегманглар. У ўз ишини давом этдираберсин. Аксинча ёш раҳбарга имкон борича ёрдам кўрсатингиз!

Бу раҳбар чўрткесар, ўз гапидан қайтмайдиган ва фикрини, агар у тўғри бўлса, ҳар доим ўтказасоладиган киши эдилар. Буни ҳамма яхши билар эди.

Гафур Фулом домулла менга бу гапларни тўласича айтиб бердилар ва хулоса қилиб дедилар:

— Гап шундай. Хотиржам ўз ишингни ишонч билан давом этдирабергин. Агар бирор яна янги гап чиқиб қолгудай бўлса, менга хабар қил.

Шундан сўнг Гафур Фулом домулла мен билан хайрлашиб хонадан чиқдилар.

Бу гаплар 1958 нчи йилда бўлган. Орадан деярли ярим аср ўтибди. Мен устоз Гафур Фуломнинг ҳимояси ва қувватлаши туфайли ўз ишимда давом этдим. У кишининг менга кўрсатган раҳбарликлари фақат менга оид эмас. Бу одам ёш авлод вакилларини ҳаминша қувватлар, уларнинг йўли очилиб кетишига ёрдам кўрсатар эдилар. Чунки у ўзбек филологияси, фани, маданиятининг истиқболи учун жон куйдирар, бу мақсад йўлидан оғишмай борар эди.

Ўша вақтда Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари бўлган киши билан эса мен кейинги йилларда кўп учрашдим. Кўп йиллар хизматдош бўлган пайтларимиз ҳам бўлди. Ўртамизда ҳаминша ҳурматли муносабатлар сақланди. Мен у кишидан ишда ҳалоллик, қатъият, принципиаллик сабоқларини олдим.

Мен Тил ва адабиёт институтининг директори лавозимида 1958 йилдан то 1961 йилгача ишладим. ЎзФА президенти Ҳабиб Абдуллаев Академияда ўзбек тили ва адабиётига оид илмий ишларнинг ривожига катта аҳамият берар, институтга ҳаминша ёрдамлашар эдилар. Шунинг учун институтнинг ишлари ёмон бўлмади. Бир неча катта илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Ёш илмий кадрлар тайёрлов иши жонланди. Институтнинг Ўзбекистон олий мактабларидаги филология факультетлари, кафедралари билан илмий алоқалари ортди, бошқа республикалардаги адабий — илмий муассасалар билан ҳамкорлиги ривож топди.

Шунинг учун бўлса керакки, институтдан мени бошқа юқори лавозимдаги ишга таклиф қилдилар. Тил ва адабиёт институтидан сўнг анча йиллар Ўзбекистонда фан ва маданият соҳасидаги раҳбарлик хизматида бўлганлардан бири сифатида ишламоққа тўғри келди.

Бу тафсилотни келтиришдан мақсадим зинҳор — зинҳор махтаниш эмас. Фақат академик Фафур Фуломдек устознинг ишончларини оқлашга ҳаракат қилганлигимни билдиришдир.

## ДУШАНБЕДА

1958 йили кузда Душанбе шаҳарида машҳур бухороли шоир Рудакийнинг туғилганига 1100 йил тўлгани кенг нишонланди. Ўз ФА Президиумининг топшириқига кўра мен ва ўша вақтда институтдаги ёш илмий ходимлардан Эргаш Рустамов икковимиз Душанбега бориб бу адабиёт байрамида қатнашадиган бўлдик.

Биз Тошкент аэропортига келганимизда у ерда шоир Юсуфжон Ҳамдам билан учрашиб қолдик. Юсуфжон Ҳамдам бизга Ўзбекистон ёзувчилар союзидан Фафур Фулом ва Собир Абдулла ҳам Душанбега боришади, деди. Кўп ўтмай улар ҳам аэропортга етиб келишди Ҳаммамиз биргаликда самолётга ўлтириб Тошкентдан Душанбега учиб кетдик.

Ҳаво қуши Тошкентдан учиб 40 минутдан сўнг Душанбе аэропортига келиб қўнди.

Душанбе шаҳри байрам безаклари билан ясатилган. Ҳар ер ҳар ерда Рудакий шеърларидан парчалар ёзилган лавҳалар осилди. Кўчалар бўйлаб меҳмонларга табрик сўзлари ёзилган шоирлар учрайди.

Рудакий юбилейида иштирок этмоқ учун Тошкентда яқиндагина ўз ишини тугалаган Осиё — Африка ёзувчилари конференцияси қатнашчиларидан катта бир гуруҳи ҳам Душанбега келган эди. Улар орасида турли мамлакатлардан келган шоир ва ёзувчилар бор. Душанбега бошқа совет республикаларидан ҳам кўп меҳмонлар келганлар.

Академик — ёзувчи Фафур Фулом Рудакий хотирасига бағишланган барча тадбирларда фаол иштирок этдилар, ҳамиша кўпчиликнинг диққат марказида бўлдилар. Фафур Фуломнинг йиғинларда, суҳбатларда, қабул маросимида сўзлаган нутқлари тингловчиларда чуқур таассурот қолдирар эди. Барча йиғинларда Фафур Фулом ўзбек тилида гапирдилар. Душанбе аҳолиси, юбилей қатнашчилари шоирнинг сўзларини диққат билан тинглар, олқишлар билан қарши олар эди. Мен ўшанда Фафур Фуломнинг

тожик халқи ўртасида қанчалик катта обрўга эга эканига шахсан шоҳид бўлдим.

Ғафур Ғуломнинг ёнида кўпинча машҳур тожик шоири ва жамоат арбоби Мирзо Турсунзода бирга бўлар эди. Бир сўзларида Ғафур Ғулом ўзбек ва тожик халқининг асрлар давомида бирга яшаб бирга ижод қилиб дўстлик ва буродарликни мустаҳкамлаб келаётгани тўғрисида илҳом билан гапирдилар. Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик бунинг ёрқин ифодасидир. Бирор ўзбек оиласи топилмаски, унинг аъзолари ичида тожиклар бўлмаса; ёки бирор тожик оиласида ўзбеклардан куёв ёки келин бўлмаса. Ҳазиломез тариқада яна айтдиларки, Ғафур Ғулом билан улуг тожик шоири Мирзо Турсунзода ўртасидаги дўстлик ҳам бунга бир мисолдир. Яна шунисига қарангки, менинг отамнинг отлари Ғулом тожикча, Мирзонинг отасининг оти Турсун эса ўзбекчадир.

Юбилей якуналарига бағишланган қабул маросимида табрик сўзи айтган Ғафур Ғулом ижод аҳлининг бирдамлигига, жаҳон халқлари ўртасида дўстлик ва буродарликни мустаҳкамлаш мақсадида бирлашиб иш тутмоқлари кераклигини айтдилар. Бу ерда ҳозир бўлган ижодкорларнинг бирлиги, бир – бирига ҳамкор ва иттифоқлиги – деди шоир – худди алифбедаги ҳарфларнинг бирдамлигини эслатади. Сафларимизнинг зичлиги худди шу ердаги меҳмонлардан бири муҳтарам ҳинд шоирасининг дурдонадек ярақлаб турган тишларининг текис қаторига ўхшаб кетади...

Тожикистон раҳбарларидан тортиб то энг оддий кишиларгача ёшу қари, эркагу аёл ҳаммалари Ғафур Ғуломни яхши билар, ҳурматлар, ҳамиша унга эъзозли муомила қилар эдилар. Ғафур Ғулом эса уларнинг ҳар бирига ўзига яраша диққат – эътибор кўрсатар, гоҳо ҳазил – ҳузил билан уларнинг кўнглини чоғ қилар эдилар. Қайси бир тўдада агар Ғафур Ғулом бўлсалар, унда ҳамманинг юзида табассум, кўнгли хушлик, эҳтиром ҳукмрон бўлар эди.

Яна ўша пайтда мен эътибор бердимки, академик – ёзувчи Ғафур Ғулом қанчалик бообру жамоат арбоби, талантли шоир, оташин нотик бўлсаларда, бемаслаҳат иш қилмас эдилар. Бирор жойда сўзга чиқишга тўғри келганда кўпинча бизни чақирар эдилар. Биз Эргаш Рустамов иккаламиз дарҳол у кишининг ёнларига келиб гапларига қулоқ осиб турамиз. Ғафур Ғулом домумла қўлларидаги майда қоғозларни тахлаб чиқиб, сўнг улардан фойдаланганча, сўзга чиққанда нималар демоқчи эканларини бизга айтиб берадилар. Ҳар сафар шундай бўлади.

Бу ҳам бир мактаб. Шундай улуғ зот ҳам фикр алмашинув, ўзгаларнинг маслаҳатини ҳам ҳисобга олгач, сўнг кўпчилик олдига чиқмоқни ўзига одат қилган.

Биз Душанбеда икки кун Ғафур Ғулом домулла билан бирга бўлдик. Учинчи кун эрталаб нонуштадан сўнг Ғафур Ғулом домулла бизга дедилар:

— Энди мен қайтаман. Мени Самарқандимга кузатиб қўйингиз.

Ғафур Ғулом домулланинг шундай юракдан чиқариб "Самарқандим" деганлари менинг хотирамда маҳкам ўрнашиб қолган.

Душанбе аэропортига етиб келганимизда бир кичик самолёт Самарқандга учадиган бўлиб турган экан. Ўша самолётга билет олиб домуллани самолётнинг пастак зинасигача кузатиб олиб келдик. У киши сал қизгин, ҳаяжонли кайфиятда эдилар. Биз билан хайрлашиб самолётга ўлтирдилар. Кичик ҳаво қуши Душанбедан Самарқандга қараб парвоз қилиб кетди.

Боққа қайтиб келганимиздан сўнг Собир Абдулла бизга дедилар: (Боғдаги меҳмонхонада бу киши Ғафур Ғулом билан ҳамхона эдилар).

— Ғафур Ғулом кечаси билан ухлайолмай нотинч бўлди. Кўп нарсаларни менга сўзлаб берди. Мен уйқусираб яхши тинглайолганим ҳам йўқ...

Собир Абдулланинг гаплари одатдагидек ҳазиломез, сал муболағали эди. У киши бу гапларни кулиб айтар эдилар.

Мен сездимки, Душанбедаги Рудакий юбилей тадбирларида Ўзбекистонни катта обру, ғайрат ва илҳом билан элга намойиш этган шоир ва олим Ғафур Ғулом унга кўрсатилган эъоз, диққат—эътибор ва хурмат юкидан сал толиққанлар. Яна шу икки кун ичида бу зотнинг кўнгли ўз севиқли Ўзбекистонини ҳам қумсаган. Шунинг учун у муҳаббат билан шу ватаннинг азиз ери "Самарқандимга қайтарингиз" деб сўраган. Эрта тонгдан бу гўзал шаҳарга йўл олган.

Ғафур Ғуломнинг ўзбек халқи, Ўзбекистонга севгиси чексиз эди. Бу туйғуни уни билган кишилар ҳаммаси ҳис этар ва тушунар эдилар.

Ўша куни кечга томон Душанбе шаҳаридаги боғда Москвали меҳмон шоир Семён Липкин билан суҳбатда бўлдик. Семён Израэлович Липкин машҳур таржимон шоир. У Навоийнинг "Лайли ва Мажнун", "Сабъан Сайёр" дostonларини рус тилига таржима қилган. Форс шеърятининг мумтоз вакиллариининг асарларини ҳам рус тилига таржималарини



амалга оширишда қатнашган. Юксак шеърӣй талант ва эрудиция эгаси бу шоир Фафур Фулом шеърларини ҳам рус тилига таржима қилган. У Фафур Фулом ижодининг моҳир билимдонларидандир.

Семён Липкин бизга шундай деди:

— XX аср туркий халқлари шеъриятида Фафур Фуломнинг шеърӣй истеъдоди ўзининг ғоят юксак даражаси билан ажралиб туради. Ҳозирги туркий шеъриятда бунга баравар келаоладиган бошқа куч йўқ.

С.Липкин ўзбек шоираси Зульфиянинг шеърларига ҳам баланд баҳо берди. Аммо, унинг айтишича, Фафур Фулом билан ҳеч кимни тенг қўйиб бўлмайди.

Шундан сўнг С.Липкин бу буюк даҳо ва талант эгаси бўлган зотни авайлаш, эҳтиёт қилмоқ ва асрамоқ зарурлиги тўғрисида гапирди. Бу вазифа унинг яқинлари зиммасига тушади, деди.

Мен С.Липкиннинг бу гапларини ҳеч қачон унутмайман. Чунки таржима асносида бу шоир ҳар бир мисра шеърнинг ичига кирган. Ундаги дунё—дунё сикр, ҳис, туйғуларни, уларнинг назокати, серқирралиги; тўлғинли, ҳаяжонли кучини сезган, пайқаган, ўзига сингдирган. Ҳеч ким бирор асарни таржимон сингари ҳартомонлама ва чуқур фаҳм—идрок этаолмайди. Бу асарнинг қуввати ё ожизлигини таржимон сингари сезаолмайди.

Демак С.Липкиннинг Фафур Фулом шеъриятини, унинг шоирлик қобилиятини улуғлаб айтганлари муболаға, хушомад ёки шунчалик махтов эмас, балки, ижоди баркамол, билимли мутахассиснинг чин юракдан, самимийят билан айтган юрак сўзлари эди.

1958 йили Душанбеда бўлиб ўтган Рудакий юбилей тантаналаридаги иштирокимиз Эргаш Рустамовда ҳам, менда ҳам катта таассурот қолдирди. Бизнинг асосий омадимиз академик—ёзувчи Ғ.Фулом билан бирга бўлганимиз эди. Фафур Фуломнинг Тожикистон жамоатчилиги олдидаги баланд обрӯ—эътибори Ўзбекистонли меҳмонларнинг нуфузини кўтариб юборди. Яна биз бу улуғ зот билан бирга ўтқазилган тадбирлар, суҳбатлар, учрашувлардан баҳра топиб ҳаёт тажрибамизни анча бойитдик.

## ҚЎҚОН АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида ўзбек филологиясининг пешқадам арбоблари хизмат қилар эдилар. Улар ёш илмий авлодни шаклландириш, ўстиришга кўп диққат — эътибор берар бу масалада институт дирекциясига муттасил кўмаклашар эдилар.

XV аср I ярмида яшаб ижод этган бир ўзбек шоирининг номи илгари Атоий деб ёзилиб келган. Шоир шеърларини нашрга тайёрлаган ёш олим, Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Эргаш Рустамов уни "Отойи" деб ёзган. У Ленинград (ҳозирги С.Петербург)да сақланаётган бир қўлёзмада шундай ёзилганини кўрган экан. А.Акобиров ва М.Мирзаев домулалар "Ўзбекистон маданияти" газетасида бир мақола эълон қилиб унда "Отойи"га эътироз билан чиқдилар. Уларча шоирни "Атоий" деб аташ тўғридир. Аммо улар Э.Рустамов кўрган қўлёзмани кўрмаган эдилар.<sup>7</sup> Фанда бундай тортишувлар бўлиб туради. Бу табиий ҳол.

Мен хонада ўз хизмат юмушларим билан шуғулланиб ўлтирган эдим. Тўсатдан эшик очилиб Ғ.Ғулом кириб келдилар. Дарҳол ўрнимдан туриб саломлашдим, ўлтирмоққа таклиф қилдим. Домулланинг авзоълари бузуқ эди. Саломатлашиб ўлтиргач менга дедилар:

— Эргашни чақир!

Секретардан Эргаш Рустамовни чақириб келишни сўрадим. Сал ўтмай у хонага кириб келди. Саломлашиб ўлтирди. Ғафур Ғулом домулла дедилар:

— Мен бир мақола ёздим. Шунини ўқиб берай. Эшитинглар.

Мақоланинг сарлавҳаси "Атоий эмас, Отойи" эди. У шундай кескин ифодаларда ёзилган эдики, мен тинглаб ҳайрон қолдим. Масала унча жиддий эмас. Шу баҳсга академик Ғафур Ғуломнинг иштирокига нима сабаб бўлди экин?

Мақолани ўқиб бўлгач домулла қўлларидаги матнни Эргашга узатиб

— Буни редакция етказ! — дедилар.

Ҳали ҳаяжони босилмаган Э.Рустамов домулланинг қўлларидан меқолани олиб хонадан чиқди.

Ғафур Ғулом домулланинг авзоълари сал юмшаган эди. У киши тикка турган ҳолда менга дедилар:

---

<sup>7</sup> Ҳақиқат қўлёзмада Отойи деб ёзилган. Булар эса олдингидек Атоий ёзилишига тарафдордирлар — А.Қ.

— Баъзи одамлар Тил ва адабиёт институтига уч — тўртта ёш болалар келиб қолган, улар ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлаб юриптилар. Шу ёшлар кимнинг ҳимояси остида эканини ўшалар билиб қўйсин деб ёздим бу мақолани!

Бундан бир йил муқаддам 1958 йилда ўзбек демократ шоири Зокиржон Фурқатнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда анча ишлар қилинган эди. Ўша йили шоирнинг ватанида Қўқон шаҳарида шоир Муқимий яшаган хужра қайтадан жиҳозланиб уй — музей сифатида очилди. Бу уй — музей Тошкентдаги Тил ва адабиёт институти таркибидаги Адабиёт музейининг Қўқондаги филиали сифатида эди. Соҳибзода ҳазрат томонларидан XIX асрда бино қилинган бу мадрасанинг музей учун ажратилган бир кичик бўлагидаги бир неча хужраларда Қўқон сингари катта адабий марказда мавжуд бўлган адабий ҳаётни кўрсатиш имкони йўқ эди. Ваҳоланки, бу шаҳарда яхши бир Адабиёт Музейи барпо этмоқ кўпчиликнинг орзуси эди. Тил ва адабиёт институтининг бу масалада шаҳар раҳбарларига қилган мурожаати натижа бермади.

Мен ўйлаб — ўйлаб шу масалани ҳал этиш учун академик — шоир Фафур Фуломга маслаҳат солдим. Қўқонда кўп шоирлар ўтган. Адабий ҳаёт ҳамиша жонли бўлган. Ҳозирги ўзбек адабиёти арбобларининг ҳам маълум ҳисми шу ердан чиққан. Битта Муқимийнинг хужраси бу катта адабий марказ ҳаётининг узоқ асрли тарихини қамраб ололмайди. Шаҳардаги энг яхши бинолардан бири Адабиёт музейига берилса яхши бўлар эди. Шундай бино шаҳарнинг марказида жойлашган. Уни коммунал банк эгаллаб турибди. Банк бошқа ёққа кўчирилиб ўрнига ўлка Адабиёт музейи жойлансаю Муқимий уй — музейи унинг филиалига айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо бизнинг ўлка Адабиёт музейи барпо этиш тўғрисидаги фикримиз шаҳар раҳбарияти томонидан қувватланмади. “Ўша хужрани эплаштириб тураверинглар” дейишди.

Фафур Фулом домулла бу гапларни диққат билан тингладилар. Биз Тил ва адабиёт институтининг директорининг хонасида гаплашиб ўлтирибмиз. Ҳаво очиқ. Деразадан тушаётган қуёш нури хонани яхши ёритиб турибди. Чунки гўзал пайт, ёз фаслининг бошлари эди. Лекин кўнгил унчалик ёруғ эмас.

— Бўпти — дедилар Фафур Фулом — Буюр, менга командировка ёзсин. Шу бугуноқ Қўқонга жўнайман. Пешиндан кейин Мустафо билан йўлга чиқамиз. (Мустафо шоирнинг ўз шофёри).

Дарҳол расмий қоғозлар тайёрланди. Фафур Фулом домумла мен билан хайрлашиб хонадан чиқиб кетдилар.

Эртасига эрталаб одатдагидек институтга ишга келдим. Куңдуз соат ўн иккиларга яқин бирдан телефон узоқ жириглаб қолди. Дарҳол телефон трубкасини олиб қулоққа тутдим.

— Тил ва адабиёт институти, Қаюмов, ассалому алайкум, эшитаман.

— Салом, Фафур акангман. Қўқондан телефон қилаяпман. Адабиёт Музейига бино ажратиш масаласи ҳал бўлди. Банк биносини бўшатиб беришади. Дарров одамларингни юбор, бинони қабул қилиб олишсин.

— Раҳмат, домумла. Жуда олийжаноб иш бўлибди. Жуда миннатдормиз.

— Дуруст. Институтдан келадиганлар тўғри Горкомга киришсин. Ҳамма гаплар келишилаган. Менга бошқа ишинг йўқми?

— Йўқ раҳмат. Энг асосий масала ҳал бўлибди. Бундан муҳимроғи ҳозир йўқ эди.

— Бўпти, хайр бўлмаса. Энди Андижонга ўтаман.

— Хайр, домумла. Раҳмат.

Эртаси куни Солиқ Қосимов бошчилигида уч киши Қўқонга жўнадилар. Улар бино билан танишиб уни қабул қилиб олишга оид ишларни бажариб ва бўлажак музей экспозицияси бўйича таклифлар тайёрламоғи керак.

Кейин Фафур Фулом домумла айтиб бердиларки, бу киши Қўқонда эрталаб Қўқон горкомининг биринчи секретарига кирганлар. Унинг ҳузурида ўша йиллари Фарғона обкомининг биринчи секретари Турсун Қамбаров ҳам бор эканлар. Ҳар иккала бошлиқ академик шоирни иззат—ҳурмат билан кутиб олишган. Суҳбат асносида Фафур Фулом Қўқондек катта бир адабий марказ бўлган шаҳарда Адабиёт Музеини яратиш кераклиги, бу Музей учун шаҳар марказидаги коммунал банк иморати жуда мувофақ келажagini айтганлар. Турсун Қамбаров бу таклифни маъқуллаганлар ва Қўқон горкомининг биринчи секретарига ўша иморатни музей учун бўшатиб бермоқни топширганлар. Фафур Фулом ўша заҳоти, ўша кабинетдан Тошкентга, Тил ва адабиёт институтига телефон қилиб менга бу хабарни етказган эканлар.

Ўша кунлари мен докторлик диссертациямнинг охириги бобларини ёзиб тугалаш билан банд бўлдим. Институтнинг кундалик ишларини директор ўринбосари муҳтарам Ҳоди Зариф домумла олиб бориб турдилар.

Бир куни мен уйда ишлаб ўлтирсам Ҳоди Зариф домумла телефон қоқдилар.

— Бир келиб кетмасангиз бўлмайди. Қўқон Адабиёт Музейининг биноси тўғрисида бошқа бир вариант чиқиб қолган эмиш.

Дарҳол институтга етиб келдим. Ҳоди Зариф домумланинг айтишларига кўра, Қўқондаги бинонинг эгалари Тошкентдаги бошлиқларига мурожаат этганлар. Тошкентдаги бошлиқлар Ўз ФАнинг ўша вақтдаги раҳбарларидан айримлари билан гаплашишган. (Ҳ.М.Абдуллаев бу вақтда бетоб бўлиб шифохонада ётган эдилар. Ўз ФАнинг кундалик ишларини бошқа раҳбарлар бошқариб туришган эди). Молия идоралари Қўқонда янги иморат курадилар. Ўша иморат битганда уни Адабиёт Музейига берилса бўлар. Ҳозирги бляно эса ўз эгаларининг қўлида қолаберса. Ўз ФА вице президентларида бу таклифни қабул қилмоққа мойиллик бор.

Ҳоди Зариф домумла бу гапларни айтиб бергач, ҳар иккаламиз Қўқонда Адабиёт Музейини яратишга оид масала туя гўшти егандек чўзилиб кетиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Яна устоз Фафур Фуломга мурожаат қилишга тўғри келди. У кишига бор гапни айтдик.

— Мен битириб келган ишни бузаоладиган одам ким экан — дедилар, Фафур Фулом аччиқ изтироб билан.

— Сизлар ўз ишларингиз билан бада бўлаберинглар, бу ишни ўзим охирига етказаман.

Мен устознинг қай ерга, кимга бориб учрашгани, кимга нималар деганини билмайман. Лекин Қўқонда Адабиёт Музейи барпо этиш ишига астойдил киришгани яққол сезилиб турар эди. Биз Ўз ФАга бу масала бўйича Президиумнинг тутган йўлига ўз норозилигимизни билдирдик. Бу орада бир неча фурсат Фафур Фулом домумла билан учрашаолмадик. Бир ҳафтача вақт ўтди. Кўнглимиз нотинч ҳаммамиз хавотирда эдик. Бирдан республика газеталарида Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети ва Министрлар Советининг қарори эълон қилинди. Унда ўзбек адабиётининг машҳур арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тутилганига 70 йил тўлишини кенг нишонлаш бўйича тадбирлар белгиланган эди. Бу тадбирлар орасида Қўқон шаҳарида Адабиёт Музейи барпо этиш ва Ҳамза Ҳакимзода юбилейи кунлари бу Музейни очиш ҳам кўзда тутилган эди.

Шу билан Қўқон Адабиёт Музейини барпо этиш ва уни қайси бинода жойламоқ масаласи юқори даражада ҳал этилган эди.

Қарордан сўнг Ўзбекистон Министрлар Кенгаши Қўқон Адабиёт Музейини барпо этиш учун лозим маблағни ажратди. Қўқон шаҳар раҳбарлари ҳам жонбозлик кўрсатишди. Бадий фонд Музей экспозициясини ишлаб чиқди. Бу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Министрлар Советининг раис ўринбосари Сарвар Олимжонович Азимов катта ёрдам кўрсатдилар. Қўқон Адабиёт музейи Ҳамза Ҳакимзоданинг 70 йиллик байрами кунлари тантанали равишда очилди.

Бу музей ҳозир ҳам ўша собиқ банк биносиде иш олиб бормоқда. У Ўзбекистондаги катта адабий — маданий даргоҳлардан бирига айланиб кетган.

Қўқон Адабиёт Музейини ташкил этишга оид ишлар муваффақият билан якунлангач, бир куни институтда суҳбат асносида мен Фафур Фулом домуллага дедим:

— Биз ҳаммамиз Сизга узоқ умр тилаймиз. Ҳали узоқ яшаб кўп-кўп янги асарлар яратиб халқимизни мамнун этишингизга имонимиз комила. Аммо охири бир кун келиб шу Қўқон Адабиёт Музейига сизнинг номингиз қўйилажаги аниқ.

Фафур Фулом бу гапга ҳазил билан жавоб бердилар.

— Агар ҳимматингиз шунчалик баланд бўлса, Музейга тириклик пайтимизда номимизни қўйиб берақолинг.

Минг афсуски, орадан кўп ўтмай 1966 йили устоз Фафур Фуломдан айрилиб қолдик.

Фафур Фулом хотирасини абадийлаштиришга оид тадбирлар орасида Қўқон Адабиёт Музейига Фафур Фулом номини бериш тўғрисидаги таклифимизни раҳбар идоралар маъқуладилар ҳамон Қўқондаги бу эътиборли маданият маскани устоз Фафур Фулом номини шараф билан оқлаб келмоқда.

## МУМТОЗ АДАБИЁТ БИЛИМДОНИ

Фафур Фуломнинг ўзбек адабиёти ва форсийзабон адабиётнинг моҳир билимдони эканлиги ҳаммага аён.

Юқориде Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини қанчалар усталик билан фафур фулом томонидан ҳозирги ўзбек тилига ўгирилган экани тўғрисида сўз борди. Навоий ва Фафур Фулом мавзуъини яна ҳозир давом этдирамиз.

Навоийнинг 500 йиллик юбилейи 1941 йилда ўтқазилиши лозим эди. Аммо немис — фашист босқинчиларининг муҳдиш хуружи тўғрисида бошланиб кетган уруш бу юбилейнинг кечиктирилишига сабаб бўлди. 1945 йили уруш фашизмнинг тўла ва узил — кесил мағлубияти билан якунланди. Энди халқимиз ўз севиқли устози ва мутафаккири, олими ва шоири Алишер

Навоийнинг 500 йиллигини кенг нишонлаш имкониятига эга бўлди.

1948 йил 15 май куни Тошкентдаги катта концерт залида (ҳозирги биржа маркази) Ўзбекистон жамоатчилиги кўп сонли меҳмонлар билан бирга Навоий 500 йиллиги тантаналарини бошлади. Унда академик М.Т.Ойбек Навоий тўғрисида катта доклад қилганлар.

Ўша кун Тошкентда чиқадиган "Қизил Ўзбекистон" газетасида Фафур Фуломнинг "Алишер" сарлавҳали шеъри ҳам эълон қилинди.

23 тўртлик ёки 92 мисрадан иборат бу шеърда Фафур Фулом Навоий ижодиёти тўғрисида файласуф — шоир сифатида фикр юртади.

Фафур Фулом сўзни буюк шоирнинг исми Алишердан бошлайди. Навоийнинг асрий шуҳрати ва эътирофини "Юксак тоғ оралаб ўқирган шернинг наърасига тенгдир акси садоси" деб ёзади. Яъни Алишер бир кучли, қудратли шердирки, унинг овози юксак тоғлар оралаб наъра тортади, тоғлар эса унга акс садо бериб янграйдилар. Бу Навоийнинг сўзлари, унинг назми, ижодий беш юз йилдан бери яшаб келётганлигининг шоирона ифодасидир. Унинг жарангдор ва қудратли овозига акс садо берувчи тоғ эса Ватан. Шундай қилиб Фафур Фулом шердай наъра тортувчи Алишер образи ва унга акс садо бераётган тоғдай юксак ва улуғ Ватан образи билан ўз шеърини бошлаган.

Шундан сунг она сути ҳурматини оқлаган "Ватан ва халқини йўқлайололган" ватан фарзанди Алишер тўғрисида сўз боради, унинг таъриф ва тавсифи келади.

*Дарахшон юлдузлар сари ўқирган  
Бўйнида занжиру қалби озод шер.  
Инсоний муҳаббат меҳрила вафо  
Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер.*

Навоийнинг ҳаёти ўз ватанининг тақдири билан чамбарчасть боғлиқ. Бу ватан шоирнинг ёшлик йилларида баркамол эди. Қариган пайтида эса шоир ўз Хуросон ўлкасининг заволига шоҳид бўлмоқда.

*Ҳирот тонг отарин тасаввур қилиб  
Йигитлик умрингнинг қамолин кўрдим.  
Қариган чоғларинг қаро шомида  
Хуросон ўлкасин заволин кўрдим.*

Аммо шоир ижодининг камоли мутлақ, у безаволдир. Шоир элга билим маърифат, саодат етказмоққа интила боради. У камолот йўлидаги баланд зина. Бу зина худди олтиндан ясалгандай.

*Заволни билмаган порлоқ ижодинг  
Маърифат йўлида битмас хазина.  
Инсоний камолот катта йўлида  
бир поя юксакроқ олтиндан зина.*

Бу хазина ўзбекнинг мулки, Унинг учун Навоий ижоди кеча — туғилгандай яқин ва ўз. Халқ ўзининг ана шундай бебаҳо хазиналар яратиб кетган фарзандини ҳаминша ардоқлайди, севади.

*Беш юз йил хурматинг сақлаган ўзбек  
Кеча туғилдинг деб қилади фараз.  
Етук кишиларни яна минг йиллар  
Халқ фарзаңд атайди жоңдан — бегараз.*

Ана энди шоир шундай фарзандни етиштирган, унга илҳом берган, уни халқига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказган халқни улуғлашга ўтади. Бу халқнинг номи ўзбек. У озод улус. Ундаги ҳарбир киши отахон шоир Навоийнинг ғазалларида ўз кўнглидаги энг эзгу ҳис — туйғуларни пайкайди, ундаги муҳаббат мадҳиясидан руҳ топади.

*Ўзбек деб аталган озод улуснинг  
Отахон шоири, қадрли устоз.  
Ошиқлар ғазалинг куйга солганда  
Маъшуқлар дилининг хонаси обод..*

*Бирор шоҳбайтинг ёдош тутмаган  
Каттадир, кичикдир бизда киши йўқ.  
Олтин балдақдаги нифрит кўз каби  
Асаринг биз учун бўлди қорачўғ.*

Ғафур Ғулом ўша йиллари ўзбек, тожик каби улуғ халқларни менсимаган бир неча чаласавод ғарб сиёсатчиларидан зада бўлган эди. Шунинг учун у Навоий тимсолида умуман Шарқ халқларининг буюк тарихи ва маданиятини таърифлавга ўтади; шарқ халқлари ети. тириб чиқарган буюк даҳолар тўғрисида сўзлайди.

*Не не тарихларни бошдан ўтқазиб  
Талай жафоларни тортган эски шарқ*



*Не не даҳоларни тарбият қилиб  
Офтобдай жаҳонни нурга қилди фарқ.*

Алишер Навоий ана шундай даҳолардан бири. Ўзбек осмонида у Муштарий каби пайдо бўлганида олам кучоғи тўлди, гўё кишилиқ янги муҳтарам ўғил кўргандай бўлди.

*Алишер Муштарий юлдузи каби  
Ўзбек осмонида балқиган чоғи  
Яна бир муҳтарам ўғил кўргандай  
Каттароқ очилди олам кучоғи.*

Гафур Фулом сиёсат майдонида жаҳлон урган ижодкор эди. У Навоий хотирасини эъзозлаб, улуғлар экан, шу билан ўз ўзбек халқини, ўзбек ватанини улуғлайди. Бу халқнинг фидокорона меҳнати самараларини куйлайди. Замон Фарҳодларини тилга олади. Мирзачўл саҳроларига ҳаёт бағишлаган Ширинсой қизларини тавсиф этади. Улар буюк Алишер орзу қилган авлодлардир. Шоирнинг ўз халқига чексиз муҳаббати, унинг билан фахру ифтихор қилиши Навоийнинг ўз халқига бениҳоя буюк севгисининг инъикосидир.

*Меҳнатда қаҳрамон, жангларда ботир  
Севмақда вафоли, дўстлиқда маҳкам  
Алишер орзуси бўлган авлодмиз  
Асримиз — кўркимиз, асримиз кўркам.*

*Юксак тоғ оралаб ўқирган шернинг  
Наърасига тенгдир акс садоси  
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда  
Улуғ Алишернинг асрий илдоси.*

Охирги тўртлик биринчи тўртликнинг такрори. Бу ўша акс садо. Навоий ва Гафур Фуломнинг ўз халқи, ватани, унинг шарафли фарзандларига муҳаббати, улар билан ифтихор қилиши бир — бирига уланиб кетган. Янги авлод ўз халқини, ватанини эъзозлашда Навоийдан, Гафур Фуломдан: унутилмас сабақ олади, бу шеърдан.

## "ТУН БИЛА ТОНГ"

Фафур Фулом Навоий ижодини яхши билар, уни ўқиб ўрганишда моҳир эди. Фафур Фуломнинг "Тун ила тонг" радибли Навоий ғазалига боғлаган мухаммаси шу маҳоратнинг бир кўринишидир.

Навоийнинг "Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг" деб бошланадиган бу ғазали "Хазоин ул маоний"нинг Ш китоби "Бадоеъ ул васат"даги 363 – ғазалдир<sup>8</sup>.

Қуйида ғазални тўласича келтирамиз.

*Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли туни била тонг*

*Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига,  
Кўрунмамиш бу икининг мисоли тун била тонг.*

*Тонгим ёруғу тунум тийрадулки, чирмашадур  
Кўнгул аро юзу зулфинг хаёли тун била тонг.*

*Не туңда айш насими, не тонгда меҳр, магар,  
Ки бўлди зулфу юзунг поймоли тун била тонг.*

*Туниг хўжаста тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваш  
Ки икки банда санга бўлди холи тун била тонг.*

*Биравки, тонгу тунин бода бирла ўткаргай  
Яқинки, бўлмағай онинг малоли тун била тонг.*

*Навоий этмади зулфу юзунг висолин кашф  
Валек эрур ғаминг иттисоли тун била тонг.*

Фафур Фуломнинг бу ғазалга боғлаган мухаммаси тўғрисида академик Салоҳиддин Мамажонов яхши сўзлар айтган<sup>9</sup>.

Биз ҳам бу тўғрида баъзи мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз. Навоий ўзига хос гўзаллик ва латофат ила лирик қаҳрамоннинг айрилиққа мубтало экани ва ёр висолини тун ва тонга ўхшатган. Маълумки тундан сўнг тонг келади. Аммо шоир

<sup>8</sup> Алияпер Навоий. Бадоеъ ул – васат. ЎзФА нашриёти. – Т., 1960. 367 – бет. Нашрга тайёрловчи: Ҳамид Сулаймон, масъул муҳаррир: С. Муталлибов.

<sup>9</sup> Мамажонов С. Шеърят баҳсида. – Т., 1970. 25-27 – бетлар.

бу айрилиқдан сўнг етишув тонгининг стишига шубҳа билдириб ҳаётда бундай эҳтимолнинг йўқлигидан сикоят қилади.

Ғафур Ғулом устоз Навоий ифодалаётган шу кайфиятнинг доирасини кенгайтирган. Унинг мисраларида ошиқнинг қароғи (кўзи) ёр жамолига қиёс этилади. Ёр жамоли тонг каби гўзал. Бечора ошиқнинг кўзи ғам билан тун каби қорайган. Ишқ азобини чекувчи, айрилиқ дардини тортувчи ошиқнинг заволи ҳам севгили ёрнинг камолига қарама — қаршидир. Ниҳоят тун ва тонгнинг доимий ҳамроҳи ой образи ҳам шеърда учрайди. Ошиқнинг куюк ойн ёр қошининг нафис ҳилолига зид қўйилади. Ана шу тасвирлардан кейин Навоий баён этган ҳаётда эҳтимоли бўлмағи қийин тун ила тонг (айрилиқ ва висол бирдамлиги) тўғрисидаги сўз келади:

- Ғ.Ғулом — *Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг  
Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг,  
Менинг куюк моҳим онинг ҳилоли тун била тонг*
- Навоий — *Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг.  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.*

Бундан кейинги бешликда Ғафур Ғулом ва Навоийнинг лирик қаҳрамони ёр зулфининг гўзаллиги, тинчқоралиги, тонг каби нузли чехраси, латофати тўғрисида сўзлайди. Жаҳон элита бу иккисига тун била тонг ҳам баравар келолмаслигини тушунтирмоқчи бўлади.

- Ғ.Ғулом — *Ки бирни икки дейиб бўлмағай замон элига  
Нечун тушунтира олмадим буни гумон элига  
Ҳамиша халқни қилғучи имтиҳон элига*
- Навоий — *Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига  
Кўринмамиш бу иккининг мисоли тун била тонг.*

Кейинги байтда Навоий ёрнинг нузли чехраси қаро зулфи тўғрисида сўзлар экан ошиқ кўнглида уларнинг ҳаёли бир — бирига чирмашиб кетганини айтади. Шунинг учун ҳам ошиқнинг ёруғ тонги ва қоронғу тунни ҳам бир — бирига ёпишиб кетадир.

Ғафур Ғулом бу фикр доирасини кенгайтирган. Нур ўрнини зулмат эгаллайди. Ошиқнинг бошидаги савдо (бу ерда савдо ҳам жунун, ҳам қоронғулик маъносига) кўнглига тирмашади. (Ваҳоланки, кўнглида ёр юзидан тушган ёруғлик бор эди). Ёр ҳаёлига ботган ошиқнинг қони куюди, жисмдаги аланга кучаяди.

Шундан сўнг Навоий билдирган тонг ва тун бир — бирига чирмашиб кетади.

Ғ.Ғулом — *Қачонки, зулмату нур ўрнини алмашаду  
Қаро бошимдаги савдо дилимга тирмашаду  
Қоним куйрада танимнинг алангаси ошаду*

Навоий — *Тонгимёругу тунум тирадулки, чирмашаду  
Кўнгул аро юзу зулфинг хаёли тун била тонг.*

Навоийнинг лирик қаҳрамони тунда айш шаббодаси эсмагани, тонгда меҳр (бу ерда қуёш маъноси ҳам бор — А.Қ.) кўринмаганидан нолийди. Наҳотки тун билан тонг ҳам ёр зулфи ва юзи оддида поймол бўлган бўлсалар.

Ғафур Ғулом шу тасвири кенгайтиради. Энди лирик қаҳрамоннинг кечинмаларига кечқурун висолдан умид йўқлиги, тонгда нур, ёруғликдан хабар бўлмаслиги, оқшомлари на қадаҳ, тонг чоғи на соғар бўлиши қўшилади. шулар ҳамаси бир бўлиб ёрнинг гўзал зулфи ва юзининг тун ила тонгни ҳам поймол қилиб юборганлигини билдиради.

Ғ.Ғулом — *Не шомда васл умиди, не тонгда нури хабар  
Не оқшомимда қадаҳ бор, не тонгда бир соғар  
Не кечда райҳон исню не тонгда гунчада зар*

Навоий — *Не тунда айш насими не тонгда меҳр магар  
Кя бўлди зулфу юзинг поймоли тун била тонг.*

Навбатдаги бешликда Навоий маҳвашга дуо сўзлари айтади. Тун ҳам тонг ҳам унга банд бўлганларини ёзади.

Ғафур Ғуломнинг бу бандга қўшган уч мисраси ана шу дуонинг давоми, тўғрироғи бошланиши, юксалиши ва авжидан иборат... Шоир ўша маҳваш (ой юзли)нинг кўнгул кўзгуси бир умр гашлиқдан соф бўлишини тилайди, ишратда кўтарган май қадаҳидаги май ҳаёт билан бирлашиб кетсин, тундаги чироғи кундузи порлаган қуёш сингари дилкаш бўлсин дейди. Бу жонбахш ва оҳанграбо мисралар Навоийнинг ёрни алқаб ёзган гўзал сатрлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ғ.Ғулом — *Дилингни кўзгусидин бир умрга кетсин гаш  
Ичар чоғингда шаробингдадир ҳаёт аралаш  
Кечанг чироғию кундуз қуёшидек дилкаш*

Навоий — *Тунинг хўжаста, тонгинг қутлауғ ўласун эй маҳваш*

*Ки икки баъда санга бўлди ҳоли тун ила тонг.*

Бундан кейинги бешликда Фафур Фулом Навоий айтган фикрга катта кўлам бағишлайди.

Навоий дейдики, тонг ва тунини бода билан ўтказган киши учун тун билан тонгнинг малоли сезилмайди. Киши вақтини хуш ўтказсин, агар бода ичса бундай хушлик пайдо бўлади.

Фафур Фулом кўнгилахушликнинг анча кенгайтирилган формуласини ишлаб чиққан. Албатта, шоир бунда Шарқ шеъриятида кенг ёйилган тушунчаларни ишлатган. Инсон даставвал ўз ёқасини уни бўғиб олмақчи бўлган қайғу қўлидан қутқарсин. Яъни бўлар — бўлмаста гам чекабермасин; жаҳон ишига этак силкисин; яъни дунё ишларига бепарво бўлсин. Бу боқи — беғамлик эмас, балки арзимаган нарсаларга куйди — нишди бўлабермасин, келажакка ёруғ умид билан боқсин, туни билан йўл босиб субҳидам сари юрсин деганидир. Шундан кейин шундай хушёрлик, ҳаётга ишонч, умидворлик кайфиятида оз — оз бода ичиб хурсандлик қилса, ундай одамга тун ва тонг малоли сезилмайди.

- Ғ.Фулом — *Кимики, қайғу қўлидан яқочи қўтқаргай  
Жаҳон ишини этак силкимска бутқаргай  
Қоронғу кеча юруб субҳидам томон боргай*
- Навоий — *Биравки, тонгу тунин бода бирла ўтқаргай  
Яқинки, бўлмагай онинг малоли тун била тонг.*

Бу мухаммаснинг охириги бешлигида ҳар иккала шоирнинг таҳаллуси бор. Агар Навоий ўз таҳаллусини келтирган бўлса, Фафур Фулом "Мирзо" деб таҳаллус тулдирган. Бу бешликда ҳар иккала шоир амалга ошмаган эзгу ишлар тўғрисида сўз юритадилар.

Навоий ёр зулфу юзининг висолни очолмаганини (кашф қилолмагани) айтади. Аммо у ёр гамини ошириб чекади. Бу эса тун ва тонгга ўхшаб кетади. (Тун қоронғу, субҳнинг эса яқоши чоқдир). Фафур Фуломнинг лирик қаҳрамони эса қаро тун ва тонг заволи (битмоғи)ни кўролмагани, ҳар бир нафасда эса умрнинг увол бўлиб ўтиб кетаётганига афсусланади. Фафур Фулом шеърда Мирзо деб таҳаллус туширганини айтиб эдик. Шунинг учун бу мисрада сиёҳ қороз ҳам кўрсатилади. Сиёҳ тушириб қороз юзини Мирзо қора қилади. Шунинг учун Мирзо қорознинг оқ жамолини оча олмади (кашф қилгани йўқ). Шундан кейинги мисрадаги зулфу юз висоли (зулф — қора, юз эса оқ). Худди сиёҳ

қора ва қоғознинг оқ экани каби) юқори мисра билан маъно жихатидан боғланиб кетади ва шеър яхлитлик касб этади.

Ғ.Ғулом — Қилолмадим қора тун нурли тонг заволин кашф

*Нафас — нафас ўтаётган умрнинг уволин кашф*

*Сийёҳ ҳақи бу Мирзо қоғоз жамолин кашф*

Навоий — *Навоий этмади зулфу юзинг висолин кашф*

*Валек ғамининг иттисоли тун ила тонг.*

Кўришиб турибдики, буюк шеърый талант эгаси шоир Ғафур Ғулом устоз Навоийнинг бу латиф ва гўзал ғазалига маҳорат билан мухаммас боғлаган. Натижада XX аср ўзбек шеърияти ва ХУ асрда Навоий яратган даҳо шеъриятнинг бир бутунлиги, яхлитлиги тимсоли бўлмиш бир шеърый дурдона вужудга келган.

### "НАВОИЙ ҚАБРИ УСТИДА"

1964 йили Ўзбекистондан бир гуруҳ олимлар Навоий яшаган ва дафн этилган Ҳирот шаҳрига бордилар. Асосий мақсад улуғ шоир оромгоҳини зиёрат қилиш, Афғонистон ҳукумати билан биргаликда Навоий хотирасини абадийлаштиришга оид тадбирлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ эди. Бу гуруҳда академик Ғафур Ғулом ҳам бор.

Ўзбекистонлик олимлар аввал Тошкентдан Афғонистон пойтахти Қобулга келдилар. У ердан эса Афғонистон ҒА ходимлари билан бирга Ҳиротга келдилар. Ҳиротда Навоий оромгоҳини зиёрат қилганда Ғ.Ғулом "Навоий қабри устида" сарлавҳали шеърини ёзган.

Бу шеър мухаммас шаклида битилган. Тўрт бешликдан (мухаммас) иборат. Ғафур Ғулом уни Навоийнинг машҳур "Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб" деб бошланадиган ғазалига назира (ўхшатма) тарзида яратган.

Бу шеър:

*Дилим равшанлигин ҳиссам йўлида офтоб айлаб...*

мисраъи билан бошланади. Шундан сўнг шоир ўзининг буюк устоз Алишер Навоийнинг қабри устида таъзим билан турганини баён этади. Гарчи марҳум сўз эшитмайдиган ҳолатда эсада, шоир унга қалб сўзлари билан хитоб этади. Ватандошларнинг Навоийга йўлаган саломлари улкан бир китоб бўлгудекдур. Шоир Мусаллода Навоийга бу саломларни еткурмоқда.

*Дилим равшанлигин ҳиссим йўлда офтоб айлаб  
Мазоринг бошида таъзим ила :турмоқдадирмен  
сар ҳисоб айлаб  
Қулоғинг гар эшитмас бўлса ҳам қалбдин  
хитоб айлаб  
Навой деб Муссалоға келибмен интихоб айлаб*

Шоир Навоийга ажиб гулдаста келтирган. Уни Навоий нашъу намо этган эл йўллаган. Саҳрога сув чиқарган замон Фарҳод ва Ширинлари, аждодларнинг улуғ орзуларини амалга ошираётган авлод йўллаган.

*Самарқанд, Андижон, Тошканду Урганжу  
Бухородан  
Ўзинг нашъу намо топган шаръфли шонли  
Матъводан  
Сенинг орзуларинг рўёбга чиққан янги дунёдан  
Туман Фарҳоду Ширин сув чиқарган бахтли  
саҳродан  
Ажаб гулдаста келтурдим унга заррин таноб айлаб.*

Зиёратчи шоирнинг ўз улуғ устозига хитоби шу юсулда давом этади. У Навоийнинг ҳар бир ўзбек хонадонида севиб ўқиладиганини айтади; унинг шеърлари, мусиқийси ҳарбир ватандош қалбидан ўрин олган. Навоий авлодлари етук, билимдон, илму донишни эгаллаган авлод бўлиб етишганлар. Улар ўз замонларини инсоният тарихида баркамол замонга айлланишига саъй — ҳаракатдалар. Улар маърифат нурини сочувчи моҳтоблардан кўнгилларини ёритадилар. Навоийнинг орзулари шу эмасми эди.

*Китобинг кирмаган ўзбек элида хонадон  
йўқдир.  
Рубобий куйларинг ёд булмаган бир жонажон  
йўқдир.  
Етук авлодларингдир илму донишан гумон  
йўқдир.  
Башар тарихини юз бор ўқиз бундай замон  
йўқдир.  
Кўнгилларни ёритдик маърифатдин моҳтоб  
айлаб.*

Ғафур Ғулом сўнги бешликда ўз таҳаллусини келтирмаган. У эҳтимол бу шеърни давом этдирмоқчи бўлгандир. Ҳар ҳолда охириги бешлик олдинги мисралардаги фикр ва тасвирларни давом этдираборади. Унда Ватан, унинг нузли осмони, гул юзли ватандошлар унда ўз буюк иқболини кўрмоқда эканлари куйланади. Мунаввар кундузнинг ҳукмронлиги, қоронғу шони йўқлиги айтилади.

Навоий ўз газалида маҳшар кунигача тарки хоб этувчи ошиқ образини кўрсатган эди. Ғафур Ғулом бу образни Навоий билан боғлайди, унинг ўз ватани, халқига муҳаббати орқали ифодалайди. Ватани жамолини кўрмоққа янгизор бўлган улуғ шоир барҳаётдир, у кўзини юммай келажакни термулиб кутаётгандай туюлади.

*Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни  
Буюк иқболни ижод айлаган минглаарча гул юзни  
Қоронғу шони йўқ доим мунаввар бахтли кундузни  
Жамолини кўришга бир умрлар юммайин кўзни  
Навоий ҳам ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб*

Ўзбек шеърятда Навоийга бағишланган асарлар оз эмас. Уларнинг мазмуни, бадийятдан қатъий назар, ҳар бири буюк Алишер Навоийга самимий эҳтиром ва муҳаббат билан суғорилган, шеърини навоийшуносликда ўз ўрнига эга.

Аммо Навоий туғилиб ўсган ва ўша ерда абадий қолган қадим Ҳиротда, шоирнинг оромгоҳи устида, унинг зиёрати чоғида ёзилган Навоий мадҳияси Ғафур Ғулом қаламига мансуб. Бу шеърнинг ҳар бир мисрасида Ғ.Ғулом ҳассос қалбининг ҳаяжонли тегишларини эшитилиб туради. Шоир вужудини қоплаган тўлқинли туйғулар турғени сезилади. Шоир Ғафур Ғулом Ўзбекистоннинг ҳар бир кишидан Навоийга салом етказди, уларнинг ўз севиқли устози ва ижодкорига чуқур ҳурмати ва юксак ифтихорини изҳор этади.

1959 йили Тил ва адабиёт институтида навбатдаги анъанавий Навоий сессиясини ўтқизиш тўғрисида маслаҳат бўлмоқда эди. Шунда академик Воҳид Зоҳидов Ғафур Ғулом домулага дедилар:

— Шу йиғинда сен бир доклад қилмоғинг керак. (Улар бир-бирлари билан сенсираб гаплашишар эдилар. Шунчалар улар ўртасида яқинлик, дўстлик бор эди — А.Қ.).

— Қайси мавзуда чиқай?

Воҳид Зоҳидов сал ўйланиб турдилар, сўнг дедилар:



— Навоийнинг уч газали. Навоий газалларидан ўзингга ёққан уч газалини танлаб оласанда, шуларни шарҳ қилиб берсан.

— Хўб — дедилар, Фафур домулла.

Йигин дастури тузилиб эълон қилинганда Фафур Фулом доклади — Навоийнинг уч газали — деб ёзилган эди.

Йигин иш бошлайдиган куни залга одам тикилиб кетди. Ҳамма Фафур Фуломнинг чиқишини кутар эди.

Доклад эълон қилинганда академик Фафур Фулом салобат билан минбарга чиқдилар. Қўлларида уч варақ қоғоз. Олдин нотик Навоий газалларининг шарҳи ҳамisha навоийхонларни бақд этиб келгани, бу анъананинг давом этмоғи кераклигини айтадилар. Сўнг Навоийнинг уч газалини бирин-кетин байтмабайт шарҳ қила кетдилар. Бу Навоий газалининг Фафур Фуломона шарҳи эди. Йигинда тинчлик ҳукмрэн. Зал бўйлаб Фафур Фуломнинггина овози янграйди. Навоий байтларининг мазмуни тингловчиларнинг фикрини қоплаган. Уларнинг шарҳи гўзал ва дилқаш. Уч газал шарҳи кўп вақт олгани йўқ. Лекин улар эшитганларнинг хотирасидан бир умрга жой олди.

Доклад тутагач, ҳамма ёқни қарсақлар овози босиб кетди.

Йигин ўз ишини тугаллагандан кейин Фафур Фулом домулла биз билан хайрлашаётганларида мен у кишидан ўша уч варақ қоғозни менга беришларини сўрадим. Домулла қўлларидаги кичик папкадан уч варақ қоғозни олиб менга узатдилар. Мен уларни олдим. Оқ қоғозларда араб ёзувида йирик хат билан ёзилган Навоий газаллари бор. Шарҳлар оғзаки айтилган эди.

Мен варақларни Фафур домуллага қайтариб ҳар бир қоғозга имзо чекмакни сўрадим. У киши ҳар бир вараққа имзо чекдилар ва менга бердилар. Шу билан келажак авлодлар учун академик Фафур Фуломнинг ўз қўли билан кўчириб ёзган ва имзоси билан тасдиқлаган Навоийнинг уч газали этиб борадиган бўлди.

Мен бу мўътабар автографларни қирқ йил сақладим. Сўнгра уларни Тошкентдаги Фафур Фулом уй — музейига топширдим.

Агар XX асрнинг ўрталарида Фафур Фулом шундай муваффақият билан бошлаган иш анъанага айланиб Навоий газалларини шарҳлашни изчил давом этдирганимизда, эҳтимол, ҳозиргача Навоийнинг шарҳланмаган бирор шеъри қолмас эди. Афсуски, бу ишнинг давоми бўлмади.

Дўстлар, ҳали ҳам кеч эмас. Бу эзгу анъана давом этсин. XXI аср авлоди Навоий газалларининг илмий, жиддий, ростгўйлик билан яратилган шарҳларига эга бўлсин. Фафур Фулом

руҳига ҳурматимиз, унинг хайрли ишига ихлосимиз ҳам шунда кўринади!

## ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ

1964 йилда Ўзбекистон ва Тожикистонда машҳур шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг (1414–1492) туғилганига 550 йил тўлгани кенг нишонланди.

Шу йили Жомий юбилеи қўшни Афғонистонда Қобул шаҳарида ҳам байрам қилинди.

Академик Фафур Фулом Қобул шаҳарида ўтқазилган илмий анжуманда Жомий ҳаёти ва ижоди, Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстлик, устоз – шогирдлик, ижодий ҳамкорлик тўғрисида доклад билан чиқди. Бу доклад "Шарқ назми осмонининг икки порлоқ қуёши" сарлавҳаси остида нашр этилган<sup>10</sup>.

Фафур Фулом ўз докладини шоирона кириш билан бошлайди. Бу сўзлар шарқ адабиёти, мумтоз шеъриятнинг яхлитлиги, ягона вужуд эканлиги, адабиётнинг тараққиёт жараёнидаги узлуксизликни таъкидлашдан иборат.

"Мен Шарқ шоириман — деб бошлайди сўзини академик Фафур Фулом — Шу туфайли. Шарқ назмининг ҳамма классиклари менинг қариндошларим — акраболарим десам, хато бўлмайди. Менинг қариндошларим қуйидагилар: форс поэзиясининг отаси Абу Абдулло Жаъфар ибн Муҳаммад бин Абдураҳмон бин Одам Рудакий, Ҳаким Абулқосим Фирдавсий, Ҳаким Умар Хайём, Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий ва бошқалар.

XV аср форсийзабон адабиётининг улуг намоёниси Жомий ижоди тўғрисида суз бошлар экан, Фафур Фулом ўзбек халқининг Жомийга муҳаббат ва ихлосини бу халқнинг юксак билимдонлиги, шеъриятни юксак қадрлашини таъкидлаб орқали кўрсатади.

"Ҳали бешиқда ётар эканман — дейди академик — онам Ҳофиз, Навоий, Жомий ва Фузулийларнинг шеърларини айтиб аллаларди..."

<sup>10</sup> Фафур Фулом. Адабий — танқидий мақолалар. — Т.: Фан. 1973. 182, 223-226 — бетлар.

Жомийни таърифлаш эса осон эмас. Чунки буюк ўзбек шоири ва олими Бобур айтганидек "Муллонинг (Жомийнинг) жаноби андин олийроқдирким, таърифқа эҳтиёжи бўлмай".

Шундай қилиб бешикдаги боласини аллалаётган ўзбек онасидан тортиб то буюк Ҳиндистон хукмрони андижонли Заҳриддин Бобургача Жомий шеърятини яхши билганлар, унинг қадрини баланд тутганлар.

Ғафур Ғулом яна XV аср буюк ўзбек шоири Лутфийнинг<sup>11</sup> Жомий билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисида сўзлайди. Шундан сўнг Навоий ва Жомий ўргасидаги ижодий ҳамкорликнинг қандай самарали натижалар бергани тўғрисидаги фикрларини изҳор этади. Бу ҳамкорлик уларнинг бутун ҳаёти давомида сақланди.

Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстлик "шундай дўстлик эдики, унга ўхшаши жаҳон адабиёти тарихида кам топилади" деб ёзади Ғафур Ғулом.

Жомий Алишер Навоийнинг ноёб истеъдод ва қобилият эгаси канлигини пайқайди, уни сўз санъатининг моҳир устаси сифатида эътироф этади, у билан доим маслаҳатлашиб турди.

Бундай дўстлик ва ҳамкорлик туфайли жаҳон адабиёти Жомийнинг "Ҳафт авранг" ("Етти тахт"), Навоийнинг "Ҳамса" ("Бешлик") каби шоҳ асарлари билан бўйлади.

Жомий Алишер Навоийнинг ўзбек тилида ёзган "Ҳамса"сини юқори баҳолайди.

*Ба туркий забон нақше омад ажаб  
Ки жоду доманро бувад муҳри лаб  
Эи чарх офаринҳо бир он килк бод  
Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.  
Бу бахшид бар форсий гавҳарон  
Бу назми дарий дурри назм оварон  
Ки гар будий он ҳам ба назми дарий.  
Намондий мажоли сухангустарий  
Ба мезони он назми муъжаз низом  
Низомий ки буду Хисрав қадом  
Чу у бар забони дигар вукта роцд  
Хирадро ба тамйизашон раҳ намонд  
Зиҳи табъи буд устои сухан  
Эи мифтохи килкат кушодий сухан.*

<sup>11</sup> Кейинги тадқиқотлар Лутфийнинг тўла номи Мирзо Умар Лутфий Шоший (Тошкандий) эканини аниқлади — А.Қ

Таржимаси:

*Туркий тилда ажиб нусха вужудаг келди  
Бу қаламга чархнинг офариналари ёғилсин.  
Чунки бундай ажойиб хуштабъ нусха (китоб)  
шу қаламдан туғилди.*

*Фарсий тилда гавҳар сочувчилар  
Дарий шеърятда назм дурларини  
терувчилар кечирсинлар  
Агар бу ҳам дарий назмида битилганда эди,  
Бошқа сўз айтишга мажол қолмас эди.  
Бундай муъжизали назм ўлчави (қиммати)  
олдида*

*Низомий киму Хисрав ким?  
Эй сўз устози, табъингга офарин  
Сен қаламинг қалати билан сўз  
мулкининг қулфини очдинг...*

Навоий ҳам ўз навбатида Жомий асарларига доир юқори фикрларни баён этган. У Жомийнинг лирик асарлари ва поэмаларининг ниҳоятда юксак бадий маҳорат билан ёзилганини таъкидлаган.

Навоий "Хамса"сининг бешинчи достонида Жомий баъзи ва поэмаларига бағишланган диарабо мисраларни ўқиш мумкин.

*Қаю назм, балким жаҳон офати  
Жаҳон офати, йўққи, жон офати  
Эшитмаклинги завқнок айлабон  
Вале дардқи, маъни ҳалоқ айлабон  
Ғазал дарду сўзини ваҳ — ваҳ не дей  
Деса маснавий оллоҳ — оллоҳ не дей.*

Ғафур Ғулом ўз мақоласида Навоийнинг устоз Жомийга бағишлаб "Хамсатул мутаҳаййирн" ("Беш ҳайратлантирувчи") китобини ёзганини айтади. Шундан сўнг бу китобнинг қисқача мазмунини баён этади. Докладда яна Ўзбекистонда Жомий асарларининг ўзбекча нашрлари тўғрисида ҳам маълумот берилган.

## АВАЗ ЎТАР ЎҒЛИ

Академик Фафур Фулом XIX аср ўзбек демократик адабиёти вакиллари ижоди тўғрисида қатор илмий тадқиқотлар олиб борган. Бу адабиётнинг талантли вакили Муқимий (1850—1903) шеърини бўйича қилинган ишлар билан юқорида танишиб ўтдик.

1954 йили Фафур Фулом "Отоқли демократ санъаткор" деган мақолани ёзди. Унинг асосида ўша йили Хоразмда бўлиб ўтган шоир Аваз Ўтар ўғлининг 70 йиллигига бағишланган илмий сессияда академик Фафур фуломнинг сўзлаган нутқи ётади.

Фафур Фулом қадим Хоразм Ўзбекистоннинг бой традицияга эга бўлган қадимги маданий ўчоғи эканини таъкидлайди. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг хизматларини тилга олади. Хоразмнинг ёзувчи ва шоирлари Хоразмий, Ҳайдар, Мажлисий, Умар Боқий, Мунис, Огаҳий, Комил каби ижодкорлар қаторига Аваз Ўтар ўғлини ҳам қўйди. Булар Ўзбекистоннинг бошқа жойларида етишиб чиққан ёзувчилар билан бирга ўзбек адабиёти ва адабий тили тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Мақолада Фафур Фулом XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёдаги ижтимоий—сиёсий ҳаётга обзор беради. Хоразм адабий муҳитининг умумий характеристикасини ёзади, Аваз ижодидаги эволюцион ўзгаришларни паллама—палла ёритади.

Аваз Ўтар ўғли истеъдодли шоир бўлганидан уни хон саройига жалб этадилар. Бу ерда 20 яшар Аваз саройдаги маддоҳлар қаторидан ўрин олади, уларга тақлид қилиб шеърлар ёзади. Аммо мамлакат ҳаётида мавжуд бўлган зўравонлик, зулм ва истибод шоирнинг кўнглига ачиниш туйғуларини солди. Аваз энди ўз шеърларида кундалик турмушдаги офир машаққотлардан нолийди, жабрдийдаларга ёнбосади, уларни ҳимоя қилади. Шоир ҳақсизлик ва адолатсизликни келтириб чиқарувчи тузум ва унинг типик вакиллари танқид қилади. Ана шундай кимсаларнинг башарасини газаб билан очиб ташлавчи "Фалонийлар" яъни зolim амалдорлар, найрангбоз савдогарлар, сохта руҳонийларни ҳажв қилиб ёзган шеъри халқ орасида кенг ёйилади.

*Фалоний гарчи кўп олий насабдир*

*Вале нодону жоҳил, беадабдир.*

*Фалоний базлига бўлсин баса дашном  
уза дашном*

*Ки фақр аҳлига жабр айлаб ғанимлага  
қилур инъом.*

*Фалон номардим, ўзни қилур мард  
аҳлига ташбех  
Бари умрида бир йўл мардлиқ расмини  
кўргузмай.*

1915–1917 йилларда Аваз Ўтар ўғли "Халқ", "Сипоҳийларга", "Уламоларга", "Хуррият", "Тил", "Мақтаб" каби халқчил, ўткир сиёсий асарларини ёзган. Бу шеърларнинг туб моҳияти жамъият ҳаётидаги зулм—бедод, адолатсизлик, оғир ҳаётдан норозилиқдан иборат. Бу халқнинг юрагидаги дардларга Ҳамоҳанг эди.

Исёнкор шоир мудҳиш жазоларга мубтало бўлди. Унга 200 таёқ урдилар; мазор бошида бандалиқда тутдилар. Аммо эркпарвар шоир ўз мавқеъидан чекинмади. У мазлумлар доди, фарёдини ифодаловчи, зулм ва зўравонликни қораловчи шеърлар ёзишда давом этди. Озодлик, ҳуррият келмоғига ишонч билан ижод қилди. Аваз Ўтар ўғли 1919 йил ёзида 35 ёшида дунёдан ўтди. Академик Фафур Фуломнинг шоир Аваз Ўтар ўғли ҳаёти ва ижодига бағишланган бу мақоласи атоқли демократ шоир хотирасини тикламоқ, учун муҳим бир илмий асос бўлди.

## ИККИ МАШРАБ ТЎҒРИСИДА

Бобораҳим Машраб Намангоний (1640–1711) ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган шоирдир. У азалдан халқ ўртасида кенг шуҳрат қозонган. Асрлар давомида унинг шеърлари, Машраб ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳикоя қилувчи "Девонаи Машраб қиссаси" авлоддан авлодга ўтиб ўқилиб келинади.

Машрабга нисбат бериладиган шеърлар ҳам кўп. Улардан айримларини Машраб Намангонийникими ёки бошқа бирор кишиникими деган савол гоҳо жавобсиз ҳам қолади.

XX аср адабиётшунослигида Машраб тахаллусли "Мабдаъи нур" деб аталмиш маснавий йўлида ёзилган бир асар ҳақида ҳамон шундай баҳс давом этади.

"Мабдаъи нур" тўғрисидаги янги фикрни академик Фафур Фулом ўртага ташлаган.

Фафур Фуломнинг "Икки Машраб" мақоласи дастлаб вақтли матбуотда босилган<sup>12</sup>. Сўнгра академик Фафур Фулом бу масала бўйича ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгашида

<sup>12</sup> Ф.Фулом. Икки Машраб "Қизил Ўзбекистон" газ. 12 июль, 1959 й.

илмий доклад билан чиқди. Бу меқола Фафур Фуломнинг мақолалар тўпламида ҳам нашр этилган<sup>13</sup>.

Фафур Фулом хабар берадики, XVII—XVIII асрларда ўзбек адабиётида Машраб деган икки шоир ўтган. Бири Бобораҳим Вали бобо ўғли Машраб. Иккинчиси эса Мулла Рўзи Охун деган сўфий шахсдир. Бу одам ўзига "Машраби соний" ("Иккинчи Машраб") деб тахаллус қўйган. Бу киши Бобораҳим Машрабдан 40—50 йил кейин яшаган бўлиши эҳтимол.

*Зоҳир исмим Рўзибойу Мавлавий ўғлим деган  
Машрабий соний талаб бўлсанг мени олдимга кел.  
Вақти охир ошкора бўлди бу "Мабдаъи нур"  
Зоҳири ҳам ботиним толибга еткургай сурур.  
Шарҳи байти Маснавий Мавлаъий Руний будур  
Зоҳири аъмо талаб бўлсанг менинг олдимга кел.*

Шундай қолиб академик Фафур Фулом "Мабдаъи нур" китобини иккинчи Машраб Рўзибой Охунд яратган эканини, асарнинг мазмуни Мавлавий Румийнинг "Маснавийи Маънавий" асаридан бир бўлагининг ўзбек тилидаги шеърини шарҳи эканини билдирди.

Ўзбек адабиёти тарихи бўйича бой фактик материалга эга бўлган "Тазкираи Қайюмий" тазкирасида (Пўлатжон домумла Қайюмов асари, 1998 йили Тошкентда Қўлёзмалар институти томонидан нашр этилган) "Мабдаъи нур" Рўзибой Охунд Машраби сонийга тегишлидир деб кўрсатилган.

Филология фанлари доктори, профессор Исматулла Абдуллаев "Мабдаъи нур"ни Бобораҳим Машраб қаламига мансуб деб ҳисоблайди.

Бу баҳс ҳали давом этмоғи мумкин. Лекин "Мабдаъи нур" ўзбек тилида яратилган катта бир шеърини асар экани аён ҳақиқат. Унинг муаллифи тўғрисидаги тортишувлар бу асарнинг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамиятига путур етказмайди.

Академик Фафур Фуломнинг хизмати шундаки, у Бобораҳим Машраб ижодий меросини ўрганиш ва оммалаштиришнинг янги бор уфқларини очди; меросга янгича ёндашув, қўлёзма манбаъларни чуқурроқ ва ҳартомонлама ўрганмоқ зарурлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

---

<sup>13</sup> Ф.Фулом. Адабий — танқидий мақолалар, 84-94 — бетлар.

## МОСКВАДАГИ УЧРАШУВЛАР

1959 йилда Россия федерациясида ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Бу катта маданий байрамдан мақсад Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстлик ва буродарликни мустаҳкамлаш, маданий ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш эди.

Программага кўра академик шоир Фафур Фуломнинг икки учрашуви бўлиши керак эди. Дастлаб Москвадаги Адабиёт Музейида Фафур Фулом ўзбек адабиётининг узоқ асрли тараққиёт йўли тўғрисида сўзлаб беради. Иккинчи учрашув эса собиқ Иттифоқ Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида ўтказилиши мўлжалланган. Унда Фафур Фулом ўз шеърларини ўқиб беради, уларнинг таржималари ўқилади, табриклар айтилади. Бу иккала учрашувда ўзбекистонли бир гуруҳ ёзувчилар, Ўз ФА Тил ва адабиёт институтининг олимлари, шу жумладан мен ҳам, академик Фафур Фуломнинг ёнларида бўлдик.

Москвадаги Адабиёт музейида асосан музей ходимлари, адабиёт мухлислари ва музей атрофида яшавчи аҳоли вакиллари йиғилган эдилар.

Академик Фафур Фулом бу йиғинда рус тилида сўзладилар. У киши қадимий туркий ёзувда яратилган туркий тилдаги адабий ёдгорликлар (VII асрдан тортиб то XX асрнинг бошларигача вужудга келган ўзбек адабиёти тўғрисида мазмундор ва мароқли ҳикоя қилдилар. Айниқса XV асрда Алишер Навоий ижоди туфайли юксак даражага кўтарилган ўзбек шеърини ва насри тўғрисида докладчи жўшқин илҳом билан сўзлади. Адабиёт вузейининг мўъжазгина залини тўлдириб ўлтирган адабиёт мухлислари ўша куни бугунги ўзбек элининг улўғ ёзувчисини кўрмоққа, унинг ўз она адабиёти тўғрисидаги кўтаринки руҳдаги нутқини тингламоққа мушарраф бўлган эдилар. Бу учрашув қизиқарли ва жонли ўтди. Аммо ҳеч қандай дабдаба ва тантанабозлик бўлгани йўқ. Учрашувга йиғилган жамоа унда мамнуният билан ишгирик этдилар ва меҳмонларни илиқ таассурот остида кузатиб қўйдилар.

Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти ҳам Адабиёт музейи каби Москванинг қоқ ўртасида жойлашган (институт адреси: Москва, Армянский переулок №2). Белгиланган вақтда академик Фафур Фулом ва унинг ҳамроҳлари Шарқшунослик институтига етиб келдилар. Институт директори академик Бобожон Фафурович Фафуров ўша фурсатда Москвада эмас эканлар. Меҳмонларни институт директорининг



ўринбосари профессор Николай Александрович Дворянков кутиб олди. Москвада ёзувчилар ҳам шу ерда эдилар. Олдин дирекцияда озгина фурсат ёқимли сузбат бўлди. Хотира учун суратта тушилди. Сўнг барча институтнинг катта залига чиқди. Бу ерда Шарқшунослик институтининг ходимлари, уларнинг оила аъзолари, кўп қизиққан кишилар йиғилган эди. Профессор Н.А.Дворянков тўпланганларга қисқача кириш сўзи билан мурожаат қилди, улар номидан азиз меҳмонларни табриклади. Сўнг академик шоир Фафур Фуломни минбарга таклиф қилди.

Бутун умри давомида халқ билан ҳамдам ва ҳамнафас бўлган шоир мажлис аҳлининг диққатини дархол жалб қилган эди. У йиғилган жамоага миннатдорлик изҳор этди, уларни Москвада ўтаётган улкан маданий байрам билан табриклади. Сўнгра Фафур Фулом ўз шеърларидан ўқиб берди. Фафур Фулом бу шеърларни ўзбек тилида ўқидилар. Машҳур таржимон – шоир Семён Липкин шу шеърларни рус тилида ўз таржимасида ўқиди.

Ўша йиллари (XX аср элигинчи йиллари) бутун дунёда миллий озодлик ҳаракат авж олган Мустамлакачилик чилпарчин бўлмоқда. Аммо империализм осонликча чекинмас, у озодлик курашчиларини маҳв этмоққа интилар эди. Ўша пайтда Жазоир миллий озодлик курашчиси Жамила Бухирад номи тилларда дoston бўлган. Уни ўлимга ҳукм қилмоқчилар. Аммо жаҳон жамоатчилиги бу жасур қизнинг ҳимоясига кўзғалган эди. Фафур Фулом ўзбек халқи номидан бу ватанпарварлик жангчисининг ҳимоясига сўз айтган:

*Ўртадаги ош билан  
Кўзимдаги ёш билан  
Онг ичаман Жамила  
Сен ўлмайсан Жамила!*

С.Липкин бу оловли мисраларни бундай таржима қилган:

*Виноградною лозою клянусь  
Отцовской слезою клянусь  
Ты не погибнешь Джамила...*

Таржимон гарчи биринчи мисрани сал ўзгартирган бўлсада, иккинчи мисрадаги дард кучини оширган, шу билан шеърнинг умумий руҳини асл нусхадаги таъсир кучини сақлаган ҳолда ўқувчига етказолган.

Гафур Гулом ўша учроашувда "Йигитларга" шеърини ҳам ўқидилар.

*Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ  
Қалқон бор, қалъа бут, қурғон саломат  
Қизлар кулгусида авжу даромад  
Чоллар уйқусида жаннат фароғат...*

Липкин бу шеърни ҳам ўзининг моҳирона санъат билан қилган таржимасида ўқиб берди.

*Вы сила. Нет в мире силы такой  
Вы мира хребет горделивый  
Вы старых родителей сладкий покой,  
Вы смеха девического переливы...*

Бу шеър 1946 йили ёзилган эди. Уруш тугаб музаффар йигитлар уйга қайтмоқдалар. Аммо қанча—қанча эр болалар урушдан қайтиб келмади.. Фронт орти эса йигитсизлик аламларини тортди. Бутун—бутун қишлоқлар, маҳаллалар, кичик шаҳарлар бутунлай йигитсиз қолган эдилар. Оналаримиз, опаларимиз бундай кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бахтсизликка мардондор чидадилар. Шунинг учун Гафур Гуломнинг йигитларни улуғлаб ёзганлари халқнинг юрак тепишига ҳамоҳанг эди.

*Йигитлар халқларнинг мақтови — кўрки  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,  
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби  
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...*

Москвадаги Шарқшунослик институтида бўлган бу учрашув файзли ва кўркем учрашув бўлди. Унинг ёрқин хотираси ҳамон ёдимизда.

## ИЛМИЙ ДАРАЖА

Ўша вақтлардаги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев (1912—1962) Республикада илмий кадрлар тайёрлов ишига жуда кўп диққат—эътибор қилар эдилар. Айниқса миллий илмий кадрлар тайёрлав бу одам учун фаолиятининг асосий мақсади бўлиб қолган эди.

Ўзбек филологияси бўйича 1959 йили Ўзбекистонда иккитагина фан доктори бўлган (Иzzат Султон, Воҳид

Абдуллаев). Илмий кадрлар тайёрлаш учун илмий кенгаш тузмок зарур. Унинг учун фан докторлари керак. Аспирантлар ва ёш илмий ходимларга илмий раҳбарлик қилмок, учун фан докторлари керак. Диссертациялар ёқловини ўтказмок, учун биринчи ошпонентлар фан доктори бўлмок шарт. Иккита фан доктори бунинг учун етарли эмаску. Вақоланки, катта авлод олимлар орасида шундай билимли, ошури арбоблар борки, уларнинг амалий билимлари фан докторлари даражасидагилардан ошса ошадик кам эмас. Қўшни Тожикистонда ана шундай арбоблардан бири олим ва ёзувчи устод Садриддин Айнийга унинг узоқ йиллик баракали илмий фаолияти учун филология фанлари доктори илмий даражаси берилган эди.

Ана шундай тажрибадан келиб чиқиб ЎзФА президенти Ҳабиб Муҳаммедович менга буюрдиларки, Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгашида икки академик ёзувчи Ойбек ва Фафур Фуломларга узоқ йиллик самарали илмий фаолиятини, унинг ўзбек филологияси ривожини учун салмоқли улмуш бўлганини инобатга олиб ҳар иккаларига филология фанлари доктори илмий даражасини бериш сўралсин.

Биз Тил ва адабиёт институтида бу топшириқ ижросига мамнуният ва кайрат билан киришдик. Ўша вақтдаги тартибга кўра Ўз ФА Тил ва адабиёт институти ўз тақлифини асослаб, лозим ҳужжатларни тайёрлаб Иттифоқ Академиясининг Шарқшунослик институтига юборади. Шарқшунослик институти бу масалани ўз илмий кенгашида муҳокама қилади. Агар илмий кенгаш бу тавсияни қабул қилса, у қарор чиқариб академиклар Ойбек ва Фафур Фуломларга филология фанлари доктори илмий унвони бермокни сўраб, Олий Аттестация Комиссиясига муружаат қилади. Масала Иттифоқ Олий Аттестация Комиссиянинг филология бўйича эксперт комиссиясида кўрилади. Улар ҳам бунга рози бўлсалар. Олий Аттестация Комиссиясининг Президиуми илмий унвон бермок тўғрисида қарор чиқаради. Тошкентда бизга оид ишлар тезда ҳал этилиб ҳамма ҳужжатлар Москвага Иттифоқ Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига жўнатилди. Бир қанча вақт ўтгач, маълум бўлдики, Шарқшунослик институти илмий кенгаши бу масалага салбий муносабат билдирган. Шу билан бу иш тўхтаб қолди.

Ўша муҳтарам илмий кенгаш аъзоларининг академиклар Ойбек ва Фафур Фуломнинг ким эканлиги, уларнинг қандай асарлар яратганликларидан хабардор ёки хабардор этмасликлари

менга аён эмас. Аммо Ойбек ва Ғафур Ғулом ижоди бўйича ўнлаб диссертациялар ёзилгани ва ёқлангани, қанчадан қанча кишилар бу иждоқорлар фаолиятини тадқиқ этиб фан доктори, фан кандидати илмий даражаларини олганлари ва олаётганлари ҳаммага маълум.

Ўзбек филологиясининг суянч устунлари бўлмиш бу икки улуг олим ва ёзувчи тўғрисидаги адолатсиз қарор ўзбек филологиясига беҳурматлик, унинг ривожига амалий тўсқинлик эди.

Менинг бу тўғрида муфассал ёзаётганимнинг сабаби шундаки, ўша вақтларда кўп масалалар шундай ҳал этилар эди. Ҳозирги мустақил Ўзбекистонда давру даврон сураётган авлод буни билиб қўйса зарар қилмайди.

## ҲАЗИЛКАШЛИК

Ғафур Ғулом ҳазилни жуда ёқтирар, қизиқ—қизиқ воқеаларни айтиб бериб ҳамсуҳбатларининг димоғини чоғ қилишга моҳир эдилар. Ҳадеб дамдўз, диққинафас, қавоғи солиқ бўлмоқ кишига ярашмайди, дер эдилар.

Бир суҳбат пайтида Ғафур Ғулом бундай воқеани айтиб бериб ҳаммани кулдирдилар. Бу воқеа ҳақиқатан юз берганими ёки бу домулланинг хаёлот маҳсулими, мен аниқ айтаолмайман.

— Бизнинг кўчада Ҳасан деган киши бўлар эди. Ҳамиша ташвишнок ва ғаму ҳасратли бўлганидан одамлар уни "Ҳасан қайғи" дейишар эди.

Бир куни бу одам уйда эндигина кечки таомга ўлтирган экан, шунда маҳалладаги ҳазилкашлардан бири салом бериб кириб келган ва ҳовлиқиб маҳалладаги "янгилик"ни хабар қилган:

— Ҳасан ака, Ҳасан ака, кўшнингиз фалончи аканинг сигири бир бузоқ туғибди. Бузоқнинг думи йўқ эмиш!

— Вой, бечора фалончи ака, — деб фарёд кўтарибди Ҳасан қайғи, — шўри қуриб қолибдику унинг, энди у бечоранинг ҳоли не кечади.

Ҳасан қайғи дарҳол дастурхонда ичиб ўлтирган суюқ ошини ташлаб ўрнидан турган ва кўшнисиникига қараб югурган экан.

— Ҳасан қайғига ўхшаб бўлар—бўлмасга хуноб бўлаберманглар. Аҳён—аҳёнда шўхлик қилиб, ҳазиллашиб чақчақлашиб турмоқ керак—деб, хулоса қилдилар домудла бу ҳикоядан.

Музайяна Алавийа ўзбек халқ кўшиқларини йиғиш, илмий истифодага киритиш, нашр қилиш соҳасида кўп самарали ишлар

қилган, бу хайрли машғулотта бутун умрини бағишлаган олима ва шоира эдилар. 1960 йили Музайяна опа "Ўзбек халқ кўшиқлари" мавзусида кандидатлик диссертацияси ёқладилар. Шунда илмий кенгаш мажлисида Фафур Фулом муҳокамада сўзда чиққанлар. Фафур Фулом ўз сўзини одатдагидек шоирона ҳазиломез ифодалар билан бошладилар.

— Ёз пайти. Ёшлик йилларим. Тошкентнинг қизиқ, чангли, холий кўчаларида очиқ ёқали яктақда хиргойи қилиб бораман. Боғдеворлари ортидан қизлар кўшиғимга маҳлиё бўлиб аста мўралайдилар. Ушанда ҳам Музайяна мазҳаллама — маҳалла кўшиқ йиғиб юрар эди.

Шундай кириш сўздан кейин академик — шоир бу фольклоршунос олиманинг узоқ йиллар давомида доналаб териб йиққан кўшиқ дурдоналарининг илмий қиммати ва аҳамиятини бирма — бир кўрсатди ва бу илмий ишга юксак баҳо берди.

Илмий кенгаш тўғрисида сўз борар экан, шу билан боғлиқ бир ҳазилкашликни ҳам айтиб ўтайин. 1960 йил. Академик Ойбек домудла оғир нотобликни бошдан кечирган пайтлари. Бу киши узоқ муддат шифохонада ётиб даволандилар. Муҳтарам шифокорлар ва ёзувчининг рафиқаси Зарифа опанинг саъй-ҳаракатлари бекор кетмади. Ойбек домудла шифохонадан салпал тузалиб чиқдилар. Лекин аҳволлари анча ночар эди. Сўзламоққа қийналар эдилар.

Бугун ҳам одатдагидек академик Ойбек домудла илмий кенгаш йиғилишига барвақт келганлар. Залда дўстлари ва ҳамкасалари даврасида ўлтирибдилар. Шу вақт илмий кенгаш ишида қатнашмоқ учун залга Фафур Фулом домудла кириб келдилар. У киши шифохонадан чиққан Ойбекни кўриб хурсандлик билан унга яқинлашдилар. Икки улуг зот бир-бирлари билан самимий кўришишди. Фафур Фуломнинг Ойбекни кўрмоғидан ғоят вақти чоғ бўлгани яққол сезилиб турар эди. Фафур Фулом ана шундай кайфиятда ҳазилкашлик билан Ойбекка дедилар:

— Бормисан, қаерларда йўқ бўлиб кетдинг? Баъзи оғзига кучи етмайдиган одамлар Ойбек ёш хотин олиб боққа олиб чиқиб кетган, деб гап тарқатиб юришибди...

Кулги кўтарилади. Айниқса Ойбек домудла завқ билан кулар эдилар. Аммо жавоб сўзи айтаолмайдилар. Чунки нутқ йўқолган. Ойбек домудла кула — кула аранг:

— О, сен эй, о сен эй... — дер эдилар холос.

Шунда тарихшунос олимлардан бири менга аста деди:

— Бу икки улуғ мухтарам адибларнинг ширин суҳбати, бир-бирига самимий муомаласини қаранг-а. Бундай унитилмас учрашув тарих учун абадийлаштирилмоғи лозим.

Бир йили Озарбайжонда Низомийга бағишланган адабий тадбирларда Ғафур Ғулом иштирок этиб қайтдилар. Шунда Тил ва адабиёт институтида бизга ўз таассуротларини сўзлаб бердилар.

Низомийнинг туғилиб ўсган, яшаган ерлари Ганжа шундай сўлим табиатга эга жойларки, унинг гўзаллигига мафтун бўласан киши. Тоғлар, тоғ дарёлари, яшил ўрмонлар, серфайз боғ ва экинзорлар, кўмкўк далалар ақлингни лол қилади. шундай гўзал диёрда туғилиб ўсган киши шоир бўлмаслиги мумкин эмас.

— Тил тўсиғи бўлмадими?

— Ҳеч. Сен ўзбекчадан озарбайжончага бир қадам қўясан, суҳбатдошинг сен сари бир одам қўяди. Шу билан бир — бирингни тушунаберасан. "Келур" эмас "галир" дейсан: "раҳмат" эмас "соғ ўл" дейсан бўлди.

Сўнг Ғафур Ғулом бир мароқли суҳбат тўғрисида гапирдилар.

Меҳмонлар қай ерга бориб учрашувда қатнашсалар Озарбайжонли бир раҳбар ходим. Ғафур Ғуломни таърифлаб кўп гапирар экан. У ўз сўзини ҳадеб "Шаарқнинг буюк шаъыры Ғафур Ғулом..." деб бошлар экан. Навбатдаги бир учрашувда ҳам шундай бўлибди. Йиғицдан сўнг ғайри — расмий суҳбат асносида ўша ходим яна таъриф сўзини давом этдириб ўша буюкликни такрорлаган. Шунда Ғафур Ғулом раҳбар ходимга дебдилар:

— Бу гаплар ўрнига Шарқнинг буюк шаъырининг бир кичик китобини чиқарсангчи!

Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси пайтида меҳмонлар Ғафур Ғуломнинг ҳовлиларига меҳмонга келдилар. Яхши таомлар тортилди. Қимизлар ичилди, бошқа ичимликлар ҳам бор эди. Ўзбек, қозоқ, рус, тожик ва бошқа миллатта мансуб ёзувчилар, олимлар қизгин дўстона суҳбатга тушиб кетдилар. Шунда бир ўзбек ёзувчиси сал кайфи ошганми, билмадим сўзга тушиб кетди ва шундай гаплар деди:

— Мен жанубий Қозоғистонданман. Ўша ерда туғилиб ўсганман. Ўзбекистоннинг ҳама катта ёзувчи, олимлари ўша ёқлиғ бўлади...

Шунда Ғафур Ғулом сўзлавчининг гапини бўлиб Собит Муқановга дедилар:

— Собит, бунинг гапига парво қилма. Ҳамманинг байрамида шунақа гап қилаберади. (Кулги)

Ҳазиломез айтилган бу танбеҳда қанчалар чуқур маъно ётгани ўқувчига аён бўлса керак. Меҳмонга ёқмоқ учун ҳарқандай гапни гапирабермоқ ҳар иккала томонни ҳам ўнғайсизликка солиб қўймоғи мумкин. Фафур Фулом ҳазилкашлик билан ҳаммани ўша ўнғайсизликдан сақлаб қолдилар.

## ТАРБИЯЧИ

Устоз Фафур Фулом ўзбек халқига эзгулик дарсини ўтайдиган тарбиячилардан бири эдилар. Бу дарслардан барча халқлар фойдалансалар арзийди. У кишининг одоб—ахлоқ тўғрисида ёзган мақолалари, Радио ва ТВда ёки оммавий учрашувлардаги суҳбатларда берган паёғ насихатлари, ўғитлари, доно маслаҳатлари кўпчиликнинг хотирида чуқур ўрнашган.

Бевосита Фафур Фулом даврасига алоқадор бўлганлар эса бу кишининг ҳар бир қилган иши, ўзини тутиши, одамларга муносабати, юз бераётган воқеага нисбатан тутган хатту ҳаракатидан ибрат олар эдилар.

Бир икки бўлган ишларни айтиб берсам.

Ёшлик ва тажрибасизлик ака—уқадир. Чунки ёшлик бор жойда тажрибасизлик бўлади. Тажрибасизлик эса хатони келтириб чиқаради. Мен ўзим буни бошимдан кечирганман.

1954 йили мен 28 ёшда эдим. Ўшанда касаба союзлар соҳасида Республика миқёсидаги раҳбарлик лавозимига сайландим. Ишлашга иштиёқ ва ғайраг зўр. Лекин тажрибам кам. Шу туфайли хизмат соҳасида катта—кичик хатолар содир бўлиб туради.

Бир куни шундай бир хатога йўл қўйганман. Агар сал тажрибам ортиқроқ бўлганда бу хато юз бермаган бўлар эди. Яна тажрибасизлик туфайли кўп ўтмай бу хатомни унитиб ҳам юборганман. Ўшандан кейин ЎзФА Шарқшунослик институтида эканимда йўлақда бир-иккита одам билан гаплашиб турган Фафур Фулом домуллани кўриб қолдим. Уларга яқинлашгач дарҳол салом бериб тўхтадим. Улар саломга алик қайтаришгач, Фафур домулла тезда ҳамсуҳбатлари билан хайрлашдилару менга яқинлашдилар. Йўлақда фақат иккимиз. Шунда домулла менга жиддий равишда танбеҳ сўзлари айтабошладилар. Сўз мен қўйган хатога доир эди. Домулла батамом ҳақ эдилар. Шунинг учун мен индамай тинглаб турибман. Аммо танбеҳ жиддий эди. Менинг ўзимни оқлашим учун ҳеч асосим йўқ. Фақат бундан буюн бунақа хатолардан сақланмоқ даркор.

Танбеҳни эшитиб бўлгач, тахминан бундай маънода жавоб қилганман. Мен ўша юз бергани учун таассуф қиламан. Фафур домуллага эса берган дашиномлари учун миннатдорман. Чунки шундай улуғ одамдан дашином эшитмоқ ҳар кимга ҳам насиб бўлабермайди. Фафур Фулом суҳбатига эришмоқ, ундан танбеҳомез бўлсада ўғитлар мингламоққа муяссар бўлганимдан беҳад мамнунмен.

Бу сўзларни мен чин юрагимдан айтганман. Ҳозир ҳам қалбим тўридаги шундай ҳис — туйғуларимни самимийят билан ёзмоқдаман.

Фафур Фулом домулла бу сўзларимга жавоб қилмадилар, мен билан хайрлашиб индамай кетдилар.

Орадан бир икки кун ўтди. Бир куни мен ўша шарқшунослик институтида ишлаб ўлтирганимда ҳузуримга Талъат Неъматов кириб келди. Бу йигит Шарқ факультетини биздан кейинроқ битириб чиққан ва Шарқшунослик институтида ишлар эди (ҳозир марҳум). Биз бир — биримизни студентлик вақтидан яхши билар, ўртамизда самимий ўртоқлик бор. Талъатнинг отаси Фафур Фулом билан яқин дўст бўлган.

— Азизхон ака, — деди Талъат — Фафур ака сизга бир гап айтиб юбордилар. Шунини сизга етказмоғим керак.

— Домулла нима дедилар — деб қизиқиб сўрадим.

— Азизга бориб айт, кечаги танбеҳ сўзларимни кўнглига яқин олмасин. Мен қаттиқроқ гапириб юбордим шекилли, дедилар.

Бу мен учун кутилмаган гап бўлди.

— Раҳмат сизга. Мен учун жуда ёқимли гап келтирдингиз. Домуллага айтинг мен у кишидан гоят миннатдормен. Бу айтиб юборган гаплари эса мен учун катта давлат ва сабақдир — дедим унга.

Мен Фафур Фулом шахсиятининг улуғлигига яна бир бор тан бердим. Биринчидан ўз танбеҳида у киши ҳақ эдилар. Иккинчидан танбеҳ шаклининг одатдагидан кўра қаттиқроқ деб билиб яна ўз узларини ҳам йўллаганлар.

XX аср, 50 — йил ўрталари. Фафур Фулом Тошкентдан Қўқонга ўз автомашиналарида йўлга тушганлар. Тоғдан ошиб ўтиб Фарғона водийсига тушганларидан сўнг Сирдарё ёқасига етиб келиб Пунгонда тўхтаб қолганлар. Чунки у вақтда Сирдарё устидан кўприк қурилмаган эди. Дарёнинг икки қирғоғини паром боғларди. Паром бу қирғоқдан нариги қирғоққа кетган экан. Энди бир-бир ярим соат кутмоққа тўғри келади. Фафур Фулом ҳайрон бўлиб шунча вақтни қандай ўтказмоқни ўйлаб турганлар.



Шу пайт бир йигит келиб Фафур Фуломга салом берган сўнг деган:

— Фафур ака, шу ерда яқингида жойда чойхонада ош қилган эдик. Ҳозир дамтовоқ кўтариламоқда. Озгина фурсат биз билан бирга бўлсангиз, ошдан тановул қилиб суҳбат курсак.

Фафур Фулом рози бўлганлар. Улар икковлари ўша ерга жам бўлган бир гуруҳ йигитлар ёнига келишган. Бу жамоа ҳурматли шоирни эъзозлаб кутган. Тотли таом устида ширин суҳбат бўлган. Кўнгилахушлик билан вақт ўтқозишган. Бу орада паром ҳам нариги қирғоқдан қайтиб келган. Ўша жамоа Фафур Фуломни иззат — ҳурмат билан паромга ўтқазиб кузатиб қўйганлар.

Фафур домулла бу воқеани бизга айтиб бергач, бундай хулоса қилдилар:

— Одамлар ҳар кимга ҳам ўз ошини егизабармайди. Фақат ўзлари ҳурмат қилган одамнигина ошига таклиф қиладилар. Бу ҳурматни қадрламоқ керак. Таклифни миннатдорлик билан қабул қилиб уларнинг кўнглини чоғ этмоқ даркор. Бундай ҳурмат ҳар кимга ҳам насиб бўлабармайди.

Меҳмондорчилик одоби тўғрисида.

Москвада ўзбек адабиёти ва санъати кунлари якунлангач (1959) бу ерда катта расмий қабул маросими ўтқазилди. Қабул маросими тантанали ва мазмундор бўлди. Барча меҳмонларга табрик сўзлари айтилди, уларга миннатдорлик изҳор этилди. Барча қатнашчилар мамнуният билан тарқалдилар. Шунда мен эшитдимки, Фафур Фулом домулла ўша кеча тунги рейс билан Москвадан Тошкентга қайтар эканлар. Мен ҳайрон бўлдим. Кун бўйи турли юмушлар билан банд бўлган, кечкурунги концертдан сўнг қабул маросимида қатнашган киши тунда меҳмонхонада дам олиб сўнг хотиржам эртасига кундузги рейслардан бирида Тошкентга қайтсалар бўлмасмиди? Масалан биз шундай қилмоқчи эдик. Фафур домулланинг тунги авиарейс билан Тошкентга дарҳол қайтганларининг сабабини мен эртаси кун эрталабоқ фаҳмладим.

Эртаги кун тонг ёришиб кун ёйилгач, биз ёш одамлар меҳмонхонада нонуштага чиқдик. Меҳмонхона навбатчиси одатда бизга жуда диққат — эътиборли ва хушмуомила опа саломатлашгач, сўради:

— Хонани қачон бўшатмоқчисизлар?

— Биз кечки авиарейсда учамиз. Шунинг учун кечга томон бўшатамиз.

— Сизларга бугун кундуз соат 12 га қадар бронь қилинган.

— Биз қолган ҳақини тўламоққа тайёрмиз.

— Гап унда эмас. Соат 12 дан сўнг бошқа тадбир қатнашчилари учун бу хоналар бронь қилинган. Уша меҳмонлар келиб жойлашмоқлари керак. Нонуштадан сўнг вестибюльга чиқдик. Кечагина биз меҳмонлар диққат марказида эдик. Бутун эса ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ. Ҳамма одам ўз иши билан банд. Чунки тадбир тутаган. Энди шаҳар янги тадбир тадорикиди. Шунинг учун кечаги азиз меҳмонлар бутун меҳмонхонадаги оддий қўноқларга айланганлар. Ҳатто тезроқ жўнамоғи керак бўлаётган қўноқларга.

Худди шундай воқеага 1959 йил кузида ҳам шоҳид бўлганман. Ушанда Хоразмда машҳур шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий туғилганига 150 йил тўлиши нишонланган эди. Тадбирлар ўтказилгач, эртаси кун эрталаб маълум бўлдики, бир қисм меҳмонлар эрталабки авиарейсда, бир қисми эса кундузги соат 16 дақиқа рейсда Урганчдан Тошкентга қайтишар экан. Вақт эрта. Баъзи бировлар ҳатто уйқудан турган ҳам эмаслар. ЎзФА президенти Ҳабиб Муҳаммедович менга дедилар:

— Кириб Фафур акадан сўрагин, у киши қайси рейсда кетар эканлар, ҳозир эрталабки рейсдами ёки кундузгидами?

Мен югуриб иккинчи қаватга чиқдим. Фафур Фулом турган хонага келдим. Хона эшиги ланг очик. Эшикни тақиллатсам жавоб бўлмади. Секин ичкарига кирсам домудла ҳали уйқудан турганларича йўқ экан. Уйғотиб салом бердим. Домудла дарҳол кўзларини очдилар ва сўрадилар:

— Нима гап?

— Ҳабиб Муҳаммедович сўрадиларки, сиз қайси рейсда қайтасиз, эрталабкидами ёки кундузгидами?

— Ҳозир кимлар кетмоқда?

— Ҳабиб Муҳаммедович, Қори Ниёзий, Ҳадича Сулаймонова, Воҳид Зоҳидов... — мен ҳозирги рейс билан Тошкентга қайтувчи катта меҳмонларни санаб кетдим.

Фафур домудла сакраб ўринларидан турдилар, дарҳол ювиниб чиқдилару кийиниб мен билан бирга пастга тушдилар.

Ҳаммамиз аэропортга жўнадик. Катта меҳмонларни Хоразм области бошлиқлари у ерда кутиб турган эканлар. Ҳаммаларини иззат — ҳурмат билан самолётга ўлтирғизиб кузатиб қўйилди.

Биз қолган меҳмонлар қайтиб боққа келдик. Қолганлар ёш нарий ходимлар эди. Энди соат 16 гача нима биландир банд бўлмоғимиз керак. Бизга боғланган область ходимларининг ҳам ўз ишлари етарли...

Шунда мен Фафур Фулом домулланинг нега ошиқиб тайёрланганлари ва эрталабки рейс биланоқ Тошкентга қайтмоққа ҳарор қилганларининг сабабини тушундим. Бу одамнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракети, қилган иши ёш авлод учун ҳаёт сабақи эди. Шундайлардан яна бир майда мисол келтирайин.

Тил ва адабиёт институтининг директори ишлайдиган кабинет унча катта бўлмаган бир хонадан иборат. Унинг қабулхонасида икки—уч шкаф турар икки кутубхоначи ҳам қабулхона секретари билан бирга шу ерда ўлтириб ишлар эдилар. Ваҳоланки, қабулхона ўзи тор. Қисқаси қабулхона ҳам, кабинет ҳам унчалик кўримли эмас. Мебель ҳам анча уринган. Директорнинг столи ҳам шулар қатори.

Мен ҳар куни шу ерда ишлайман. Жиҳозлар билан унча ишим йўқ. Бир куни Фафур домулла кабинетга кириб келдилар. Саломлашдик. Баъзи хизматта оид гаплар бошланди. Суҳбат асносида Фафур Фулом чўнтакларидан бир қаламтарош чиқариб уни очдилар. Сўнг менинг столим устидаги қаламдондан бир учи синиқ қаламни олиб уни қаламтарошнинг ўткир тиги билан йўнабошладилар. Тезда тўмтоқ қалам найзаддек нозик ва ўткир, учи чиққан чиройли ёзув қуролига айланди. Бу тарошланган қаламни ўрнига қайтариб қўйиб, яна бир бошқа учи синиқ қаламни олдилар, уни ҳам шундай чиройли қилиб йўндиларда, қаламдонга қайтариб солиб қўйдилар. Суҳбат тутагач, Фафур Фулом домулла мен билан хайрлашиб хонадан чиқдилар. У киши ўзлари қилган иш тўғрисида бир сўз деганлари йўқ. Аммо мен англадимки, у киши менга сабоқ бердилар. Стол устида учи синган, тўмтоқ, йўнилмаган қалам бўлмаслиги керак. Қалам ҳамиша ишлатишга тайёр ҳолда ёзув асбоби тарзида турмоғи лозим. Яна ёзувчининг кўзига ўшандай қаровсиз ётган қалам хунук кўринган, уни тартибда сақламоқ даркор.

Шу—шу ҳеч қачон ҳеч қачон столимдаги қаламларни тўмтоқ, тарошланмаган ҳолда ётишига йўл қўймай, дейман. Устознинг унутилмас сабоғи ҳамон кўз ўнгимда.

## МАРҲАМАТ

XX аср ўрталарида Ўзбекистоннинг энг шуҳратли шоирларидан бири Чустий эди. Асли Фарғона водийсининг гўзал гўшаларидан Чуст туманида туғилиб ўсган Набихон Чустий Қўқонда таълим олди ва хизматда бўлди. 1939 йили Катта Фарғона канали қурилишида ижодий хизматда бўлган шоир Чустий ўзининг жонбахш ва ўйноқи шеърлари билан шуҳрат

топди. Унинг ёзган газал ва мураббаълари, мухаммас ва маснавийлари халқ оғзига тушиб кетган, уларни халқ севиб қўшиқ қилиб куйлар эди.

Уруш йиллари Чустийнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари нафақат фронт ортида, балки, уруш майдонларида фашизмга қарши жанг қилаётган ўзбек аскарлари ўртасида, рабочий батальонлардаги курашчилар ўртасида ҳам кенг ёйилган эди. Уруш вақтида ва урушдан кейинги йилларда Чустий Тошкентда санъат ва адабиёт соҳасида хизматда бўлди.

Қирқинчи йилларнинг охирида Чустий таназзулга учради. "Аш – шуҳрату офатун" (Шуҳрат офат келтиради) деган гап бор. Қилган ёки қилмаган айблари сабаб бўлиб, Чустийни ёзувчилар союзи аъзолигидан чиқардилар. Унинг шеърлари матбуотда кўринмай қолди, радиога ҳам Чустий ёзган ашулалар эшитилмайди. Борингки, юқорига кўтаришмоқдан кейин ундан тушиш ҳам бўлар экан.

Орадан йиллар ўтди. Мамлакатда янги авлод етишаборди. Чустий шеърлари, ашулаларидан уларнинг эл ўртасидаги шуҳратидан беҳабар авлод майдонга чиқабошлади. Чустий номи нутилаборди.

1958 йили Тошкентнинг Эски Жува майдонида мен тасодифан Чустий билан учрашиб қолдим. Шоирнинг ранги сўлгин, кайфияти ноҳуш, руҳи синиқ эди.

Мен Кўқонда мактаб ўқувчиси экан пайтимдаёқ унинг шуҳратли шоир эканини билар эдим. 1944 йилда Тошкентга Университетда ўқишга келгандан сўнг шахсан танишган ва кўп суҳбатида бўлганман. Ушандан бери Чустий билан яхши таниш эдим.

Шоир Чустий билан илиқ саломлашдик. Нарини – бери мулозиматли гаплар айтилди. Сўнгра Чустий гинахонлик билан менга деди:

– Сизлар иш бошига келганда менинг шундай овора бўлиб тентираб юришим тўғри келадими?

Бирор хизмат жойим йўқ. Ҳар хил тасодифий жамоалар, гуруҳлар ичида юраман. Хайрият, илтифотли одамлар бор. Тирикчилик ўтиб турибди. Аммо тоқайгача шундай бўлади...

Менга бу гаплар оғир таассурот қолдирди. Эртаси куни институтдалигимда Ғафур Ғулом келдилар. Одатдагидек у киши билан хизматга оид баъзи гапларни гаплашдик. Шунда мен домуллага кеча кўчада шоир Чустийни кўрганимни айтдим. Шоирнинг тушқунлик ва маъюслиқда экани, унга бирор ёрдам кўрсатишни сўраганини сўзлаб бердим.

Бу ҳикоя Фафур Фуломга ҳам қаттиқ таъсир қилди.

— Ахир у ҳам ўзбекнинг бир шоири. Шунақа юриши тўғри келмайди. Келтир уни бу ерга. Институтда ишласин. Қўлидан иш келади. Эл қатори хизматда бўлади. Илму фанга нафъи тегади — дедилар домудла.

Шу билан шоир Набихон Чустий Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адибёт институтига илмий ишга қабул қилинди. Адабиётнинг моҳир билимдони, ўзбек ва тожик тилларини мукамал билган, бу тилларда шеърлар ёзувчи шоир Чустий институтда ўз ўрнини топди. У Навоий асарлари учун тўрт жилдан иборат изоҳли луғатни тузишда иштирок этди. Ёш илмий ходимларга араб ёзувидаги манбаълар устида ишлашга ёрдамлашди. Хуллас институт илмий фаолиятини амалга оширишда фаол қатнашди. Чустий то пенсияга чиққунга қадар шу институтда ишлади. Илмий ходимларнинг ҳурматини қозонди. Институтда ишлай бошлагандан кейин нашриётларнинг Чустийга муносабати ҳам яхши томонга ўзгарди. Чустий форс тилидаги мумтоз адабиётта оид асарларнинг ўзбек тилига шеърӣ таржимасида қатнашди. Бу таржималар бирин — кетин нашр қилинаборди. Чустий шеърлари матбуотда ҳам кўриниб қолди. Кейинчалик эса катта шеър тўпламлари босилиб чиқди.

Мен Чустийнинг Ўзбекистон илми ва адабиёти соҳасида ўз ўрнининг тикланиши академик Фафур Фуломнинг марҳамати туфайли деб биламан. Чунки Чустийга ҳасад ва гайрилик билан қараган кишилар ҳали ҳам бор эди. Аммо улар Чустийнинг Тил ва адабиёт институтига илмий ишга тақлиф қилинишида Фафур Фуломнинг иштироки бор эканлигини билгандан сўнг жимиб қолишга мажбур бўлган эдилар.

Фафур Фулом марҳаматли киши эдилар. Бу одам кишининг табиатини, фикр дунёсини яхши тушунар, ўзининг марҳаматига муносиб одамларни аниқлай олар ва шунга яраша муносабатда бўлар эди.

Академик Фафур Фулом бир куни менга дедиларки, у кишига бир лаборант — ёрдамчи керак. У одам араб, форс тилларидан хабардор бўлсин, қўлёзма, тошбосма китобларни эркин ўқий олсин. Адабиёт тарихини ҳам биладиган бўлсин.

Институтда шундай бир ёши каттароқ киши бор эди. У оқ юзли, узун соқол қўйган, кийимбоши ҳам ўзгалардан фарқли. У ўша айтилган талабларга ҳам жавоб бераоларди. Мен Фафур Фулом домудлага шу номзодни тавсия этганимда у киши рози бўлдилар. Катта илмий ходим ва лаборант ишга киришиб кетишди.

Орадан бир икки ой ўтди. Бир куни лаборант менга келиб ҳасрат қилакетди.

— Мени бу ишдан халос қилинг. Домулла мени урушиб ташладилар. Менга жавоб бердилар.

— Нега бундай бўлди?

— Аниқ сабабини билмайман. Лекин менга бошқа иш берар экансиз.

— Хўб. Хотиржам бўлинг. Албатта нима лозим бўлса қиламиз. Лекин шунга ёдда тутингки, — дедим мен у кишига — буюк бир бахтли имкониятдан маҳрум бўлибсиз. Фафур Фуломдек одам билан бирга ишламоқ, унинг суҳбати ва ҳамкорлигига эришмоқ ҳар кимга ҳам насиб бўлабермайди. Сиз шундай омадга мушарраф бўлган эканингизни англаб етолмаган кўринасиз. Шу айтганларимни хотирдан чиқарманг.

Мен у киши билан хайрлашдим. Кўп ўтмай бу одам бошқа илмий идорага ишга ўтказилди. Бу ўтказиш ўша ходимнинг розилиги ва ўша идоранинг илтимосига кўра амалга оширилди. Демак ҳеч бир бу кишига малол келадиган иш бўлгани йўқ.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Фафур домулла бир куни менга ўзларининг "лаборант" билан чиқиша олмаганларининг сабабини айтиб бердилар.

— Мен уни илгаридан танир эдим, — дедилар Фафур Фулом — у ижтимоий ишларда фаол қатнашар, ёшлар ташкилотининг бошлиғи эди. Энди узун соқол қўйиб руҳонийнамо бўлиб олибди. У ҳам майли-я, фикр қилиши тамоман ўзгариб кетган. Ҳар гапида таассуб ва бидъат анқийди. Кишининг нафасини бўғадиган гаплар чиқади оғзидан. Мунақа маҳдуд, тор фикр кимса билан кўришмоққа ҳам тоқатим қолмади.

Фафур Фуломнинг назаридан қолган кишининг таназзулга мубтало бўлмоғи ҳеч гап эмас эди. Аммо бу одам барибир ўз жойини топиб тиниб тинчиб кетди. Бу ҳам Фафур Фуломнинг бағри кенг, марҳаматли инсон экани туйфайлидир.

*Ким эса осийю гунаҳкарроқ,  
Лутф ила раҳматга сазоворроқ.*

(Алишер Навоий)

## “ҒАФУР ОМОНМИ?”

1949 йили мен Москвада тинчлик тарафдорларининг 1 конференциясида делегат сифатида қатнашдим. Мирзачўллик машҳур пахтакорлардан Меҳринисо Тўйчиева, Ўзбекистон ёшлар ташкилоти бошлиқларидан Шафоат Зияевна Саломова ва мен Ўрта Осиё Давлат Университетининг студенти учовимиз Ўзбекистон антифашист ёшлар ташкилотининг вакиллари сифатида Ўзбекистон делегациясига аъзо эдик.

Биз Москвага учиб келиб “Москва” меҳмонхонасига жойлашдик. Конференцияга мамлакатнинг энг атоқли кишилари келганлар. Ҳар қадамда қанча улуғ зотларни учратасан киши.

Эртасига эрталаб мен меҳмонхонага вестибюлидан зинада кўтарилмоқда эдим, рўбаруда юқоридан тушиб келаётган машҳур озарбайжон шоири Самад Вурғунни кўриб қолдим.

Мен Самад Вурғуннинг шеърлари, драмаларини ўқиганман. Унинг Низомий Ганжавий достовларини форс тилидан Озарбайжон тилига қилган таржималари билан танишман. Умуман бу улуғ шоирнинг ижодидан ҳама қатори огоҳмен. Аммо унинг ўзини биринчи бор кўришим. У кишига яқинлашгач, дарҳол салом бердим. Самад Вурғун тўхтаб саломимга алик қайтардилар. Мен у кишига ўзимни танитдим ва Тошкентдан келганимни айтдим. Балаңд бўйли, тўла жуссали шоир улуғворлик билан деди:

— Тошкентданмисан? Ғафур омонми?

— Раҳмат, омонлар.

— Соғ ўл! — дедилар, Самад Вурғун ва мен билан хайрлашиб пастга тушиб кетдилар.

Бу менинг буюк Озарбайжон шоири Самад Вурғун билан биринчи ва охириги кўришувим эди. Бу учрашув ва қисқа диалог хотирамда қаттиқ ўрнашган. Шоирнинг очиқ чеҳра, ёқимли табассум билан қилган илиқ муомаласи менда катта таассурот қолдирди. Яна у киши мендан улуғ шоиримизнинг соғ-саломатлиги, омонми эканликларини сўрадилар. У вақтларда Ғафур Фулом қай ерда эдию биз қай ерда эдик. Мен бир ёш студент эдим. Ғафур Фуломдек одамни узоқдан бир кўрмоқ насиб қилса бу биз учун катта давлат бўларди.

Аммо улуғлар улуғларни биладилар. Самад Вурғуннинг мендан Ғафур Фулом тўғрисида сўраганлари шоир тафаккурининг нақадар теранлигини билдиради. Бу шоир учун Ғафур Фулом ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг, Тошкентнинг тимсоли бўлган. У ҳар бир ўзбекда, Ўзбекистонликда Ғафур Фуломнинг гўзал шеърляти, чуқур тафаккурининг таъсири,

инъикосини кўрган. Яна Самад Вурғун берган саволи икки улуг зот — Озарбайжон шоири Самад Вурғун ва Ўзбек шоири Ғафур Ғулум ўртасидаги дўстлик, қадрдон ва буродарликнинг бир кўриниши эди. Мен бу саволни шундай тушинаман.

Орадан анча йиллар ўтди. Ёшимиз улғайиб озми — кўпми ҳаёт тажрибамиз ортди. Кўп одамлар билан учрашдик. Сал — пал оқ — қорани танигандай бўлдик. Ана энди ўша бир неча дақиқали кичик суҳбатнинг мағзини чиқамиз, қадрига етамиз.

XX асрнинг охири. Олмаота шаҳридан Тошкентга поездда қайтмоқдаман. Вагонлар сафи поёнсиз Қозоғистон ерида жадал чопади. Вагон деразасидан эсаётган шаббода сочларни, юзларни сийпалаб, атрофга соф ҳаво келтириб яна ўйноқлаб қочади. Баъзи йўловчилар дам олмоқдалар.

Мен портфелимдан “Қозоқ адабиёти” газетасини олиб секин varaқлайман. Газетанинг иккинчи саҳифаси бошидан охиригача машҳур қозоқ ёзувчиси марҳум Собит Муқанов тўғрисидаги хотиралар билан тўла. Унинг муаллифи Собит Муқановнинг рафиқаси, Марьямхон Муқанова. Шу хотираларни бир бошдан ўқийбошладим. Мақола муаллифи ўз турмуш йўлдошининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қизиқ — қизиқ лавҳаларни келтирган. Шулардан бири бундайдир.

Тун. Анча вақт ўтган. Борлиқ атроф қоранғулиғ ва тинлик билан чулғонган. Кўп оилалар бундай пайтда ширин уйқига чўмадилар. Бирдан тунги сокинликни бузиб ёзувчининг квартирасида телефон қаттиқ ва узоқ жиринглайди. Бу нима? Тинчликми? Шундай кеч фурсатда ким телефон қоқмоғи мумкин? Ёзувчининг рафиқаси уйғониб кетиб шундай ташвишли хаёлларга ботади. Собит Муқанов ҳам алақачон уйғонган. У аста телефон трубкасини олиб қулоғига тутади. Бирдан унинг чеҳраси ёришиб кетади. Юзини қувончли кулги эгаллайди. У шодлик билан телефон орқали айтилаётган сўзларни тинглайди. Сўнг мамнуният билан жавоб қилабошлайди.

Трубкадан Тошкентдан Олмаотага телефон қилаётган Ғафур Ғулумнинг қувноқ овози келар эди.

— Собит, салом алайкум, омон бормисан, соғ ва саломатмисизлар? Ҳеч қандай фавқулодда ишлар, гапларим йўқ. Фақат сени кўп соғиндим. Овозингни эшитай, дўстимнинг суҳбатидан ором топай деб телефон қилмоқдаман. Бемаҳал бўлгани учун кечиргин...

Улуг қозоқ шоири билан ўзбек шоири ўртасида ана шундай самимий буродарона дўстлик бўлган эди.



Поезда кетатуриб бу мақолани ўқир эканман, ўзоқ йиллар бурун Москва шаҳрида "Москва" меҳмонхонасида улуғ Озарбайжон шоири Самад Вурғунни кўрганим ва унинг саволи эсимга тушди:

— Фафур омонми?

1953 йили Ўзбекистонда халқнинг севиқли шоири Фафур Фуломнинг 50 ёшга тўлгани кенг нишонланди. Ўшанда Ўзбекистон Фанлар Академиясида Фафур Фуломнинг ижодий йўлига бағишланган илмий сессия бўлди. Кўп олимлар сўзга чиқиб шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида мазмундор докладлар қилдилар. Мен ҳам шунда Фафур Фулом шеъриятида ёшлар мавзуси деган сарлавҳали бир ахборот тайёрлаган эдим. Аммо уни ўқиш ёки нашр этиш муяссар бўлмади. Мен у вақтда Ўз ФА Шарқшунослик институтидаги ҳали илмий даражага эга бўлмаган ёш илмий ходимлардан бири эдим. Бу мақолани ёзишимга сабаб дастлаб Фафур Фулом ижодига муҳаббатим бўлган. Иккинчидан эса гарчи бизнинг ихтисосимиз эски қўлёзма китобларни ўрганиш бўлсада, ҳозирги адабий жараёндан ҳам оз—моз хабаримиз бор эканини билдирмоқ эди. Чунки ўша вақтларда бизни ҳаётдан узилишда айбловчи кимсалар бор эди. Улар бир оддий ҳақиқатни тушунмас эдиларки, ҳар бир онгли киши учун ўз халқининг маънавий ҳаёти унинг кўнглига яқин бўлади. Демак бирор онгли, маърифатли одам ўз халқи ҳаётидан узилмоғи мумкин эмас.

1953 йилда Фафур Фуломнинг 50 йиллигига бағишланган сессия олдидан муҳтарам адабиётшунос олим Ҳомил Исломович Ёқубов "Фафур Фулом" номли китобларини нашр этган эдилар. У вақтларда ҳали адабиёт тарихи ва дарсликлари яратилмаган; ўзбек адабиёти бўйича катта асарлар кам вужудга келган эди.

Илмий сессия тугаб, унинг қатнашчилари тарқалишпаётган пайт. Шунда ўша вақтдаги Ўз ФА президенти Теша Зоҳидович Зоҳидов олим Ҳомил Ёқубов ҳузурига келиб, ҳамманинг олдига Ҳомил Исломовични қучоқлаб, ўпиб дедилар:

— Фафур Фулом ҳақидаги китобингиз учун раҳмат. Шундай китобларни кўпроқ ёзингиз. Адабиётшунослигимизни биламиз даражага кўтарайлик.

Мен ўшанда бир ёш илмий ходим шу воқеанинг шоҳиди бўлганман. Ихтисос бўйича зоолог, биология фанлари докторининг Фафур Фулом ижодига шунчалар муҳлис экани, адабиётшунослик ривожига жонқуярлик билан ёндошувига тан берганман.

1963 йили Ўзбекистон жамоатчилиги Фафур Гулом таваллудининг 60 йиллигини байрам қилди. Кўп тадбирлар қатори Тошкентда Навоий номли опера ва балет театрида Фафур Гуломга бағишланган тантанали адабий кеча уюштирилди.

Мен у вақтда Марказий идорада хизмат қилар эдим. Канадалик улкан жамоат арбобларидан бири ўша вақтда Ўзбекистонда меҳмон бўлган. Мен у меҳмонни кузатиб олиб юрар эдим. Фафур Гуломнинг юбилей кечасига ўша меҳмон ҳам таклиф этилган.

Ўша йиллардаги Ўзбекистоннинг бош раҳбари Шароф Рашидович Рашидов менга дедилар:

— Меҳмондан сўрангчи, Фафур Гуломнинг юбилей кечасида сўзга чиқармикинлар?

Мен меҳмондан сўрасам, у киши мамнуният билан сўзга чиқажагини айтди.

Тошкентдаги Навоий номли театрда юбилей кечасида шу меҳмон сўзга чиқиб академик — ёзувчи Фафур Гуломни шарафли сана билан табриклади. Сўнгра қуйидаги фикрни билдирди. Фафур Гулом фақат Ўзбекистонда эмас, балки Канадада ҳам маълум ва машҳурдир. Унинг фашизмга қарши ёзган оташин шеърлари Канада илғор фикрли жамоатчилиги томонидан яхши қарши олинган. Канадалик мухлислари улуғ шоирга узоқ умр ва янги улкан ижодий ютуқлар тилайдилар.

Фафур Гулом ўз халқини жону дилдан севар, унинг бахту саодатини тилар, шу элнинг бахти учун ўзининг бутун кучи, билими, истеъдоди, ижодий меҳнатини бағишлаган эди. Шунинг учун ҳам халқ ўз севиқли шоири, улуғ фарзандини ҳамиша ардоқлади. Фафур Гуломнинг номи XX аср ўзбек шеърятининг ёрқин тимсоли бўлиб қолди.

Шоир Фафур Гулом "менинг халқимга бўлган муҳаббатим халқимнинг менга муҳаббати бўлиб қайтди" деганида мутлақ ҳақ бўлган.

Ўз халқини севган инсон бошқа халқларга ҳам меҳр ва севги билан ёндошади, у соф инсонпарвар бўлади. Фафур Гуломнинг ҳаёти ва ижоди барчани ана шундай олийжаноб йўлга чорлайди.

Фафур Гулом бадий ижод билан илмий ижодни биргаликда амалга ошираолган нодир зотлардан бири эди. Унинг ўзбек адабиётшунослиги ривожига қўшган улуши улкандир.

Истаймизки, XXI аср авлоди бу улуғ ватандошимизнинг хотирасини азиз тутсин. Ундан ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик таълимини олсин. Ёш ижодкорлар эса ўзбек

адабиётини, адабиётшунослигини Фафур Фуломона асарлар билан муттасил бойита берсин.

## "ҚАЙСИ ИНСТИТУТНИНГ ФАФУР ФУЛОМИ БОР?!"

Академик — ёзувчи Фафур Фулом Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти билан бир умр илмий — ижодий ҳамкорлик қилганлари келтирилган давҳаларда ҳам аниқ кўриниб турибди.

Фафур Фулом институтни, унинг ходимларини севар, уларга ҳамиша илмий ёрдам кўрсатар, уларнинг доимий, беминнат маслаҳатчиси эдилар. У киши муҳаббат билан "Институтим" дер эдилар. Институт ходимлари ҳам фахр билан "Қайси институтнинг Фафур Фуломи бор?" дейишарди.

Шу билан бирга институт фаолиятида бирор нуқсонни сезсалар дарҳол уни тузатмоққа чақирар, бундай нуқсонлардан сақланмоққа йўл йўриқлар кўрсатал эдилар.

Бир куни менинг иш хонамда телефон жи ринглади. Мен трубкани кўтариб дарҳол дедим:

— Салом алайкум. Мен Қаюмовман.

— Салом, Фафур акангман — деди устознинг таниш овози.

— Марҳамат қилинг, домудла, эшигтаман.

— Бу "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг материалларини кўздан кечирасанми?

Мен бу журнал муҳаррирининг ўринбосари эдим. Масъуд муҳаррир эса академик — ёзувчи Ойбек домудла эдилар.

— Албатта.

— Ундай бўлса, нега баъзи чалама — чакки фикрли мақолалар ўтиб кетган?

— Ундай этмасдир — эй.

— Худди шундай. Мана қулоқ сол.

Шундан сўнг устоз журналда босилган бир мақоладан парчалар ўқидилар.

— Эшитдингми? Ахир шеърнинг маъносини тушунмасдан уни тескари талқин қилингани кўраниб турибдику. Наҳотки шуларни ўтказиб юборсангизлар.

Ҳақиқатан ўқилган парчада пойма — пой гаплар ёзилган, келтирилган мисралардаги фикрлар чалқаш таҳлил этилган эди.

Кейин суриштириб йўл қўйилган хатонинг сабабларини аниқладик. Аммо хато юз берган. Журнал босилиб чиқиб тарқалиб кетган. Уни тузатмоқнинг иложи йўқ. Энг муҳими бундай хатони такрорламаслик керак.

Устознинг ана шундай ўринли, шовқин — суронсиз аммо жиддий танбеҳлари бизни турли ҳагалардан сақланмоққа ундар эди.

1959 йили Самарқандда Университетда машҳур ўзбек дostonчиси шоир Эргаш Жуманбулбул ўғлининг туғилганига 90 йил тўлганини нишонлади. Университет ва Тил — адабиёт институтининг бу санага бағишланган қўшма илмий сессияси бўлди. Сессия ишида Ҳоди Зариф, Виктор Максимович Жирмунский, Юсуф Султон, Воҳид Абдуллаев, Рауф Раҳимович Муқимов ва бошқа кўп таниқли олимлар иштирок этмоқдалар. Мазмундор докладлар тингланмоқда. Мажлис раиси академик — ёзувчи Фафур Фулом.

Мажлис асносида бир одам сўзга чиқмоққа хоҳиш билдирди. Маҳаллий кишилардан яна бирор киши сўзга чиқса ёмон бўлмас деб ўйлаб мен рози бўлдим. Буни мажлис раисига билдирдим. Йиғилиш охирига яқинлашмоқда

Бир оз фурсатдан сўнг фольклоршунос мутахассислардан бири менга бир хат ёзиб узатди. Ўқиб кўрсам у хатда сўз сўраган одамнинг ҳунари бозорда далоллик экани, у одамнинг шаҳарда ҳеч қандай обрў — эътибори йўқлиги, агар шундай муътабар йиғиннинг минбари унга берилгудай бўлса, кейинчалик бундан суъи истеъмол қилиб тадбирга доғ туширмоғи мумкинлиги ёзилган эди. Мен сўз сўраган кишини танимас эдим. Хатни ёзган ходимимиз эса институтдаги ҳурматли, ҳақгўй ва холис киши экани ҳаммамизга маълум. Шунда мен бемаслаҳат иш қилиб қўйганимни фаҳмладим. Хатни мажлисга раислик қилаётган Фафур Фулом домулага узатдим. Устоз хатни ўқигач, менинг хижолат ва ҳаяжонда қолганимни дарров сездилар ва дедилар:

— Хавотир бўлма. Ҳаммасини ўзим тўғрилайман.

Навбатдаги доклад тутади. Кун тартиби ҳам охирига етган эди. Мажлис раиси академик Фафур Фулом докладчига миннатдорчилик изҳор этдилар. Сўнгга йиғилиш қатнашчиларига қарата дедилар:

— Шундай қилиб кун тартибидаги докладлар тингланди. Улар юзасидан фикр алмашинувлар ҳам бўлиб ўтди. Яна бир кишининг сўзга чиқиши айтилган эди. Уни бошқа вақт тинглармиз.

Шундан сўнг Фафур Фулом йиғинга қисқача яқун ясадилар ва сессияни ёпиқ деб эълон қилдилар.

Эртаси кун Ф.Фулом Самарқанд шаҳридаги барча тадбирларга ўзлари бош бўлиб ўтқазгач, қолган ишларга муваффақият тилаб биз билан хайрлашдилар. Биз институт

ходимларидан бир гуруҳи шоирнинг ватани Нурота сари йўл олдик.

Ғафур Ғулом кўнгилчан, покиза табиат, одамларга меҳрибон киши эдилар. Аммо иш олиб бориш тартиб – қондаларини яхши билар, шароит талаб қилганда кескин ва қатъий ҳаракат қилар эдилар. Ўша илмий сессия вақтида у киши менинг хижолатимни тарқатиш учунгина эмас, балки катта бир илмий йигиннинг эътиборини сақлаб қолиш учун шундай қилган эдилар. Бу бирдан – бир тўғри йўл эди.

Худди шундай ҳодиса Тошкентда Тил ва Адабиёт институтида ҳам юз берган. Институтда илмий сессия бўлмақда. раислик қилувчи академик Ғафур Ғулом. Кун тартибидаги докладлар эшитилиб бўлгач, музокаралар бошланди. Навбатдаги сўзга чиққан бир нотиқ кун тартибига оид бўлмаган, сессия йўналишига ҳеч алоқаси йўқ гапларни гапира кетди. Назаримда у киши ўзининг кўп нарсалардан хабардор эканини кўрсатмоқчи бўлди, шекилли. Илмий йигин гапдонларнинг турли мавзудаги суҳбати эмас. Унинг кун тартиби, бир мазмундаги илмий йўналиши ва мақсади бор. Сўзга чиққанлар шу билан ҳисоблашмоқлари шарт.

Ҳалиги нотиқнинг гаплари бу талабга тамомийла зид эди. Шунинг учун йигин раиси академик Ғ.Ғулом унинг сўзини кесдилар ва қатъий оҳангда дедилар:

– Гапираётган бу гапларингиз ушбу сессия кун тартибига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тушинг минбардан!

Гапдон нотиқ сўзини тўхтатди ва вогозларини йигиштириб, минбардан тушиб кетди.

Менга муҳтарам фольклоршунос олима Музайяна Алавийа шунга ўхшаган яна бир воқеани сўзлаб берган эдилар.

Бир маҳал Тил ва адабиёт институтида илмий кенгаш мажлиси бормоқда экан. Академик – ёзувчи Ойбек раислик қилмоқдалар. Шунда бир киши сўзга чиққан. Бу нотиқ шеърларни оҳанг билан ва ёқимли ўқишга моҳир экан. У минбарда туриб муҳокама қилинаётган масала бўйича бирор жиддий фикр билдирмаган. Икки оғиз умумий гап қилгану сўнг шеърхонликка тушиб кетган. Бир ғазални ўқиган, сўнг иккинчисини... Бу ғазалларнинг баъс мавзусига алоқаси тўғрисида ҳеч нарса демас эди.

Шунда раис Ойбек домудла ўша нотиқни тўхтатиб унга деган эканлар:

—Тўхта! Бу ерда шеърхонлик кечаси бўлаётгани йўқ. Илмий кенгаш мажлиси ўтмоқда. Агар муҳокама мавзуъи бўйича бирор фикринг бўлса айт. Бўлмаса туш минбардан!

Илмий доирада илмий фикр, илмий гап керак. У ҳам ўз ўрнида, қўйилган масалага боғлиқ равишда. Шу жиҳатдан ҳар иккала улуғнинг танбеҳи ибрат мактаби кабидир.

Ғафур Ғулом табиатан шеър, шеърят учун яратилган зот эди. У санъат ва адабиётни жондан севар, ундан ҳассослик билан баҳра топар; шеърят, адабиёт билан яшар, нафас олар эди.

1959 йили Хоразмда Огаҳийнинг 150 йиллиги нишонлангани юқорида айтиб ўтилди. Урганжда бўлган илмий сессияда Ғафур Ғулом "Саъдийнинг "Ғулистон" асари Огаҳий таржимасида" мавзуида доклад қилдилар.

Докладчи олдин "Ғулистон"нинг жаҳон адабиётида тутган балад мавқеъи тўғрисида сўзлади. Мана неча асрлардан бери "Ғулистон" бутун—бутун авлодларни тарбиялаб келаётган шоҳ асарлардан биридир. Узоқ давр мобайнида у форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинмай келди. Лutfий, Навоий ва ўзбек адабиётининг бошқа ижодкорлари бу таржимани амалга ошира олмасми эдилар.

Албатта таржима қилаолар эдилар. Лекин бу вазифа ғоят жавобгарлик иш бўлганидан эҳтимол, бунга журъат этувчилар кўп бўлмагандир. Ёки бирор бошқа сабаб бўлган. Ҳар ҳолда XIX асрда Хоразмда бу оғир вазифа Огаҳийга юкланди. Таржиманинг кириш қисмида Огаҳий ўзининг нотоб эканини, қўлига қалам олмоққа дармони етмай қолаётганини ёзади. Аммо хон "Ғулистон"ни таржима қилмоққа буюрган эканлар Огаҳий мамнуният ва миннатдорлик билан ишга киришади. Яна Огаҳий ёзадики, агар худо умримни кифоят этса, зора бу вазифани охиригача етказиб бажарсам.

Умуман ўша даврларда шоирнинг аҳволи қандай бўлганини Ғафур Ғулом таъсирли ифодаларда сўзлаб бердилар. Агар ёзган қасидаси хонга маъқул бўлса, шоирга бир оз дон берилар эди. У донни тегирмонга солганда тегирмон тоши ҳўплаб кетганидан қолган урни уйга элтиб нон ёптириб оиласига, болаларига егизган. Шундан сўнг шоир яна бир қасида ёзиб бирор нарса олиб келгунгача шоирнинг оиласи қандай тирикчилик қилгани номаълум. Ана шундай шароитда шоир ижод қилган. Огаҳий қўлида қалам тутмоққа дармони етмай турган ҳолатда "Ғулистон"нинг таржимасига киришганида ҳам шундай аҳволда бўлгандир. Ахир ўз вақтида битта пўстин сўраб хонга шеър ёзгани маълумку! Шоирнинг ўша замонлардаги ана шундай аянч

аҳволи тўғрисида сўзлар экан, шоир Фафур Фуломнинг кўзларида ёш кўринди, овози пасайди. У бир оз пауза қилди. Залда жимжитлик. Юзлаб одамга шоир қалбидаги ҳаяжон кўчган эди.

Ўша кунлари тушлиқдан сўнг кичик бир даврада шеърый суҳбат бўлди. Фафур Фуломнинг кайфияти хуш, шеърый суҳбатта мойил эди. Шунда Фафур Фулом шоир Жуманиёз Шарифийга қарата бир икки мисра шеър тўқиб мурожаат қилдилар. Бу шеър "Қўқон батрак" достони вазнида. Суҳбатдошлардан бири буни давом эттирган бўлди. Фафур Фулом ўша вазн, ўша қофия яна бир байт айтдилар. Даврадошлардан яна бири давом эттирди.

Фафур Фулом яна ҳазил, яримчин. Тингловчилар байтларни гоҳо кулиб, гоҳо жиддий қарши олар эдилар. Гоҳо улардан бирортаси ҳам ўз байтини қўшади.

Бу мушоирани Фафур Фулом шундай ҳузур қилиб бошқардиларки, ҳамма яйраб тинглади.

Мен шунда Фафур Фуломнинг шеър ва шеърятга чўмиб кетган табиатининг ёрқин бир намоишини кўрганман.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, Фафур Фулом Тил ва адабиёт институтининг барча ишларида фаол қатнашар, унга руҳ бағишлар, бу фаолиятнинг самарали ва бой бўлмоғига ҳамиша ҳаракат қилар эдилар. Бу илмий тадқиқот марказининг асосий иши ўзбек филологиясининг ривожини, уни илмий юксақликка кўтариш эканини бизга доим уқдирар эдилар.

Бир куни кўзга кўринган адабиётшунос олимларимиздан бири менга деди:

– Ўтмиш даврлардаги ўзбек адабиётининг йирик арбоблари тўғрисида кичик – кичик миниатюра тарзидаги асарчалар яратиб, бир ҳикоячалар маржонига ўхшаш тўплам тузмоқчиман.

– Ундай қилмангиз – дедим мен -- Шундай ҳам "қисқача", "умумий тарзда", "қисқартирилган" асарлар етарли. Биз Фанлар Академияси илмий ходимлари тўлиқ, мукамал, ҳар томонлама, барча ижодий масалаларни қамраб оладиган асарлар яратмоққа интиломоғимиз керак.

Менинг суҳбатдошим бу фикрга рози бўладими, йўқми, менга номаълум. У киши мустақил фикрли, дадил, кўзга кўринган олимлардан эди. Аммо мен ҳам кўнглимдаги гапни очик айтган эдим.

Кейин мен Фафур Фулом домуллага шу бўлиб ўтган суҳбатни айтдим. Фафур Фулом жўшиб жавоб қилдилар:

– Майда-чуйда, қисқача нарсага жонимга теккан. Том маънодаги академик, илмий жиҳатдан пухта ва мукамал, лозим изоҳ, луғат, кўрсаткичлар ва бошқа илмий аппарат билан тўла

таъминланган, фан учун янгиликлардан иборат илмий асарлар яратингиз. Токим уларни ҳузур қилиб фахр билан қўлга олиб мириқиб ўқийин.

Тил ва адабиёт институтининг илмий жамоаси ана шу йўлдан изчил борди ва бормоқда.

Дарҳақиқат, қайси институтнинг Фафур Фуломи бор?!

## "ЖОМ СИНДИ, ШАРОБ ЭНДИ ҚАНИ?"

1966 йили Тошкент шаҳри бошига тушган оғир мусибат кўп одамларнинг қалбини ларзага солди. 26 апрель тонг пайти кучли ер қимираши бу гўзал шаҳарнинг марказий қисмини ер билан яқсон қилди. Бутун мамлакат Тошкентга ёрдамга ошиқди. Тошкент халқи ёшу қари, эркагу аёл қўлни қўлга бериб шаҳарни тикламоқда киришди. Фафур Фулом — ўзбек халқининг бузурғларидан бири бу оғир кунларда эл билан бирга, унинг дардини баробар чекар эди. У эл дардига малҳам бўлувчи маънолар тўла сўзлари билан бу оғир кулфатни енгиллатмоқчи бўлар эди.

Аmmo халқ бошига тушган оғир бахтсизлик уни эзиб қўйгани маълум.

1966 йили ёзида бир йиғилишдан ҳамма тўзиб чиқаётган пайтда мен Фафур Фулом домуллани учратдим. У кишининг ранглари олинган, озгин юзларида изтироб, дарманда аҳволда эдилар. Мен у кишига яқин келиб саломлашдим. Домулла алик қайтаргач, менга дедилар:

— Бир автомашина топгин. Мени уйга элтиб қўйсин.

Мен ўша заҳоти яқин дўстимиз Убайдулла Ёқубович Иброҳимовга илтимос қилган эдим, у киши дарҳол ўз автомашиналарини тақдим этдилар. Убайдулла Ёқубович Иброҳимов иккимиз Фафур Фулом домуллани автомобилга ўлтирғизиб кузатиб қайтдик. Устознинг оғир аҳволи икковимизни ҳам ташвишга солган эди.

Менинг академик—ёзувчи, мўътабар устоз Фафур Фулом билан охирги юзма—юз учрашувим шу бўлди.

Июль ойининг бошлари, эрталаб нонушта пайтида Тошкент радиосидан академик—ёзувчи Фафур Фуломнинг дунёдан ўтгани тўғрисидаги хабарни эшитдим.

Тошкентнинг ҳозирги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган хайрлашув митингига йиғилган ўн минглаб одамлар билан бирга устоз Фафур Фулом билан абадий видолашдик.

Ўзбекистон халқ шоири Чархий (1900—1979) Фафур Фулом хотирасига бир марсия ёзганлар. Чархий домулла Қўқондаги



Муқимий хужра – музейида илмий ходим бўлганлар. Соҳибзода ҳазрат мадрасасининг бир четидаги бу музейда Фафур Фулом кўп бўлар, бу ерда Қўқон фозиллари билан суҳбат қуришар эди.

Бир кун Фафур Фулом деганлар:

– Шу ерда менга ҳам бир хужра ажратсангиз. Қўқонга келганда шу хужрада тўхтаб, сизлар билан бирга бўлсам.

Музей ходимлари бу таклифни мамнуният билан қабул қилганлар. Иккинчи қаватда ремонтдан чиққан хужралардан бирини йиғиштириб, палос, кўрпачалар тўшаб меҳмоннавозликка шай турганлар. Аммо улуғ шоирга бу меҳмоннавозликни кўрмоқ насиб этмаган экан.

Фафур Фулом домулланинг дунёдан ўтгани тўғрисидаги хабар унинг Қўқондаги дўстлари ва мухлисларини ҳам огир қайғуга солди. Шоир Чархий марсиясида ана шу аламла дардлар ўз ифодасини тошган.

*У ёруғ моҳтоб энди қани  
Юзда мавжи гулоб энди қани  
Сийналардир кабоб, энди қани  
Фикри ҳозир жавоб энди қани  
Дўсти олийжаноб энди қани.*

*Шоиру олиму зарифу адиб  
Меҳрибон мунису шафику қариб  
Пурсанпос бўлмади ченга насиб  
Ҳурмати беҳисоб энди қани  
Дўсти олийжаноб энди қани.*

*Фазл тоқин баланд мақоми эди  
Мирзо Абдулғафур Фуломий эди  
У жарангдор кўнглини жоми эди  
Жом синди шароб энди қани  
Дўсти олийжаноб энди қани...*

## МУНДАРИЖА

Ганишув.....	4
Иккинчи учрашув.....	6
Муқимий хужра музейи.....	10
Тоға — жиян ёзишмалари.....	13
"Фарҳод ва Ширин"нинг насрий баёни.....	15
Уруш йиллари.....	19
"Урта Осиёнинг шарқ факультети".....	23
Шарқ қўлёзмалари хазинасида.....	27
Махмур девони қўлёзмасининг топилиши.....	30
"Китобийртар" воқеаси.....	34
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архиви.....	36
Андижонда Бобур байрами.....	38
Ҳозиржавоблик.....	41
Директорлик машмасаси.....	42
Душанбеда.....	46
Қўқон Адабиёт музейи.....	50
Мумтоз адабиёт билимдони.....	54
"Тун билан тонг".....	58
"Навоий қабри устида".....	62
Жомий ва Навоий.....	66
Аваз Ўтар ўғли.....	69
Икки Машраб тўғрисида.....	70
Москвадаги учрашувлар.....	72
Илмий даража.....	74
Ҳазилкашлик.....	76
Тарбиячи.....	79
Марҳамат.....	83
"Ғафур омонми?".....	87
"Қайси институтнинг Ғафур Ғуломи бор?!".....	91
"Жом сиңди, шароб энди қани?".....	96

**Aziz Qayumov**

**Akademik G'afur G'ulom  
(xotiralar)**

**Муҳаррир: Отабек ЖЎРАБОЕВ**  
**Компьютерда терувчи: Юдуз АБДУРАИМОВА**  
**Мусаҳҳиҳ: Фотима ИКРОМОВА**

**ИБ №435**

**Теришга берилди: 12.11.2002 й.**  
**Босишга рухсат этилди: 27.11.2002 й.**  
**"Baltika" гарнитураси. Бичими: 84x108 1/32.**  
**6 босма табоқ. Адеди: 500 нуска.**  
**№ 85 рақамли шартнома.**

**Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.**  
**Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30 — уй.**

**"Ҳамид Сулаймон" номи МЧЖ босмахонасида босилди.**  
**Тошкент, 700011. Навоий кўчаси, 69 — уй.**